

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК**  
ҷайта тайёрлаш ва малака ошириш  
йўналиши

**“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ – УСЛОВИЙ МАЖМУА**

Тошкент – 2017

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТДЮУ Давлат хукуқи ва бошқаруви кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, доцент

**Эргашев Восид Ёқубович**

**ТДЮУ Давлат хукуқи ва бошқаруви кафедраси ўқитувчиси**

**Артиков Дилмурод Рахматиллаевич**

**Тақризчи:** ТДЮУ Давлат хукуқи ва бошқаруви кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди **Х.Ҳайитов**

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>20</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>159</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>164</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>172</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>173</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>180</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мазкур модул Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1990-сон Қарори ҳамда 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонига мувофиқ тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилган ҳолда бакалавр олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини, билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур модулнинг ишчи ўқув дастури таркибида модулнинг мақсади ва вазифалари, назарий ва амалий билимларнинг мазмuni, мустақил ишнинг ҳажми ва мазмuni, ўқув-услубий адабиётлар ҳамда баҳолаш мезонлари қамраб олинган.

Ишчи ўқув дастурида фан-техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлик ўз аксини топган.

Мазкур дастур конституциявий ва маъмурий хуқуқ бўйича долзарб мавзулари асосида шакллантирилган масалаларни қамрайди.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари педагог-ходимларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида тингловчи конституциявий ва маъмурий хуқуқقا оид бўлган конституциявий хуқуқнинг умумий тавсифи, инсон хукуqlари турлари, маъмурий хуқуқ тушунчаси, маъмурий процедураларга оид мавзулар бўйича эркин фикр юритиш ва ва интерфаол усувларни амалда қўллай олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини конституциявий, ва маъмурий ҳуқуқнинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, ушбу ҳуқуқ соҳаларининг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ” модулининг вазифалари:

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқнинг асосий масалалари юзасидан чуқур билим олишни таъминлаш;
- турли конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ институтларни танқидий таҳлил этиш ва баҳолаш учун зарурый билимлар асосини таъминлаш;
- мантиқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқий муносабатларга оид қонунларни амалда қўллай олиш кўникмасини шакллантириш;

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- фаннинг назарияси, қонуниятлари ва асосий тамойилларини;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларга киритилган ўзгартериш ва қўшимчаларни;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, уларни экспертиза қилиш, юридик конфликтларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий усул ва воситаларини;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фанларни ўқитишининг ўзига хос жиҳатларига, ушбу фанлар бўйича модулли ўқитиш тизими ва унинг қисмларига, маъруза ўқишининг интерфаол усулларини ушбу фанлардан маъруза ўқишида қўллашни, кейс-стади асосида дарс ўтишни;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳалари ва фанлари ривожланишининг устувор йўналашлари, ушбу ҳуқуқ соҳаларининг назарий фундаментал асослари бўйича;
- ҳуқуқий фанлар бўйича инновацияларни, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини;
- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига оид интернет тармоғида мавжуд илмий янгиликларни;
- ўқув жараёнида назарий тайёргарликни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлашни;
- адлия, суд, прокуратура, ички ишлар органлари ва адвокатура амалиёти тўғрисидаги маълумотларни;
- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш ҳақидаги маълумотларни;

- ҳуқуқий ахборот тизимларини қўллаш метод ва воситаларини **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фаолият соҳаларига тегишли фанларнинг истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фаолият соҳаларига оид қонунчилик нормаларини, илмий ва амалий тадқиқотларни ўқув жараёнида қўллай олиш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фаолият соҳаларига тегишли фанларни ўқитишида замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаол тадбиқ этиш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ фаолият соҳаларига тегишли фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий хужжатлар (норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари, процессуал хужжатлар, юридик хulosалар, хизмат хатлари ва ҳоказо) тайёрлай олиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишида таълим беришнинг модулли тизимидан кенгроқ файланиш;

- ҳуқуқий фанларга тааллуқли бўлган тадқиқотларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳуқуқий фанларни ўқитишида амалиёт материалларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда таҳлилий фикрлаш;

- республикамиздаги ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий фанларга тегишли илмий ютуқларни, махсус адабиётларни ва бошқа ахборотларни ўрганиш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига оид масалаларни тизимли таҳлил қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий хужжатларни, ўқув адабиётларини таҳлил қила олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва қонуности хужжатлари мазмунини билиш ва уларни амалда қўллай олиш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатларни шарҳлаш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига тегишли амалиёт материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотлар асосида тегишли хulosса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорларини процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш;

- конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қила олиш;

- касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ахборотларни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш воситаларидан фойдалана олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

- конституциявий, маъмурий ҳуқуқ ва юридик таълимнинг бошқа устувор соҳалари бўйича талабаларни фундаментал, шунингдек амалий касбий тайёргарлигини таъминлаш;

- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

- давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ўқув жараёнига илмий ишланмалар натижаларини самарали жорий этиш;

- талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

- ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини қўллаган ҳолда талабаларда тизимли мушоҳада юритиш, вазиятни баҳолай билиш, оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, уларда юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш кўникмаларини шакллантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ушбу модулни ўқитищда таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерактив таълим усувларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ” модули “Давлат ва ҳуқуқнинг замонавий ривожланиш тенденциялари”, “Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи” модуллари билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Маъруза</b>	<b>Амалий машғулот</b>	<b>Кўчма машғулот</b>	<b>Мустақил иш</b>
1.	Конституциявий ҳуқуқнинг умумий тавсифи ва унинг назария асослари	2	2		
2.	Инсон ва фуқаро ҳуқуқларига оид асосий тушунчалар, уларнинг турлари, кафолатлари ва бурчлари	2	2		
3.	Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси	2	2		
4.	Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-ҳуқуқий тартиботи	2	2	4	
5.	Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни	1	2		2
6.	Маъмурий процедуralарнинг Ўзбекистондаги бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари	1	2		2
<b>Жами соат</b>		<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Конституциявий ҳуқуқнинг умумий тавсифи ва унинг назария асослари.**

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи тушунчаси ва предмети. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқнинг етакчи соҳаси сифатида. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқ тармоғи сифатида. Конституциявий ҳуқуқ манбалари. Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар. Конституциявий ҳуқуқий муносабат субъектлари.

**2-мавзу: Инсон ва фуқаро ҳуқуқларига оид асосий тушунчалар, уларнинг турлари, кафолатлари ва бурчлари.**

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари. Инсон ҳуқуқлари турлари. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар. Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари. Фуқароларнинг асосий бурчлари.

**3-мавзу. Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.**

Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва уюшмалар. Тақиқлаш учун асослар. Жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш. Касаба уюшмаларининг вазифаси Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, тақиқлаш ва фаолиятини чеклаш асослари.

**4-мавзу: Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-ҳуқуқий тартиботи.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимиятининг олий органи. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти.

**5-мавзу: Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.**

Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули. Маъмурий ҳуқуқ тизими. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

**6-мавзу: Маъмурий процедураларнинг Ўзбекистондаги бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари.**

Маъмурчилик механизми ва ҳуқуқий давлат. Маъмурий процедуралар тушунчаси ва аҳамияти. Маъмурий процедуралар предмети ва амал қилиши соҳаси. Маъмурий процедуралар тизими ва тамойиллари

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Конституциявий ҳуқуқнинг умумий тавсифи ва унинг назария асослари.**

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи тушунчаси ва предмети. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқнинг етакчи соҳаси сифатида. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқ тармоғи сифатида. Конституциявий ҳуқуқ манбалари. Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар. Конституциявий ҳуқуқий муносабат субъектлари.

**2-амалий машғулот: Инсон ва фуқаро ҳуқуқларига оид асосий тушунчалар, уларнинг турлари, кафолатлари ва бурчлари.**

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари. Инсон ҳуқуқлари турлари. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий чекланиши. Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари. Фуқароларнинг асосий бурчлари.

**3-амалий машғулот: Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.**

Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва уюшмалар. Тақиқлаш учун асослар. Жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Касаба уюшмаларининг вазифаси Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, тақиқлаш ва фаолиятини чеклаш асослари.

**4-амалий машғулот: Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-ҳуқуқий тартиботи.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимиятининг олий органи. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти.

**5-амалий машғулот: Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.**

Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули. Маъмурий ҳуқуқ тизими. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

## **6-амалий машғулот: Маъмурий процедураларнинг Ўзбекистондаги бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари.**

Маъмурчилик механизми ва ҳуқуқий давлат. Маъмурий процедуралар тушунчаси ва аҳамияти. Маъмурий процедуралар предмети ва амал қилиши соҳаси. Маъмурий процедуралар тизими ва тамойиллари.

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида кўчма машғулот амалга ошириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини амалий малакаларини оширишга хизмат қилади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш (мавзуга оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш орқали, уларни амалий аҳамиятини ошириш);
- муаммоли вазиятни таҳлил қилиш (мавзу доирасидаги амалий муаммоли вазиятни қонун ҳужжатларига асосан таҳлил қилиш).

### **Баҳолаш мезони**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуидаги мезонлар орқали баҳоланади:

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Мантиқий саволлар	2,5	1 балл
2	Казус (кейс таҳлили)		1,5 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЛЬИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тинглочилик мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Давлат хизмати		
Давлат хизматчиси		
Маъмурий орган		

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга

хизмат қиласи.



**Намуна 1:** Давлат ҳокимиятини демократлаштириш шароитида парламент назоратини жорий этишнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Парламент назоратини жорий этишнинг кучли томонлари	Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг вакиллик функциясини самарали амалга ошириш ва фаол қонун ижодкорлиги ташаббусларини илгари суриш, мажбурий тусдаги қарорлар қабул қилиш
W	Парламент назоратини амалга оширишнинг кучсиз томонлари	Аниқланган муаммога тезкор таъсир этиш механизмининг мавжуд эмаслиги
O	Парламент назоратини жорий этишнинг имкониятлари (ички)	Шаклланган бой тажриба, расман белгиланган ваколатлар ва малакали мутахассислар
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотлар тўплашнинг билвосита тизими мавжуд эканлиги ва назорат қиласанаётган субъектлар билан алоқанинг доимий таъминланмаганлиги...

## **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижа (What).

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва групда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва групда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва групда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний холоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс 1.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси 2016 йил 2 чорак апрель ойидаги навбатдаги мажлиси кун тартибига Қашқадарё вилоятида

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ижросини муҳокама қилишни қўйди. Тегишли тартибда мутасадди ташкилотларга сўровлар юборилди.

Аммо қўмита депутатлари олинган маълумотлар асосида мазкур қонун ижросини муҳокама этиб бўлмайди деган хulosага келишиди ҳамда қайта сўров юборилди. Аммо сўровга тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан мазкур маълумотлар парламент назорати обьектига кирмайди деган важ кўрсатилган жавоб хати олинди.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшриқлари:

<b>1.</b>	Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯхда).
<b>2.</b>	Парламент назоратини амалга оширишнинг кетма-кетлигини белгиланг.
<b>3.</b>	Парламент назоратини амалга ошириш натижасида эришиладиган натижани таҳлил қилинг.

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ кейс мавзуси доирасида халқаро шартномалар таҳлини тайёрлаш;</li> <li>✓ кейс мавзуси доирасида халқаро суд ва халқаро ташкилотлар амалиёти таҳлилини тайёрлаш;</li> <li>✓ кейс мавзуси доирасида тайёрланган библиография асосида илмий нашрлар</li> <li>✓ таҳлилини тайёрлаш;</li> <li>✓ йиғилган таҳлилий ахборотларни умумлаштириш;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ тўрт кишидан гурӯхда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини халқаро ва миллий қонунчилигидан келиб чиқиб ҳуқуқни қўллаш мезони</li> </ul>

	<p>асосида аниқлаш;</p> <p>✓ муаммолар таҳлилидан сўнг асосий муаммоли вазиятни белгилаш</p>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<p>✓ гуруҳ ҳар бир аъзосининг вазифасини белгилаб ишлаш;</p> <p>✓ муқобил ечим йўлларини бошқа ижобий амалиётга эга бўлган минтақавий механизмларни қиёслаган ҳолда ишлаб чиқиш;</p> <p>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</p> <p>✓ муқобил ечимларни танлаш</p>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<p>✓ якка ёки гурухда ишлаш;</p> <p>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</p> <p>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</p> <p>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</p>

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўниқмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Норма:** “Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нұқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли”.

**Топшириқ:** Мазкур нормага нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### Намуна:

#### Маъмурий процедуралар

афзаллиги

камчилиги

### Хулоса:

#### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчида янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тинловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Конституциявий ҳуқуқининг умуний тавсифи ва унинг назария асослари.

##### РЕЖА:

1.1. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи тушунчаси ва предмети.

1.2. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқнинг етакчи соҳаси сифатида.

1.3. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқ тармоғи сифатида.

1.4. Конституциявий ҳуқуқ манбалари. Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар.

**Таянч иборалар:** ҳуқуқнинг етакчи соҳаси, конституциявий ҳуқуқни англаш, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, конституциявий-ҳуқуқий муносабат субъектлари, конституциявий ҳуқуқ тизими.

---


#### 1.1. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи тушунчаси ва предмети.

“Конституциявий ҳуқуқ” ҳуқуқшунослиқда тез-тез учраб турадиган ва бир неча тушунчаларга нисбатан ишлатиладиган атамадир<sup>1</sup>.

Аввало, “Конституциявий ҳуқуқ” атамаси турли мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринга эга бўлган ҳуқуқ тармоғига нисбатан ишлатилади ва мамлакатнинг жумладан: “Ўзбекистон Конституциявий ҳуқуқи”, “Қозоғистон Конституциявий ҳуқуқи”, “Россия Конституциявий ҳуқуқи” деб аталади. Иккинчидан, “Конституциявий ҳуқуқ” деганда ижтимоий фанлар тизимига кирувчи алоҳида ҳуқуқий фанга нисбатан ишлатилади (“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи” фани, “Қозоғистон Конституциявий ҳуқуқи” фани, “Россия Конституциявий ҳуқуқи” фани) ва у бошқа фанларга хос барча хусусиятларга эга. Учинчидан, “Конституциявий ҳуқуқ” фуқароларнинг Конституцияларда белгилаб қўйилган асосий ҳуқуқларига нисбатан ишлатилади. Бу уч тушунча турли маънода ишлатилса-да, улар бир-бири билан боғлиқдир. Конституциявий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тармоғи сифатида мавжудлиги, уни ҳуқуқшунослар ўрганиши заруратини туғдиради, бу ўз навбатида “Конституциявий ҳуқуқ” фанини бўлишини тақозо этади, фан эса, фақат билим беришнигина назарда тутмай, ҳуқуқ тармоқларини ижтимоий муносабатларни тартибга солишини, бир-бири билан мослигини, муаммоларни ўрганади. Ҳуқуқни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар учун асос бўлади.

<sup>1</sup> Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. Harlow, England ; New York: Longman, c2003. – Pg. 234

## Схема



“Конституциявий хуқуқ” тармоғи бир неча хуқуқий институтлардан ташкил топган бўлиб, улардан бири – шахс хуқуқий ҳолатидир. Шахс хуқуқий ҳолатида, фуқароларнинг асосий хуқуқлари – Конституциявий хуқуқлар деб аталиб, улар конституциявий-хуқуқий ноормаларда мустаҳкамланади. Бу эса фуқароларнинг Коонституциявий хуқуки тушунчасини, Конституциявий хуқуқ (хуқуқ тармоғи) ва конституциявий хуқуқ фани тушунчалари билан боғлиқлигини кўрсатади.

“Конституциявий хуқуқ” фани, конституциявий хуқуқни хуқуқ тармоғи сифатида ҳам, фуқароларнинг асосий хуқуқлари сифатида ҳам ўрганади.

Айнан мазкур бандда ва кейинги бандларда “Конституциявий хуқуқ”ни хуқуқ тармоғи сифатидаги хусусиятларини ўрганамиз.

Конституциявий хуқуқ Ўзбекистонда ҳам хуқуқни алоҳида тармоғи бўлиб, мамлакатнинг хуқуқ тизимининг таркибига киради ва шу билан бирга у хуқуқ тизимида етакчи хуқуқ ҳисобланади. Шунинг учун унда барча хуқуқ тармоқларига хос умумийлик мавжуд ва шу билан бирга

бошқа ҳуқуқлардан ажралиб турадиган хусусиятларга ҳам эга. Ўхашалик, умумийлик шундаки, “Конституциявий ҳуқуқ” ҳам ҳуқуқ нормалар йиғиндисидан иборат. Алоҳида хусусиятига эга, уни етакчи ҳуқуқлиги, унинг нормалари бошқа ҳуқуқлар учун асос бўлишида кўринади.

## Маълумот учун<sup>2</sup>

*Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл ва Ҳуқуқлар тўғрисидаги петиция. 1688 йилги улуғвор инқилоб натижасида икки қирол, яъни Англияда Жеймис II ва Шотладияда Жеймс VII таҳтдан қулади ва ҳокимиятига келган икки қўшима қироллик монархияни тиклади ва Қўшима парламентлар ҳуқуқлар тўғрисидаги билл ва Ҳуқуқлар тўғрисидаги петицияни қабул қилди. Бу ҳужжат Вилям ва Мрям томонидан қабул қилинди. Бу ҳужжат кейинчалик замонавий Конститусияга асос солди.*

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, Конституциявий ҳуқуқ маълум ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Бу ижтимоий муносабатлар жамият, инсон, давлат ўртасида вужудга келади. Конституциявий ҳуқуқ билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлар, ижтимоий муносабатлар тизимида асосий, раҳбарий, бош муносабатлардан иборат бўлади ва бошқа ижтимоий муносабатларни вужудга келиши учун асос, таянч вазифасини ўтайди. Масалан, Конституциявий ҳуқуқ мулкий муносабатларни, асосларини белгилаш билан, мулкий муносабатларни вужудга келишига асос бўлади. Бундан ташқари, турли ҳуқуқ тармоқлари алоҳида-алоҳида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан чегараланса (фуқаролик ҳуқуқи – мулкий муносабатларни, меҳнат ҳуқуқи меҳнат муносабатларини ва ҳоказо), Конституциявий ҳуқуқ турли соҳаларга тааллукли (мулкий, меҳнат, молия, солик) ижтимоий муносабатларни асосларини тартибга солади. Яъни, Конституциявий ҳуқуқнинг тартибга соловчи объектлари доираси, бошқа ҳуқуқ тармоқларига нисбатан кенг ва хилма-хилдир. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи – мамлакатнинг конституциявий тузум асосларини, жамият ва шахс муносабатларининг (жамиятнинг иқтисодий негизи, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари) асосларини, мамлакатнинг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши асосларини, давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосларини белгиловчи, ўрнатувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Бу ҳуқуқий нормалар халқаро шартномалар, Конституция, конституциявий қонунлар, жорий (оддий) қонунлар ва бошқа қонун ости ҳужжатларда ўз ўрнини топган. Бу

<sup>2</sup> Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. Harlow, England ; New York: Longman, c2003. – Pg. 13

Конституциявий ҳуқуқни ҳуқуқ тармоғи ва етакчи ҳуқуқ сифатида кўрсата биладиган энг оддий ва тушунарли таърифdir.

Конституциявий ҳуқуқнинг предметига хос яна бир хусусият шундаки, у тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар, бошқа ҳуқуқ тармоқлари тартбга соладиган ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши учун асос, база бўлиб хизмат қилади, масалан, ер ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, парламент ҳуқуқи, маъмурӣ ҳуқуқ ва бошқалар.

Конституциявий ҳуқуқ предмети ижтимоий муносабатларни икки йўналиши (соҳаси)ни тартибга солиниши билан характерланади. Бу соҳалар эса ижтимоий ҳаётда энг муҳимлари бўлиб, бошқа масалаларга ҳам таъсир этади.

Конституциявий ҳуқуқнинг биринчи тартибга соладиган масаласи бу – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, инсон ва давлат ўргасидаги муносабатлар бўлса, иккинчиси давлат тузилиши ва давлат ҳокимиятини ташкил этиш, яъни ҳокимиятчилик муносабатларидир.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган бошқа барча муносабатлар шу икки соҳанинг бирортаси таркибида мавжуд бўлади. Масалан, жамоат бирлашмалари фаолияти, оилавий муносабатлар, банк-молия муносабатлари ва бошқалар.

Инсон ва давлат муносабати конституциявий ҳуқуқ тартибга соладиган асосий муносабатлардир. Лекин шуни ҳам билиш керакки, инсон ва давлат муносабатлари жуда кенг ва кўп қиррали, шунинг учун бу муносабат фақат конституциявий ҳуқуқ билангина тартибга солинмай, бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ҳам тартибга солинади (мехнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурӣ ҳуқуқ, молия ҳуқуқи ва бошқалар). Лекин конституциявий ҳуқуқ асос, база бўлиш характеристига эга ҳуқуқий нормалардан иборат бўлиб, улар шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциявий ҳуқуқ предмети бу – шахс ҳуқуқий ҳолатини белгилаш (шахс ва давлат муносабати) ва ҳокимиятчиликни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Буларни таркиби кенг ва хилма хил муносабатлардан иборат бўлади.

## Схема

**Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқ предметига бўлган ёндошувлар:**

**Биринчи ёндошув:** конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг предметини давлат ҳокимиятини амалга ошириш ташкил этади. Бу ёндошув россиялик ҳуқуқшуносларга хосдир. Конституция тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг аксариятини давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари ташкил этади.

**Иккинчи ёндошув:** конституциявий ҳуқуқнинг предметини, авваламбор, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ташкил этади. Яъни давлат ҳокимиияти манфаатлари инсон манфатларидан келиб чиқиши керак.

**Учинчи ёндошув:** конституциявий ҳуқуқ предметини давлат ҳокимиияти ва инсон ҳуқуқларига оид муносабатларни тартиба солиш ташкил этади.

## 1.2. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқнинг етакчи соҳаси сифатида.

Ҳар бир мамлакатнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам ҳуқуқ тизими мавжуд. Ҳуқуқ тизими турли тармоқ ҳуқуқлари йиғиндисидан иборат бўлиб, ҳар бир ҳуқуқ тармоқларини ўз вазифаси ва тартиба солувчи предмети мавжуд.

Бошқа ҳуқуқ тармоқларидан фарқ қилиб, конституциявий ҳуқуқ икки хусусиятга эга: биринчиси, у мустақил ҳуқуқ тармоғи бўлса, иккинчиси, у етакчи ҳуқуқ ҳисобланади.

Конституциявий ҳуқуқнинг етакчи роли унинг нормалари билан тартиба солинадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти, етакчилиги, бошқа ҳуқуқлар билан тартиба солинадиган муносабатлар учун асос, таянч бўлиши билан белгиланади. Конституциявий ҳуқуқ шахс ва давлат муносабатларининг асосларини, шахснинг ҳуқуқий ҳолати асосларини, давлат ва ҳокимият тузилишини, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолиятининг принципларини, давлатнинг нодавлат ташкилотлар билан муносабатининг асосларини ўрнатар экан, ана шу масалаларни тартиба солувчи барча тармоқ ҳуқуқлари учун етакчилик ролини ўйнайди.

Яна конституциявий ҳуқуқнинг етакчилик роли бошқа ҳуқуқларнинг конституциявий нормалар орқали вужудга келишида ҳам кўринади ва ниҳоят, конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи конституция эканлиги ҳам унинг етакчилигини кўрсатади.

Конституциянинг 36-моддаси “Ҳар бир кишини мулқдор бўлиш, мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши, 53-моддада хусусий мулк даҳлсиз эканлиги ва давлат ҳимоясида бўлишини белгилар экан, бу билан мулкий масалаларни тартиба солувчи “Фуқаролик ҳуқуқи”га асос солади. Шу 53-моддада тадбиркорлик фаолиятини белгилар экан “Тадбиркорлик ҳуқуқи” учун асос бўлади. Худди шунингдек, конституциявий ҳуқуқнинг бошқа нормалари ҳам бошқа ҳуқуқлар учун асос бўлади ёки, бошқача қилиб айтганда, бошқа ҳуқуқлар ўзининг бошланғич нуқтасини, таянчини конституциявий ҳуқуқ нормаларидан олади. Ҳар қандай бошқа ҳуқуқ тармоқлари тартиба солаётган ижтимоий муносабатларнинг асоси конституциявий ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган. Бошқа тармоқ ҳуқуқлари, шу конституциявий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ижтимоий муносабатларни кенгайтириб, аниқлаштириб, амалга ошириш меҳанизмларини белгилаб тартиба солади.

Конституциявий ҳуқуқ нафақат моддий ҳуқуқ учун асос бўлади, улар процессуал ҳуқуқлар: жиноят процессуал ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқлари учун ҳам асос бўлиб ҳисобланади. Масалан, конституциянинг 26-моддасида судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун шароит яратилиши, 116-моддасида айбланувчи ҳимоя билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилган экан, бу қоидалар ўз ифодасини кенг ва аниқ процессуал ҳуқуқларда топади.

Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқ тизимида алоҳида, яъни етакчи ўринга эга экан, унинг бу мавқенини яна бошқа ҳолатлар ҳам кўрсатади. Жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар конституциявий ҳуқуқ нормаларида акс этиши билан ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари ривожига ҳам таъсири кучли бўлади.

Мамлакатимизда амал қилиб турган конституциявий ҳуқуқ нормалари, Ўзбекистоннинг давлат суворенитетини, шахснинг олий қадрият эканлигини, миллий давлатчиликнинг ўзига хос хусусиятларини, бозор иқтисодиёти хусусиятлари ва тамойилларини ўзида аниқ акс эттирган бўлиб, улар бошқа ҳуқуқ тармоқларида ҳам ўз ифодасини топган.

## Схема

### Конституциявий-ҳуқуқий нормалар

- Ўзбекистоннинг суверенлиги, мустақиллиги тўла таъминланган;
- Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро андозаларга мос равишда белгиланган;
- Шахс ва давлат муносабатларида шахс манфаатларининг устиворлиги ҳисобга олинган;
- Демократик асосларда ва тамойилларда ҳокимият тизими ва ҳокимиятни амалга оширувчи органлар тизими мустаҳкамланган;
- Энг асосийси, конституциявий ҳуқуқ нормалари ҳар қандай мафкурадан озод қилинган.

### **1.3. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқ тармоғи сифатида.**

Тартибга солиш зарур бўлган ижтимоий муносабатларнинг турлича бўлиши, ҳуқуқларнинг ҳам турли тармоқларга, соҳаларга бўлиниши шартлигини келтириб чиқаради. Ҳар бир ҳуқуқ тармоғи ўзига мос равища алоҳида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш вазифасини ўтайди. Ҳар бир мамлакатда ижтимоий муносабатларнинг кўлами ҳуқуқ тармоқларининг доирасини белгилайди ва ҳуқуқ тизимини ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар кўлами, янги муносабатларни вужудга келиши, ривожланиши янги ҳуқуқ тармоғини вужудга келтиради. Масалан, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши бир неча ҳуқуқ тармоқларининг бўлишига шароит яратади. Жумладан, солик ҳукуқи, божхона ҳукуқи, банк ҳукуқи, тадбиркорлик ҳукуқи ва бошқалар.


Конституциявий ҳуқуқ Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида етакчи ҳуқуқ ҳисобланиши билан бирга алоҳида ҳуқуқ тармоғи ҳам ҳисобланади, чунки факат унинг ўзи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлари, яъни предмети мавжуд. Конституциявий ҳуқуқни алоҳида тармоқ ҳуқуқи сифатида мавжуд бўлишига, ижтимоий муносабатларга тааллуқли асосий муносабатлар умумий тарзда тартибга солиниши зарурлиги сабаб бўлади. Буни бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётда конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш зарур бўлган ижтимоий муносабатларни мавжудлигидир.

Конституциявий тузим асослари билан боғлиқ муносабатлар (давлат суверенитети, ҳокимиятчилик), шахс ҳуқуқий ҳолати асослари, давлат тузилиши, маъмурий-ҳудудий тузилиш асослари, жамиятдаги нодавлат тузилмалари фаолияти асослари, ҳокимият асослари, ҳокимият органлари тизими ва фаолиятининг ташкил этиш асосий принциплари конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари бошқа ҳуқуқ тармоқларига хос хусусиятларга эгалиги ҳам, бу ҳуқуқни алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида кўрсатади.

Бошқа ҳуқуқ нормалари каби конституциявий ҳуқуқ нормалари ҳам императив ва диспозитив бўлади.

#### **Схема**



Императив хусусияти деганда ҳуқуқ нормаларида белгиланган қоида субъектга бошқа ҳеч қандай ҳаракат учун имконият қолдирмай, аниқ бажарилиши шарт топшириқ қўйилиши тушунилдаи. Бунга Конституциянинг 91-моддасидаги “Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас” деган нормани ёки 98-моддадаги “Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қиласиди” деган нормани кўрсатиш мумкин.

Диспозитив характердаги нормаларда эса субъектда шу нормадаги қоидадан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади ёки у шу норма кўрсатмасидан ўз хоҳишига қараб фойдаланади. Конституциянинг 95-моддаси нормасида тегишли вазиятлар вужудга келган вақтда Олий Мажлис палаталаридан бири ёки иккала палата Президент томонидан тарқатиб юборилиши мумкинлиги кўрсатилган қоида бунга мисол бўлади, императив ва диспозитив характердаги нормаларни бошқа моддаларда ҳам кўриш мумкин.

Шундай қилиб, конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқнинг мустақил тармоғи, унинг тартибга соладиган ижтимоий муносабатлари турли соҳаларга тааллуқли бўлиб, конституциявий ҳуқуқ нормалари уларнинг асосларини белгилайди, тартибга солади.

#### **1.4. Конституциявий ҳуқуқ манбалари. Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар.**

Конституциявий-ҳуқуқий турли шаклларда ифода этилган бўлиб, улар конституциявий ҳуқуқ манбалари ҳисобланади. Улар конституция, қонун, фармон ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар кўринишида бўлиши мумкин.

Конституциявий ҳуқуқ шакллари (манбалари) бир-бири билан боғлиқ ва бири иккинчиси учун юқори юридик кучга эга. Масалан, конституция бошқа қонунлар, фармонлар учун юқори юридик кучга эга бўлса, Президент фармони ҳукумат қарори учун юқори кучга эга.

Конституциявий ҳуқуқ манбаларининг ҳар бири ўз вазифасига эга ва улар бири бирининг ўрнини эгаллаши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда Конституция билан тартибга солиниши керак бўлган масалани қонун билан; фармон билан ёки қонун билан тартибга солинадиган масалаларни эса ҳукумат қарорлари билан тартибга солиб бўлмайди.

У ёки бу ҳужжатни ҳуқуқ манбаси сифатида эътироф этиш маълум бир ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Чунки бундай ҳужжат фуқаро учун маълум ҳуқуқларни ёки бурчларни ўрнатиши мумкин, фуқаро эса унга асосан ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишни талаб қилиши мумкин.


Конституциявий ҳуқуқ манбалари орасида Конституция алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки Конституция факат конституциявий ҳуқуқ манбасигина эмас, балки бошқа ҳуқуқлар учун ҳам манбадир. Конституциянинг ҳуқуқ манбалари орасида алоҳида мавқеини унинг давлатнинг асосий қонуни эканлиги ҳам белгилайди.

Жумладан, Буюк Британия ёзилган Конституция бўлмасада Конституциявий ҳуқуқнинг икки асосий манбаси деярли умумий, бир хилдир, Чунончи:

1. Қонун ҳужжатлари (ёки кучга кирган ҳужжатлар) яъни ўз ичига Парламент қарорлари ва Парламент томонидан ҳуқуқ берилган вазир ва бошқа субъектлар томонидан қабул қилинган. Ўзининг имтиёзли ҳуқуқи асосида қироллик томонидан қабул қилинган ҳуқуқ институциялари бундан мустасно. Улар 1973-йилдан буён Европа жамияти томонидан кучга киритилган.

2. Суд прецедентлари (суд ишлари) - умумий ҳуқуқ асосида суд тушунтиришлари ва ҳуқуқни шарҳлаш. 1973 йилдан Европа судининг герман ҳуқуқи асосидаги қарорлари ҳам 1998 йилда талаб қилиндики, барча суд ва трибуналлар Инсон ҳуқуқлари Европа судининг қарорлари ҳам манба сифатида ҳисобга олинди. Бундан ташқари суд томонидан ҳуқуқий куч берилган савдо ва майший одат ҳуқуқи ҳам ҳуқуқий манба бўлиб ҳизмат қиласди. Лекин бу тоифадаги манбалар конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаси ҳисобланмайди, гарчи ҳукумат томонидан баъзи ишларни ҳал қилишда уларга мурожаат қилинса ҳам. Парламент ишларида ҳар бир палата ўзининг ички ишларини тартибга солишда ўзи ваколатлидир. Шунинг учун парламент одатлари ва актлари амалиётда конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаси ҳисобланади. Иккинчи тоифадаги манбаларга ёзувчиларнинг фикр ва холосалари киради<sup>3</sup>.

### Схема



Конституция энг муҳим норма ва принципларни ўрнатади ва кейинчалик улардан бошқа ҳуқуқий тартибга солишни шакллари ўсиб чиқади (турли соҳадаги қонунлар, фармонлар). Айрим Конституциявий нормалар тўғридан-тўғри амал қилиб, қўшимча тартибга солишга муҳтож эмас.

Масалан, Конституциянинг 92-моддасига биноан Президент Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимиғз

<sup>3</sup> Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. Harlow, England ; New York: Longman, c2003. – Pg. 15

киришган ҳисобланади деган қоидани амалга ошириш учун ҳеч қандай қўшимча норма, ҳужжат зарур эмас.

Конституция нормаларининг ўзгартирилишини алоҳида тартиб ва қоидаларнинг ўрнатилиши ҳам, Конституциянинг ҳуқуқ манбаси сифатидаги алоҳида мақомини кўрсатади.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари орасида қонунлар муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунларни икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчиси, Конституциявий қонунлар, иккинчиси, оддий қонунлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қандай масалалар бўйича Конституциявий қонунлар қабул қилиш кераклиги белгиланмаган. Айрим мамлакатлар Конституцияларида қандай масалалар юзасидан Конституциявий қонунлар қабул қилиниш зарурлиги белгиланган. Россия Федерацияси Конституциясининг 13 та моддасида Конституциявий қонун қабул қилишга доир масалалар берилган. Бизнинг қонунчилик тажрибамизда ҳар қандай ҳолатга конкрет ёндашилиб, Конституциявий даражада ҳал қилиниши мумкин бўлган масалалар юзасидан Конституциявий қонунлар қабул қилинади. Ҳозирга қадар мамлакатимизда қўйидаги Конституциявий қонунлар амалда: “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосисй принциплари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини қучайтириш тўғрисида”ги қонунлар. Конституциявий қонунлар ҳам Конституция каби тўлиқ Конституциявий ҳуқуқ манбаси бўлади.

Кейинги манба бу – қонунлардир. Юқоридагилардан фарқ қилиб фақат Конституциявий-ҳуқуқий мазмундаги қонунларгина Конституциявий ҳуқуқ манбаси бўлади. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”, “Сайлов тўғрисида”ги қонунлар ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий-ҳуқуқий мазмундаги фармон ва фармоишлари Конституциявий ҳуқуқ манбалари бўлиб ҳисобланади. Масалан, ҳукумат таркиби (тайинлаш, вазифасидан озод қилиш), марказий давлат идораларини тузиш, Конституцияда белгиланган бошқа мансабдор шахсларни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлар ва шу каби бир қатор хужжатлар – Конституциявий-ҳуқуқ манбаси бўлади.

Олий Мажлис палаталарининг айрим, яъни Конституциявий-ҳуқуқий мазмундаги қарорлари ҳам Конституциявий ҳуқуқ манбаси бўлиши мумкин. Улар томонидан қабул қилинган регламентлар ҳам манба ҳисобланади.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари қаторига яна, ҳукумат қарорлари, суд қарорлари (Конституциявий суд), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ҳам киритилиши мумкин. Фақат шунга алоҳида

эътибор бериш керакки, бу ҳужжатлар Конституциявий ҳуқуқ тартибга солувчи муносабатлар доирасида қабул қилинган бўлса, ҳамма учун мажбурий характерга эга бўлса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бўлсагина Конституциявий ҳуқуқ манбаси бўлади.

Конституцияларнинг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниши эътироф этилган, шу сабабли айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам Конституциявий ҳуқуқ манбаси бўлиши мумкин.

Хорижий асарларида қуйидагилар конституциявий ҳуқуқнинг манбалари (Бюук Британияда) ҳисобланади:

1. Конституция ва унга киритилган ўзгартириш ва тузатишлар;
2. Конституциявий амиятга эга бўлган парламент аорлари;
3. Турлича талин илинадиган норма бўйича суд тушуниришлари<sup>4</sup>.

Ана шу конституциявий-ҳуқуқий нормаларни амал қилиш натижасида конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Уларда ҳам бошқа ҳуқуқий муносабатларга тегишли умумий хусусиятлар мавжуд. Умумийлик шундаки, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормаси билан тартибга солингандагина ҳуқуқий муносабат бўлади. Ҳуқуқий муносабат орқалигина ҳуқуқ нормалари амалга оширилади. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти (бошқа ҳуқуқий муносабатлардан) қуйидагиларда кўринади.

1. Улар ўзининг алоҳида мазмунига эга. Бу муносабатлар факат конституциявий ҳуқуқ предмети ҳисобланади.

2. Бу муносабат алоҳида субъектлар таркибиغا эга.

3. Барча конституциявий-ҳуқуқий нормалар ҳам аниқ конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Масалан, принцип нормалар. Улар ўзининг тартибга солиш таъсирини қоида нормалар орқали амалга оширади.

Шундай қилиб, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, конституциявий-ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, уларнинг мазмуни субъектлар ўртасидаги юридик алоқалар ҳисобланади ва бу алоқалар тегишли ҳуқуқий нормаларда кўзда тутилган ўзаро ҳуқуқ ва бурч шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар бошқа ҳуқуқий муносабатларга нисбатан хилма-хилдир. Асосан ҳуқуқий муносабатлар қоида нормаларнинг амал қилиши орқали вужудга келади. Улар асосида аниқ муносабатлар вужудга келиб, унда муносабатнинг аниқ субъектлари ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ бўлади.

Принцип-нормалар, мақсад нормалар, декларатив нормалар бошқачароқ муносабатларни вужудга келтиради ва шу орқали тегишли нормада ётган кўрсатма, таъкидлар ҳаётга татбиқ қилинади. Бу ҳуқуқий

<sup>4</sup> Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. Harlow, England ; New York: Longman, c2003. – Pg. 14

муносабатлар умумий характерда бўлиб, аниқ субъектлари йўқ, бўлган тақдирида ҳам уларнинг ҳуқуқ ва бурчи ўрнатилмайди.

Конституциявий-хуқуқий муносабатлар доимий ёки вақтинча бўлиши мумкин. Доимийнинг муддати белгиланмаган ва баъзи сабабларо билан у тўхтатилиши мумкин. Масалан, фуқаронинг вафот этиши.

Айрим вазифалар бажарилганда ҳам муносабатлар тугаши мумкин. Масалан, сайлов компанияси тугаши билан, сайловчи ва комиссиялар ўртасидаги муносабатлар тугайди.

Хуқуқий муносабатларни вужудга келиши, тугашида юридик факт мухим роль ўйнайди. Юридик факт – хуқуқий муносабатни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган, тутатадиган воқеа ёки харакатдир.

### **Назорат учун саволлари**

1. “Конституциявий ҳуқуқ” фани предметига ҳуқуқий тушунча беринг? Конституциявий ҳуқуқ фани тизимини назарий жиҳатдан ёритиб беринг.

2. Конституциявий ҳуқуқ фанининг бошқа ҳуқуқий фанлар билан алоқасини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беринг? Ушбу алоқадорлик амалиётда қандай ўз ифодасини топган?

3. Конституциявий-хуқуқий муносабатлар субъектларига кимлар киради? Ушбу субъектларнинг ҳуқуқий мақомига тўхталиб ўтинг?

4. Конституциявий ҳуқуқ манбаларига нималар киради? Ушбу манбалар нима учун конституциявий ҳуқуқ манбаси бўлиб хизмат қилишини асослаб беринг?

5. Конституциянинг моҳияти ва унинг асосий белгилари нималардан иборат? Конституциянинг функцияларини тавсифлаб беринг?

6. Конституциянинг қандай турлари мавжуд? Конституциянинг турлари бир-биридан мазмун жиҳатдан қандай фарқланади?

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартибини қонунчилик доирасида батафсил ёритиб беринг? Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига неча марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган?

8. Конституцияни ҳимоялаш ва конституциявий назорат турларини ёритиб беринг? Конституцияни ҳимоялаш ва конституциявий назоратни амалга оширувчи ваколатли органларни санаб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи // Дарслик – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2012. – 564 б.

2. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России: Учебник. М.- 2005.-213 с.

3. Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. 2003.

4. Harlow, England; New York: Longman, c20Erwin Chemerinsky. Constitutional Law: Principles and Policies. 4th Edition, May 25, 2011.

**5.** Christopher N. May, Allan Ides. Constitutional Law: National Power & Federalism. 5th Edition, 2012.

**6.** Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012.

## **2-мавзу: Инсон ва фуқаро ҳуқуқларига оид асосий тушунчалар, уларнинг турлари, кафолатлари ва бурчлари.**

### **РЕЖА:**

- 2.1. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.
- 2.2. Инсон ҳуқуқлари турлари.
- 2.3. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар.
- 2.4. Ҳукуқ ва эркинлик кафолатлари.
- 2.5. Фуқароларнинг асосий бурчлари.

**Таянч иборалар:** инсон ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, эркинлик, мажбурият, сиёсий ҳуқуқ, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, ҳуқуқий тенглик, намойиш

---

### **2.1. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.**

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни одатда табиий ҳуқуқлар ҳам деб юритилади. Улар инсон туғилиши билан вужудга келади. Уларни давлат бермайди. Фақат шу ҳуқуқларни давлат таъминлайди ва шунга мажбур. Шахсий яъни табиий ҳуқуқлар барча мамлакатларда мавжуд ва давлат томонидан таъминланади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар халқаро ҳужжатлар билан ҳам ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишида ва қабул қилишда, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлар белгиланган халқаро ҳужжатлар, жумладан, “Инсон ҳуқуқлари бутун жаҳон Декларацияси” қоидаларига амал қилинди.

Натижада биринчи марта, Конституцияда яшаш ҳуқуқи, қайд қилиниб, бу ҳуқуқни таъминлашни давлат ўз зиммасига олди.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, бошқа ҳуқуқлардан фарқ қилиб, уларни чеклаш мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда чеклаш зарурати бўлса, бу Конституция асосида, унда кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Яъни баъзи ҳолларда чеклаш қонунга асосан амалга оширилиши белгиланган.

Шахснинг шахсий ҳаёти бузилиши йўлларидан бири бу у тўғрисида назорат қилиш орқали керакли маълумотлар тўплашдир.<sup>5</sup> Ушбу усул турли йўллар орқали амалга оширилиши мумкин: давлат томонидан, ахборот воситалари орқали шахсий далсизлигини бузилишига олиб келиши, эшитиш мосламаларини қўллаш ёки турли алоқа воситаларига

---

<sup>5</sup>There will be circumstances where surveillance does not require authorisation: see Official Report, Standing Committee F, 30 March 2000, col 274

аралашишни келтириб чиқариши мумкин. Умумий ҳуқуқга кўра, бирор шахсни назорат остига қўйиш ноқонуний ҳисобланмайди, гарчи ушбу назорат унга қонун томонидан тақдим этилган ҳуқуқларни бузилишига олиб келсада. Шахсий ҳаётга тажовуз қилиш судлар томонидан ушбу ҳолатни ўрганилишига асос бўлмайди.<sup>6</sup>

Буюк Британияда инсоннинг шахсий ҳуқуқларини бузилишига оид воқеа юз берган. Ушбу иш “Кан иши” деб номланган.<sup>7</sup>

### Маълумот учун

Кан ишида айбланувчи ноқонуний дори воситалари импортида гумонланаётган эди. Полиция эшлиши мосламаларини айбланувчи ташриф буюрадиган уйлар ташқарисига ўрнатди, аммо бундай ҳаракат ҳеч қандай ваколатли органлар розилигисиз амалга оширилди. Шунга қарамасдан, Crown полициясининг мослама ўрнатилган уйларга зарар етказгани ва бостириб кирганини қабул қилди. Кан дори воситалари импортида айборд деб топилди. Унга қарши далиллар эшлиши воситалари орқали ёзиб олинган эди. У қарор устидан шикоят бериб, таъкидладики ушбу далиллар ноқонуний олингани учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас бу холат инсон ҳуқуклари бўйича Европа конвенсиасига зиддир. Аммо Кан енгилди: далилларнинг ноқонунийлиги уларнинг ноқонунийолингланлигига боғлиқ эмас.

Лекин шундай ҳуқуқлар борки уларни асло чеклаш, улардан маҳрум қилиш асло мумкин эмас. Масалан “яшаш ҳуқуқи”.

Шахсий ҳуқуқлардан барча шахслар, фуқаролигидан қатъий назар фойдаланилди ва давлат ҳам барчага фуқаролигидан қатъий назар шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишга имкон яратади.

Конституцияга асосан шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар билан боғлиқ, инсонни ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ҳам бу ҳуқуқларни ҳуқуқ ва эркинликлар тизимида устувор ҳисобланишига олиб келади.

Инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлиги дахлсиздир – деб қайд қилинган, Конституция қабул қилинаётган Олий Кенгаш сессиясида ва шуғоя Конституцияда тўла ўз ифодасини топган.

Инсон ҳаёти, Конституцияда яшаш ҳуқуқини белгиланиши ва ҳар томонлама таъминланиши билан кафолатланади.

Конституциянинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ўзвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” деб белгиланган.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи қонунлар билан ҳимоя қилинади. Яшаш ҳуқуқи ҳаёт кечириш билан боғлиқ бўлганлиги учун, инсон ҳаётига ҳар қандай тажовуз қонунга асосан жазоланади. Ўзбекистон Республикасининг

<sup>6</sup>Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 498

<sup>7</sup>Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 497

Жиноят кодексида инсон ҳаётига қилинган тажовузларга жазо белгиланган. Кодекснинг 97-моддасида касдан одам ўлдириш учун, 98-моддада кучли руҳий ҳаёжон натижасида касдан одам ўлдириш учун, 99-моддада онанинг ўз чақалоғи (боласини) ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Худди шунингдек жиноят кодексида эҳтиётсизлик билан одам ўлдириш, зарурый мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдириш учун ҳам жиноий жазо белгиланган.

Оғир жиноят содир этган шахсларни ўлим жазоси орқали ҳаётдан маҳрум қилиш масаласи ҳам яшаш хуқуқи билан боғлиқ ходиса. Бу айрим давлатларда охирги чора тариқасида кўлланиладиган жазо. Мамлакатимизда демократлаштириш жараёни чуқурлашиб бориши билан бу масалага ҳам ёндашув ўзгариб бормокда. Ўзбекистон XXI асрга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси билан кириб келди. Бу борада 2001 йил Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 6-сессиясида қабул қилинган “Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳим роль ўйнайди.

Умуман Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўлим жазосини кўллашни камайтиришга ҳаракат қилди. Мустақилликка эришган вақтда Жиноят Кодексининг 30 дан ортиқ моддаларида ўлим жазоси белгиланган бўлса, 1994 йилда 13 та моддада, 1998 йилда 8 та моддада, 2001 йилда 4 та моддада ўлим жазоси кўзда тутилди.

2005 йил 28 январда Ўзбекистон Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzасида “Суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз хал этишимиз лозим бўлган яна бир масала - бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир” деб қайд қилди. Шуни ҳаётга татбиқ этиш учун Ўзбекистон Президенти “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармон қабул қилди. Фармон асосида тегишли қонунларга ўзгартириш киритилди ва ўлим жазоси мутлақо бекор қилинди. Бу амалга оширилаётган ишлар бевосита инсоннинг Конституцияда белгиланган яшаш хукуқини таъминлашни кучайтиришга қаратилгандир.

Инсоннинг яшаш хукуқи тўла-тўқис бўлиши учун, яшashi, ҳаёти давомида ҳаётдан тўла баҳраманд бўлиши ва ўз имкониятларидан тўла фойдаланиши учун унга албатта эркинлик ва дахлсизлик зарур. Шунинг учун Конституциянинг 25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик хукуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда хибсга олиниши ёки камоқда сакланиши мумкин эмас” деб белгиланган.

Эркинлик шахснинг ўз ихтиёри буйича яшаш, ҳаёт кечириш имконияти бўлиб, факат шахс қонунларга итоат этиши зарур. Мамлакатимизда ҳар бир кишининг эркинлиги, унинг шахсий дахлсизлиги билан таъминланади. Даҳлсизлик дегани шахснинг эркинлигини чекловчи

кеч қандай ҳаракатларга йул қўйилмаслигидир. Қонунда белгиланган асослардан ташқари ҳеч кимнинг эркинлиги чекланиши, эркинликка зарар етказилиши мумкин эмас. Қонун тегишли ҳолларда кишиларнинг эркинлигини чеклашга йул қўяди. Яъни улар жиноий ҳаракат содир этса, ёки шундай ҳаракат содир этишда гумон қилинса, шахсни жамиятдан ажратишга зарурат бўлади. Лекин ҳар қандай эркинликни чеклаш қонунга асосан ва қонун ваколат берган органлар томонидан амалга оширилади. Ички ишлар органлари, маълум муддатга шахсларни ушлаб туриши, суд органлари қамоққа олиш ҳақида санкция (розилик) бериши, ва озодликдан маҳрум қилиш ёки бошқа эркинликни чекловчи жазолар бериши мумкин.

Мамлакатимизда ҳар бир кишини эркинлигини янада кенгроқ таъминлаш мақсадида ва жаҳон тажрибасига таянган ҳолда шахсни ушлаб туриш (яъни эркинлигини чеклаш) масаласиниadolatli ҳал қилиш учун “Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни кўллаш учун санкция бериш хуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак, деб ўйлайман” – деб Президент бу масалани кун тартибига қўйган эди. Ҳамда шу масалани ҳаётга татбиқ қилиш учун 2005 йил 8 августда “Қамоққа олишга санкция бериш хуқуқни ҳам судларга ўтказиш тўғрисида” ги Фармон қабул қилди, ва унинг асосида тегишли қонунчиликка ўзгартириш киритилди. Натижада шахс дахлсизлини таъминлаш қўчайтирилди.

Бу масалани моҳияти тўғрисида Ўзбекистон Президент шундай деган эди: “Бу борада “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш хуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди”<sup>8</sup>.

Конституциянинг 26-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикқа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”. – деб белгилаб қўйилган.

Ҳар қандай кишини айбор деб топишни фақат суд органлари ваколатига берилиши демократик хуқуқий давлатга хос хусусият бўлиб, бу шахсни ҳимоялашнинг муҳим воситасидир.

Жаҳон хуқуқшунослик тажрибасида “айбсизлик презумпцияси” деган сўз ишлатилади. Бу дегани шахсни айби аниқ исботланиб, айбли эканлиги суд эътироф этгунча, унга ҳеч қандай айб қўймаслик ва айбор деб эълон қилмасликдир. Шахсни айби қонунларда белгиланган тартибда,

<sup>8</sup>И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. -Т.; Ўзбекистон, 2010, 22-бет.

судда кўриб чиқилиб исботлансангина у айбор деб топилиши мумкин. Бунда яна бир муҳим шарт судда иш ошкора кўрилиши ҳисобланади. Судда ишни ошкора кўриш деганда манфаатдор томонларни олдиндан судда иш кўриш вақти ва жойи ҳақида огохлантириш, суд мажлисларида иштирок этишга тусқинлик қиласлиқ, суд мажлисларида жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот вакилларини иштирокига имконият яратиш ҳисобланади.

Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш, айбизлигини исботлаш учун барча тегишли имкониятлар яратилади. Улар далиллар тақдим қилиши, суддан гувоҳларни чақиришни ва бошқа ҳаракатлар содир этишни сўраши мумкин.

Судда айбланаётган шахснинг ҳимояга бўлган хукуқини таъминлашни Конституциянинг 116-моддаси ҳам кўзда тутган, унга асосан “Айбланувчи ҳимояланиш хукуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай боскичидан малакали юридик ёрдам олиш хукуқи кафолатланади”.

“Айбизлик презумпцияси” яна айбланаётган шахсга ўз айбизлигини исботлаш мажбуриятини юкламайди (бу тегишли органларнинг мажбурияти), шунингдек гумонлар исботланмаса, бунда гумонлар айбланувчи фойдасига ҳал этилишини кўзда тутади.

Амалга оширилаётган суд-хукуқ ислоҳотининг энг муҳим жиҳатларидан бири, адвокатлар ролини ошириш, уларнинг ҳолатини давлат айловчилари билан тенглаштиришга қаратилган бўлиб, бу шахс манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга туғридан-туғри таъсир қиласди.

Шахснинг айбини исботлаш учун уни қийнокка солиш, унга нисбатан зўравонлик қилиш, инсонни қадр-қимматини камайтирувчи ҳар қандай ҳаракат содир этиш, тазийқ ўтказиш катъиян тақиқланади. Ўзбекистон Жиноят Кодексини 206, 235-моддаларида шундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шундай ҳаракатлар содир этилгудек бўлса, айбор шахслар жазоланади. Шундай ҳаракатларни содир этмаслик жиноят қонунларимизнинг муҳим принципларидан қилиб белгиланган.


Ўзбекистон Халқаро хукуқнинг умумътироф этилган қоидаларига содиклигини намоён этиб, 1995 йил 31 августда “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”га қўшилган.

Жаҳон тажрибасида шахснинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказиш шахснинг қадр - қимматига қараталган қонунсиз ҳаракат деб эътироф этилган. Ўзбекистонда ҳам бундай тажрибалар тақиқланади. Шахснинг розилигисиз унда турли тажрибалар ўтказилиши натижасида инсонлар нақадар хўрланганлигини, ҳаётдан, соғлиқдан маҳрум бўлганлигини иккинчи жаҳон урушида Концлагерларда фашистлар қилган ишлардан биламиз. Шундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун бизнинг мамлакатимизда кучли хукуқий асослар мавжуд.

## 2.2. Инсон ҳуқуқлари турлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари уч гурухга бўлиб мустаҳкамланган. Булар: “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар”, “Сиёсий ҳуқуқлар”, “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар”.

Схема



Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий ривожланишини қуйидаги босичга ажратишиади.

Биринчи босқичда (XVIII аср охири- XIX аср охири) шахсий, сиёсий ҳуқуқлар - фикр, виждан ва дин эркинлиги, ҳар бир шахснинг давлат бошарувидаги иштироки, ҳамманинг қонун олдидаги тенглиги, яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик каби ҳуқуқларнинг эътироф этилиш даври ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар давлат зиммасига фуаронинг шахсий ҳаётига аралашмаслик ва сиёсий ҳаётда иштирок этиши учун фуқароларга шароит яратиб бериш мажбуриятини юклайди.

Иккинчи босқичда (XIX аср охири - XX аср бошлари) меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, дам олиш ҳуқуқи, жамият маданий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқи ва ҳоказолар илк маротаба давлатлар Конституцияларида мустаҳкамланди (асосан социалистик мамлакатларда). Бу ҳуқуқлар Инсон ҳуқуқлар Умумжаҳон декларациясида ва айниқса, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда ёрқин ифодалаб бўрилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари ривожланишининг учинчи босқичи XX асрнинг иккинчи ярмида дунёда глобал муаммоларнинг юзага келиши, улар сирасидан боғлган экологик муаммоларнинг кескинлашуви ва ахборот технологияларининг ривожланиб бориши билан ифодаланади. Шу каби омиллар соғлом атроф-

мухитга эга бўлиш, ахборот олиш ва тарқатиш каби ҳуқуқларнинг давлатлар конституцияларида эътироф этилишига олиб келди.

### **2.3. Шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳуқуқлар.**

Демократик мамлакатимизда ҳар бир киши ўзининг шаъни, кадр-қимматини, обрўсини бузилишига олиб келувчи хатти-ҳаракатлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Кишиларни шаъни, обрўсини ҳимоя қилувчи тегишли воситалар бўлиб, улар орасида суд алоҳида муҳим роль уйнайди. Ҳар бир киши ўзининг шаъни обрўсини ҳимоя қилишни сураб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

#### **Схема**



Инсоннинг шаъни, обрўси турмуш шароитида, хизмат вазифасини бажаришда зарар қўриши мумкин. Шундай ҳолларда улар судга мурожаат қилишлари мумкин. Суд ишни қўриб, инсон шаъни, обрўсини бузилиши ҳолларини аниқласа, тегишли чоралар кўради. Бундай чоралар натижасида айбдорларга турли жазолар берилиши, зарар маънавий ва моддий томондан қопланиши мумкин. Кўпинча инсон шаъни, обрўсига тухмат натижасида зарар келтирилади. Кўра олмаслиқ ҳасад кабилар ҳам инсон шаъни, обрўсига тажовузни туғдиради.

Кишиларни турар жойи даҳлсиздир. Бу дегани хеч кимнинг турар жойига унинг розилигисиз кириш, тинтуб ўтказиш, бирор нарсани олиб кетиш мумкин эмас. Қонун хавфсизликни таъминлаш, жиноятларни олдини олиш ёки унга қарши курашиш учун турар жойларга кириш,

тинтув ўтказишга рухсат беради ва қандай ҳолларда, кимнинг рухсати билан шундай ҳаракатларни содир этиш тартибини белгилаб қўяди.

Қонунга асосан, зарурат бўлганда, прокурорнинг санкцияси (розилиги) билангина, кишиларнинг турар жойига кириш, тинтув ўтказиш мумкин.

Худди шунингдек, ҳеч кимни ёзишмалари, телефонда сўзлашувлари ошкора қилинишига йул куйилмайди. Ҳеч ким ёзишма, телеграммаларни ўкишга, телефонда сўзлашувларни эшитишга хакли эмас. Чунки бу нарсалар ҳар бир алоҳида шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқлидир.

Айрим ҳолларда, яъни қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органларнинг розилиги билан ёзишмалар ўрганилиши, сўзлашувлар эшитилиши мумкин. Бу ҳам хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш мақсадида амалга оширилади.

Демократик мамлакатда шахснинг эркинлиги эълон қилиниб қолинмасдан, у турли воситалар орқали таъминланади. Ҳар бир кишига яаш жойини эркин танлаш хуқуқини берилиши ҳам бунинг исботидир. Конституциянинг 28-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика худудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш хуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир” деб мустаҳкамланган норма, эркин яаш хуқуқининг Конституциявий асосидир.

Ҳар ким яаш жойини ихтиёрий танлайди. Республиkaning хоҳлаган ерида яаш жойи танлаши мумкин. Бу хукуқ фуқароларга ўзи учун яаш шароити, меҳнат қилиш имконияти қулайроқ жойларда истиқомат қилиш учун имконият яратади. Яаш жойини танлашда кишиларнинг соғлигига мос табиий муҳит бўлиши ҳам таъсир қиласи. Айрим кишиларнинг соғлиги шаҳар шароитида яашага тўғри келмаслиги, айрим кишилар иссиқ жойларда, айрим кишилар намлик кўп жойларда яашши соғлигига тўғри келмаслиги мумкин. Шундай пайтларда яаш жойлари ўзгартирилади. Айрим кишиларнинг мутахассислиги, касби, ҳунари тегишли жойларда яаш жойини танлашга таъсир қилиши мумкин.

Чунки Конституциявий тузум халқ манфаатига мос келувчи тартибларни Конституция билан мустаҳкамлашиши натижасидир. Конституциявий тузумни бузилиши, оғир оқибатларга, қон тўкилишларига олиб келади. Шунинг учун ҳам фақат халқ манфаати, Конституциявий тузум манфаати, йулида баъзи чеклашлар, ман қилишлар ўрнатилади.

Яна хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб эркин фикр юритиш ва ифодалаш эркинлиги давлат ва бошқа сирларга тааллуқли бўлмаслиги белгиланган.

Фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигидаги баъзи чекловлар давлатлар тажрибасида учрайди. Чунки шундай бўлмаса, давлат кучсизланиб қолади, кучсиз давлат эса фуқароларнинг хукуқ. эркинликларини, манфаатини ҳимоя қила олмайди. Сирлари ошкор бўлиб заиф бўлган давлатларга бошқа давлатлар, қўшни давлатлар ҳар хил тазийклар ўтказишга, ўз шартларини қўйишга ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун Конституциядаги

эркинликларни айрим ҳолларда, қонун асосида чеклашларни асло ҳуқуқ ва эркинликларни чегаралаш эмас, аксинча ҳуқуқ ва эркинликларни кенг амал қилишига яратилган имконият деб қараш керак.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари, демократик жамиятни асосларидан эканлиги Президент Концепциясида алоҳида таъкидланди. “.....фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”<sup>9</sup>.

Фуқароларнинг виждан эркинлиги орқали динга муносабат аниқланади. Мамлакатимиздаги барча шахслар учун (миллати, иркидан қатъий назар) виждан эркинлиги кафолатланади. Бу Конституциянинг 31-моддасида куйидагича ифодаланган: “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки хеч кайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йул куйилмайди”.

Фуқаро ва шахсларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқ ва эркинликлар тизимида етакчи ўринда туради. Чунки бу ҳуқуқлар табиий ҳуқуқлар бўлиб, инсонни туғилиши билан вужудга келади. Давлат эса ана шу ҳуқуқларни таъминлашга мажбур. Шунинг учун бу вазифани бажариш мақсадида, Ўзбекистон давлати барча чораларни кўрган. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар Конституциямизда кенг ва мукаммал белгиланган ва уларни амалга ошишини таъминловчи кучли тизим барпо этилган. Ҳамда бу тизим мунтазам равища такомиллаштирилмоқда.

Сиёсий ҳуқуқлар фуқаролик билан боғлиқ бўлиб, у тегишли давлатнинг фуқароларига давлат ва жамият ишларини бошқариш имкониятини беради. Сиёсий ҳуқуқларга фақат мамлакат фуқароси эга бўлиши мумкин.

#### Сиёсий ҳуқуқлар (VIII боб)

**Жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуки (32-модда)**

**Жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий харакатларда иштирок этиш ҳуқуки (34-модда)**

**Митинглар, йигилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуки (33-модда)**

**Мурожаат қилиш ҳуқуки (35-модда)**

<sup>9</sup>И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” . -Т.; Ўзбекистон, 2010, 28-бет.

Сиёсий хуқуқлар орқали фуқаролар, тегишли давлат органларини тузиш, уларни ишида иштирок этиш, давлат органлари ва мансабдорлар фаолиятини назорат қилиш, қонунлар яратилишида иштирок этиш, сиёсат ва давлат фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлади.

Фуқаролар, нормал ҳаёт кечириши, табиий ва маънавий бойликлардан фойдаланиши, билим олиши, меҳнат қилиши, соғлигини сақлаш учун тегишли имкониятлар бўлиши шарт. Бу имкониятлар давлат томонидан яратилади ва улардан фойдаланиш учун қонун доирасида ҳуқуқлар ўрнатилади. Бундай ҳуқуқларнинг асосийлари Конституцияда белгиланади.

## Схема



Фуқароларнинг мулкка эгалик қилиш, меҳнат қилиш, дам олиш, нафақа олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ютуқлардан фойдаланиш кабиларга бўлган ҳуқуқлари “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” деб белгиланган. Бу ҳуқуқлар давлат томонидан ўрнатилиб, давлатнинг иқтисодий қудратини ошиб бориши, имкониятларини кенгайиши натижасида кенгайиб боради. Бу ҳуқуқдардан фойдаланиш орқали фуқаролар ўз яшаш шароитини ўзи таъминлайди. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боби “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” деб аталиб, унинг алоҳида моддаларида белгиланган қоидалар, фуқароларнинг турмуш тарзини нормал бўлишини кўзда тутади.

Ўзбекистон Конституциясида белгиланган иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар доираси, қўлланиш тарзи ҳеч қандай демократик давлатлардан кам эмас ва белгиланган қоидалар халқаро ҳужжат нормаларига ва уларда белгиланган талабларга мосдир.

Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган айрим иқтисодий ҳуқуқлар, Ўзбекистонни демократик йўлдан бораётганлиги, жаҳон тажрибасига таяниш, бозор муносабатларига асосланган жамият қуриш мақсадининг ҳақиқий исботини кўрсатади. Масалан, “Мулкдор бўлиш ҳуқуқи”. Айрим иқтисодий ҳуқуқлар эса юқоридаги ҳолатларга асосан янгича мазмунда, шароитга мос равишда талқин қилинди. Масалан, “Меҳнат қилиш ҳуқуқи” Собиқ тузум даврида ҳам “Меҳнат қилиш ҳуқуқи” бўлсада, албатта меҳнат қилишни бурч сифатида ҳам белгилаб қўйилган эди. Бу эркин меҳнат қилиш тамойилига зид эди.

## Схема

### Ўзбекистонда фуқаролик қўйидаги принципларга асосланади:

→ Ягона фуқаролик, яъни икки ва кўп фуқаролик тан олинмайди

→ фуқароликда тенглик принципи мавжуд

→ фуқароликка эга бўлиш, фуқароликдан чиқиши ихтиёрийликка асосланади

→ фуқароликдан мажбурий чиқаришга йўл қўйилмайди

→ Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаати мамлакат ташқарисида ҳам давлат томонидан ҳимоя қилинадилозим

## **2.4. Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари.**

Ҳуқуқ ва эркинликларни Конституцияда белгилаб қўйилишини узи билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Конституцияларда хоҳлаганча ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаб қўйиш мумкин ва бу жуда осон иш.

Ҳуқуқ ва эркинликлар масаласида энг муҳими, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш, яъни амалга ошишини таъминлашдир. Бунинг учун мукаммал тизим яратилиши керак. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни назарда тутувчи ҳуқуқ нормалари ва маҳсус механизмдан иборат бўлади. Ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлсада уларни амалга ошишини таъминловчи механизм бўлмаса, ҳуқуқ ва эркинликлар қоғозда қолиб кетаверади.

Ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш масаласи жамиятни ривожлантиришдаги устувор вазифа деб қаралиши ва инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзда ёки қоғозда эмас амалий ҳаётда жорий қилиш зарурлиги ҳақидаги Президент сўzlари ҳам<sup>101</sup>, ҳуқуқ ва эркинликларга таъминлаш муҳим масала эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Конституцияда инсон ҳуқуқларини халқаро нормаларга мос равишда белгилар экан, унинг кафолатлашга алоҳида эътибор берган ва уни доимо такомиллаштириб бормоқда.

Конституциянинг ўзида “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари” учун алоҳида (Х-боб) ажратилганлигини ўзи кафолатга эътиборни кучли эканлигини кўрсатади. Ҳамма мамлакатлар ҳам Конституцияда кафолатлар учун маҳсус боб ажратмаган. Конституциянинг кўплаб моддаларида ҳуқуқ ва эркинликлар шунчаки белгилаб қолинмасдан, улар кафолатланиши Конституция моддаларида алоҳида кўрсатилган. Масалан, Конституциянинг 42-моддаси. Унда қайд қилинишича давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қиласи. Айрим моддаларда тегишли ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланиши Конституция моддасининг ўзида кўрсатилган. Масалан, 35-модда. Унда аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгилнган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт, – деб белгиланган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари қуидагилардан иборат:

- Ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳуқуқий кафолати. Бу – ҳуқуқ ва эркинликларни Конституция ва қонунларда мустаҳкамланиши ҳамда уларни таъминлашга, амалга оширишга қаратилган бошқа ҳуқуқий хужжатларни мавжудлиги ҳисобланади;
- Ҳуқуқ ва эркинликларнинг сиёсий кафолати. Бу – ҳуқуқ ва эркинликларнинг давлат томонидан таъминланиши. Ҳуқуқ ва

<sup>101</sup> Каримов И.А. Узбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2002,19-бет.

эркинликларни таъминлашга қаратилган тегишли маҳсус ваколатли давлат тузилмаларини тузилиши ва фаолият кўрсатиши;

- Хуқуқ ва эркинликларнинг иқтисодий кафолати. Бу – ҳуқуқ ва эркинликларни иқтисодий томондан таъминлаш, уларни амалга ошиши учун зарур моддий-молиявий манбаларни вужудга келтириш.

Агар давлатда етарли иқтисодий, моддий, молиявий манбалар, имкониятлар бўлмаса, ҳуқуқларни амалга ошириш учун шароит бўлмайди. Давлат қанчалик иқтисодий томондан кучли бўлса ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш имконияти кучайиб боради.

Билим олиш, таъминот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайиши давлатнинг иқтисодига бевосита боғлиқdir.

Булардан ташқари ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланишида, жамоатчилик назорати ҳам алоҳида ўрин тутиб, бунда нодавлат ташкилотлари ҳам иштирок этади.

Демак ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари деганда, уларни таъминлаш, амалга ошиши учун етарли асослар ва зарур механизм мавжудлиги тушунилади.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари тизими ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий асослардан ва уларнинг амалга ошишини таъминлай оладиган механизмдан иборат бўлади.

Инсон ҳуқуқлари масаласи давлатнинг фақат ички масаласи бўлмасдан, халқаро аҳамиятга эга. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ташкилотлар, улар томонидан қабул қилинган хужжатлар алоҳида роль ўйнайди.

Буюк Британияда шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизими бир қанча ўзига хосликлар мавжуд.<sup>11</sup>

Маълумот учун

Буюк Британияда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш борасидаги қарашларнинг пойдеворини 1998 йилда қабул қилинган ҳимоя Актидаги маълумотлар ташкил этади. Мазкур актда “маълумот” тушунчасига компьютер орқали нашр этиладиган ёхуд аудио визуал тарздаги; компьютер файл тизимининг бир исмини ташкил этувчи аудиовизуал маълумот дея таърифберилган. Актда фақатгина соғлом руҳдаги аудио маълумотлар, таълимий аудиолар, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган аудиолар ва ҳокимияттомонидан ўрнатилган бошқа маълумотлар мужассамлашган.

Лекин ҳар бир шахс, инсон асосан бирор бир мамлакат ҳудудида яшайди ва кўпинча маълум мамлакатнинг фуқароси ҳисобланади.

<sup>11</sup>Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – Р. 502

Шунинг учун алоҳида шахслар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат марказий ўринда туради.

Давлат бунинг учун энг аввало инсонларнинг ҳуқиқини таъминловчи ҳуқуқ тизимини яратади. Яъни ички ҳуқуқларини таъминловчи ҳуқуқ тизими, миллий ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминловчи миллий ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон Конституцияси алоҳида ўрин тутади. Конституцияда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланади, уларни таъминлаш йўллари белгиланади. Конституция инсонларга тегишли барча ҳуқуқларни қайд қила олмайди, фақат инсон учун энг зарур ҳаётий ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаб қўяди. Конституциямиз ишлаб чиқилаётган вақтда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро аҳамиятга эга энг асосий ҳужжатлар: “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Битим”, “Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Битим ва унга илова қилинган факултатив баённома”ларининг қоидаларидан кенг фойдаланилди. Бундан ташқари инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро ҳужжатлар: “Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция”, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция” ва бошқа ҳужжатларга қўшилиш билан мамлакатимиз шу ҳужжатлар кўрсатмаларини бажариш ва ҳужжат қоидаларини миллий қонунчилигимизга сингдириш мажбуриятини олди.

Агар халқаро ҳужжатлардаги қоидалар мамлакатларни бажариш учун кўрсатма бўлса, ҳар бир мамлакат, жумладан Ўзбекистон миллий қонунчилигида ана шу кўрсатмаларни амалга ошириш чоралари ҳам белгиланади ва шу билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш реал воқейликка айланади.

Инсон ҳуқуқлари, уларнинг асосийлари Конституциямизда кўрсатилган бўлиб, уларни таъминлаш йўллари ҳақида конституцияда кўрсатмалар бўлса, шу ҳуқуқларни янада кенгроқ таъминлаш имконияти конституция асосида қабул қилинган бошқа қонунларда белгиланган.

Мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминловчи қонунлари қаторига “Фуқаролик тўғрисида”, “Сайлов тўғрисида”ги барча қонунлар, “Мехнат кодекси”, “Таълим тўғрисида”, “Ижтимоий таъминот тўғрисида” ва кўплаб бошқа қонунларни кўрсатиш мумкин.

Улар Конституцияда қайд қилинган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш механизmlарини ҳам яратган.

Булардан ташқари кўплаб норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, идоравий ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва миллий ҳуқуқ тизимини бойитади.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари, манфаатлари устуворлиги принципини таъминлашни назарда тутади.

Давлатнинг асосий вазифаси ҳуқуқ ва эркинликларни белгилаб қўйиш билан чекланмайди. Бу масалада муҳими ҳуқуқ ва эркинликларни давлат томонидан таъминлашдир. Бу борада давлат ўз зиммасига катта масъулият олади.

Давлатга баҳо беришда, мамлакат қонунларида ҳуқуқ ва эркинликларни белгилаб қўйилиши ҳолатидан ташқари, уларни амалга ошиши учун қандай имкониятлар яратиб берганлиги эътиборга олинади.

Айрим ҳуқуқ ва эркинларни белгилаш давлатнинг ихтиёри бўлса, айрим ҳуқуқларни таъминлаш унинг тўғридан-тўғри мажбурияти ҳисобланади. Масалан яшаш ҳуқуқини, дахлсизлик эркинлигини ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Давлатнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш вазифаси (мажбурияти) Конституцияда белгиланган бўлиб, 43-моддада “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинларини таъминлайди” деб қайд қилинган. Бу борада давлат тегишли ва етарли ваколатларга эга.

Давлат томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни таъминловчи қонунчилликни яратилиши; ҳуқуқ ва эркинликларни таъминловчи органлар тизимини ўрнатилиши ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга қаратилган фаолиятдир. Барча ҳокимият тармоқларидағи давлат органларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш вазифаси ва ваколати мавжуд.

Судга шикоят қилиши ҳуқуки кафолатланади. Кафолатлар “Судлар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунлар билан кўзда тутилган.

Суд ҳокимияти органларининг асосий вазифаси собиқ тузумдаги сингари жазолаш бўлмасдан, қонунларга асосан, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Кўпчилик давлатларда рухсатнома беришнинг судга топширилганлиги полиция томонидан рухсат беришдан кўра самаралироқ амалиётдир.<sup>12</sup>

Судларга шикоят қилиш тартибини белгиловчи қонун эса, ҳар қандай ҳолларда судга бузилган ҳуқуқларини тиклашни, тегишли орган, мансабдор шахс, жамоат бирлашмаларини ноқонуний ҳужжатларини бекор қилишни сўраб мурожаат қилиш мумкинлигини белгилаган.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ошкора бузилганда (агар фуқаро шундай хулосага келган тақдирда), ҳуқуқ ва эркинларини амалга ошишига тўскинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, фуқаролар зиммасига қонунларда кўзда тутилмаган вазифалар юкланса судга мурожаат этишга ҳақлидир.

<sup>12</sup>Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – Р. 505

Аёлларга билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ҳаётда иштирок этиш хукуқи, имконияти берилиб, бу хукуқларни амалга ошиши учун қўшимча имтиёзлар берилмаса бундай тенг хукуқлилик аёлларга фойда келтиришдан кўра, уларни қийнаб қўяди. Сабаби аёлларнинг оиласидаги вазифаси жуда катта ва жисмоний қобилияти ҳам эркаклар сингари эмас. Агар аёллар оила ишларига етарлича вақт ажратса олмаса, уларнинг энг муҳим вазифаси - бола тарбияси зарар кўради. Бу жамият учун ҳам зарардир. Шунинг учун имтиёзлар аёлларни оиласидаги ўрнига ҳар томонлама қулайлик яратишни кўзлади.

Аёлларни оиласидаги юмушларини енгиллаштиришга қаратилган тадбирлар натижасида халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилувчи аёллар салмоғи ортиб бормоқда. Айниқса ижтимоий соҳада, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларда улар етакчи ҳисобланади.

Давлатимиз аёлларни давлатни бошқариш ишларидаги кўпроқ иштирокини таъминлаш, раҳбар лавозимларига жалб қилиш учун ҳам тегишли имтиёзлар яратмоқда. Сайлов қонунчилигига ўзгартириш киритилиб, сиёсий партиялардан кўрсатилаётган номзодларни камидаги 30% фоизи аёллардан бўлишини белгиланиши муносабати билан вакиллик органлари таркибини маълум қисмини аёл депутатлар ташкил этди. Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат раиси ўринбосари аёл эканлиги, қўмиталарнинг раислари орасида, хукумат таркибида аёллар мавжудлиги аёллар билан эркаклар тенг хукуқлигини кафолати натижасидир.

Хукуқ ва эркинликларни қонунларда мустаҳкамлаб қўйилиб, уларни амалга ошиши, таъминланиши учун қўшимча чора кўрилмаса, кафолатлар тизими бўлмаса, унда хукуқ ва эркинликлар қофозда қолиб кетаверади. Давлатимиз фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларни Конституция ва қонунларда белгилаш билан уларнинг амалга ошишини таъминловчи кучли кафолатлар тизимини ҳам яратган ва уни такомиллаштириш бўйича мунтазам иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг VII бобини “Фуқароларнинг Конституциявий хукуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар” деб номланиши ва кўплаб ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгиланиши ҳам хукуқ ва эркинликлар давлатнинг алоҳида эътиборида эканлигини кўрсатади ва кафолатларни кучайтиради.

Давлатда фуқароларнинг хукуқий ҳолати фақат уларнинг хукуқлари мавжудлиги билан аниқланмасдан, уларнинг аниқ белгиланган бурчлари мавжудлиги билан ҳам белгиланади.

Бурч ижтимоий ҳаётда зарур категориядир. Айниқса фуқаро ва давлат муносабатларини туғри ташкил этишда, манфаатлар муштараклигини таъминлашда бурч зарур бўлиб, у давлатда ҳам фуқароларда ҳам бўлади. Мамлакатда жамият, фуқаролар, давлат манфаатидан келиб чиқиб бурчлар ўрнатилади. Бу ерда фуқароларнинг бурчи аниқроғи асосий бурчи тўғрисида фикр юритамиз.

Мамлакат қонунларида фуқароларнинг бурчлари ўрнатилиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқларини бузилмаслиги, давлат манфаатларига зиён етмаслиги нуқтаи назаридан белгиланади.

Бурч асосан қоидалардан келиб чиқади; у доимий ёки муддатли бўлади; давлат томонидан белгиланади ва бажарилиши талаб этилади. Бурч ихтиёрий бажаришга хавола қилинади, ихтиёрий бажарилмагандагина иштасида оғизни ташланади.

Бурчни бажариш барча учун мажбурий, айрим бурчлар эса алоҳида фуқароларга тааллуқлидир. Масалан, ҳарбий хизматни - ўташ бурчи ҳаммага ҳам тааллуқли эмас. Худди шунингдек қонунда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йифимларни хеч қандай даромадга эга бўлмаганлар тўламайди.

Фуқароларга яшаш, меҳнат қилиш, билим олиш ва бошқа фаолиятлари буйича кўплаб бурчлар белгиланган.

Конституцияда эса жамият ва давлат ҳаёти учун умумий ва энг зарур, қилиниши мажбурий ёки қилиш мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатлар бурч сифатида белгиланган. Шунинг учун улар мазмуни, амал қилиш доираси, аҳамияти нуқтаи назаридан асосий бурчлар деб аталади. Фуқароларнинг “Конституциявий бурчи” ёки “асосий бурчи” бир маънода ишлатилади ва тушунилади. Асосий бурчларни бажарилишидан жамият аъзолари, давлат бирдек манфаатдордир. Яна бурчлар ихтиёрий ва тўла бажарилиши жамият ривожланишига ижобий таъсир қиласади.

Ўзбекистан Конституциясининг XI-боби “Фуқароларнинг бурчлари” деб номланган ва олти моддани ўз ичига олади. Бу бурчлар сиёсий, иқтисодий, шахсий масалаларга тааллуқли, бажарилиши мажбурий хатти-ҳаракатлардир.

Конституцияда фақат нималар бурч эканлиги кўрсатилиб, уларни бажармаслик учун жазолар кўрсатилмаган. Белгиланган бурчларни бажармаганлик учун жиноят ва маъмурий қонунчиликда жазолар белгиланган. Бурчларни бажармаганлик учун жазо турлари ва микдори қонунларда белгиланган доирада суд томонидан белгиланади.

## **2.5. Фуқароларнинг асосий бурчлари.**

Конституцияда белгилаб қуйилган ҳар қандай бурч фуқаролар учун бажарилиши шарт бўлган мажбуриятдир. 47-моддада “Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қуйилган бурчларни бажарадилар” - деб белгиланган қоида Конституциявий бурчларнинг бажарилиши шарт эканлигини кўрсатиб, барча Конституциявий бурчларнинг бажарилишини таъминлашга каратилган умумий ва раҳбарий қоида ҳисобланади. 48-моддада эса бу бурч янада аниқлаштирилган ва доираси кенгайтирилган. Унга асосан “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.”

Демак бу биринчидан, ҳар бир фуқаро нафақат Конституцияга балки барча қонунларга риоя этишга мажбур. Бу қонунийлик принципини

мазмун ва моҳиятига мос келиб, ана шу принципни амалга ошишини таъминлашни назарда тутади. Иккинчидан, ҳар бир киши-фуқаро бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдир. Шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатига тааллуқли Конституция нормаларида ҳам, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт дейилган қоида мавжуд (Конституциянинг 20-моддаси). Ана шу нарса Конституциянинг асосий бурч тўғрисидаги нормаларида ҳам белгиланиб, унинг мажбурийлигига алоҳида Конституциявий мақом берилган.

Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини белгиловчи Конституция нормаларида, ҳар кимга ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашибдан ҳимояланиш ҳуқуқи берилган бўлса (Конституциянинг 27-модда), Конституциянинг 48-моддасига асосан бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр қимматини хурмат қилишга фақат давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларигина мажбур бўлмасдан, ҳар бир фуқаро ҳам мажбур эканлиги кўрсатилди.

Конституциянинг бу моддаларидаги бурчлар, жамият ва давлатнинг ривожланиши асосларидан ҳисобланувчи Конституция ва қонунларга тўла ва оғишмай амал қилиш зарурлигини, шу асосда ижтимоий ҳаётни ривожлантиришни таъминлашни назарда тутади.

Конституция ва қонунларга риоя қилмаслик хавфсизликка, фуқаролар манфаатига, давлат бошқарувига умуман Конституциявий тузумга катта ва жиддий зарап етказади.

Ўзбекистон Республикасида солиқарни тўлаш – фуқароларнинг бурчи (мажбурияти) ҳисобланади.

Буюк Британияда солиқларни жорий этиш ва жамоат даромадларини назорат қилиш давлат томоидан иқтисодиётни назоратни қилишнинг юнг муҳим элеметларидир.<sup>13</sup>

Шунинг учун Конституцияга ва қонунларга амал қилмаслик уларни ҳар қандай йўллар билан бузиш ҳолатларига турли жиноий ва маъмурий жазолар белгиланади. Қонунларда Конституция ва қонунлардаги бурчларни бажармаганлик учун жазо чораларини белгиланиши Конституциявий бурчларнинг таъминланишини кафолати ҳисобланади.

### **Назорат саволлари**

1. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари деганда нимани тушунасиз? Инсон ҳуқуқлари ҳақида халқаро хужжатларни кўрсатинг?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши масалаларини атрофлича таҳлил қилинг?

---

<sup>13</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 360

**3.** Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари хусусида муроҳаза қилинг? Давлатнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоячиси сифатидаги ўрнига батафсил тўхталинг?

**4.** Суд орқали ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш деганда нимани тушунасиз? Ҳуқуқ ва эркинликларни яна қандай йўллар билан ҳимоя қилиш мумкин?

**5.** Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчасига атрофлича тўхталинг? Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қандай кўринишлари мавжуд?

**6.** Сиёсий институтлар деганда нимани тушунасиз? Сиёсий институтларнинг қандай шакллари мавжуд?

**7.** Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ва оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқини мазмун ва моҳиятини батафсил ёритиб беринг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

**1.** Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияйий ҳуқуқи // Дарслик – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2012. – 564 б.

**2.** Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право России: Учебник. М., - 2005.-213 с.

**3.** Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. 2003.

**4.** Harlow, England; New York: Longman, c20Erwin Chemerinsky. Constitutional Law: Principles and Policies. 4th Edition, May 25, 2011.

**5.** Christopher N. May, Allan Ides. Constitutional Law: National Power & Federalism. 5th Edition, 2012.

**6.** Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012.

### **З-мавзу. Фуқаролик жамияти ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий асоси.**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки.
- 3.2. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва уюшмалар. Тақиқлаш учун асослар.
- 3.3. Жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.
- 3.4. Касаба уюшмаларининг вазифаси
- 3.5. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
- 3.6. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар.
- 3.7. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, тақиқлаш ва фаолиятини чеклаш асослари.

**Таянч иборалар:** *фуқаролик жамияти, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партия, диний ташкилотлар*

---

#### **3.1. Жамоат бирлашмалари тизими, турлари, вазифаси. Сиёсий партияларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки.**

Ўзбекистон Конституцияси 56-моддасидан ташқари яна бир неча моддаларда жамоат бирлашмаларини хилма-хиллиги, кўп партиявийлик тизимини мавжудлиги жамоат тараққиётида муҳим шартлигини белгиловчи қоидалар, бу эса фуқаролар фаоллигини гарови эканлиги белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 34-моддасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, шу модданинг иккинчи бандида, жамоат бирлашмаларида ҳам озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслигини белгиланиши эса, фикрлар ва ғоялар хилма-хиллигини муҳим гарови ҳамда Конституциявий тузумнинг демократик хусусиятидир.

*Бундай сиёсий ҳуқуқлар хорижий мамлакатлар қонун хужжатларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган<sup>14</sup>.*

Жумладан, Буюк Британияда ҳар бир шахс ўзи эркин тарзда, ҳеч қандай чекловсиз жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадир. Бундай уюшиш сиёсий партиялар, иқтисодий бирлашмалар ва компания қўмиталарига аъзолик тартибида амалга оширилади<sup>1</sup>.

---

<sup>14</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 551

Жамоат бирлашмалари, туридан қатый назар, халқнинг эркин фаолияти ва ижтимоий ҳаётда иштирокини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Бу ташкилотларнинг самарали фаолиятидан фуқаролар ҳам, давлат ҳам манфаатдор. Фуқаролар уларнинг фаолияти орқали жамият ишларида, давлатни бошқаришда иштирок этса, ўз қарашларини баён этиб, манфаатларни тўла ҳимоя қилса, давлат ўзининг айrim функцияларини уларга ўтказиб, муҳим масалаларни ҳал қилишга жалб этади. Яъни жамиятни бошқаришда жамоат бирлашмаларига таянади. Давлат жамоат бирлашмаларини фаолиятига ёрдам бериб, улар билан тўғри ва самарали муносабат ўrnата олса, тараққиёт тезлашади, фаровон турмуш яратилади. Шу билан бирга давлатнинг назорати жамоат бирлашмалари фаолиятига уларнинг ишига бевосита аралашмаган ҳолда ўрнатилади (Конституциянинг 58-моддаси).

*Маълумот учун<sup>15</sup>:*

Жумладан, Буюк Британияда жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи инглиз ҳуқуқида мавжуд бўлган бошқа ҳуқуқлар сингари қафолатланади<sup>1</sup>.

Жамоат бирлашмалари кишиларни сиёсий қарашлари (сиёсий партиялар), фаолияти йўналишига (касаба уюшмалари), жинсига (хотин-қизлар қўмиталари), ёшига (Камолот), қобилияти, касбига (ёзувчилар, архитекторлар иттифоқлари) қараб бирлаштиради.

Бу Конституциянинг 56-моддасида қўйидагича мустаҳкамлаб қўйилган: “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Демак, жамоат бирлашмаларининг фаолият кўrsatiшининг асосий шарти уларни қонунда белгиланган тартиб рўйхатдан ўтказишdir, бу уларнинг Устав (низомларини) рўйхатга олиш билан амалга оширилади.

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунга асосан Республикада амал қилувчи жамоат бирлашмалари Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Бирлашма тузиш, рўйхатдан ўтказиш учун Адлия вазирлигига мурожаат қилиш, тақдим қилинадиган зарур ҳужжатлар қонунда белгиланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия ва кўплаб бошқа жамоат бирлашмалари мавжуд ва улар қонуний равишда жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилган.

<sup>15</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 550

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти турли қонунлар, жумладан, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, қонунлар билан тартибга солинади.

Барча жамоат ташкилотларига хос хусусият – бу уларга аъзоликни ихтиёрийлигидир. Энг йирик жамоат бирлашмалари – Касаба уюшмалари ва Сиёсий партиялар қандай манфаатни кўзлаб тузилиши, вазифаси, сиёсий ҳаётда қандай иштирок этиши Конституцияни ўзида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган (Конституциянинг 59, 60-моддалари).

Жамоат бирлашмалари тизимида ёшлар ташкилоти бўлишилиги белгиланганлиги мамлакатимизда ёшларга алоҳида умид билан қараш натижасидир.

Ўзбекистон ёшлари ўз ижтимоий фаоллигини “Камолот” ижтимоий ҳаракати орқали амалга оширадилар. Унинг Низоми 2001 йил 25 апрелда Ўзбекистон ёшлари ижтимоий ҳаракати “Камолот”нинг таъсис Қурултойида қабул қилинган.

“Камолот” ижтимоий ҳаракати ёшларнинг нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, ихтиёрийлик асосида ўзини ўзи бошқариш принципида ташкил этилган.

Ёшлар бирлашмасининг асосий мақсади – ёшларни соғлом турмуш тарзи талабларида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрнини эгаллаш учун қўллаб-қувватлаш, ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя килиш, интеллектуал салоҳиятларини тўла намоён қилиш учун шароитлар яратиш ва ўсиб келаётган авлодга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳисобланади.

Ҳаракат ўз фаолиятини Конституция ҳамда қонунлар ва Низоми асосида олиб боради. Ўз мақсадига эришиш, олдига қўйган вазифаларни бажариш мақсадида дастурига эга.

Ҳаракат ва унинг жойлардаги бўлимлари юридик шахс мақомига эга бўлиб, ўзларини номи ва ташкилот рамзи туширилган мухрига эга. Яъни тўлақонли ташкилот сифатида фаолият юритади.

Демак ташкилотнинг тузулмаси, Республика, вилоятлар (Тошкент шаҳри), туманлар ва шаҳардаги тузилмалардан иборат.

Ҳаракатнинг олий органи – Қурултой ҳисобланади. У беш йилда камида бир марта чақирилади. “Камолот”нинг жойлардаги барча ташкилотларини фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш учун қурултой Марказий Кенгашни тузади. Марказий Кенгаш ишига раис раҳбарлик қиласи.

Марказий Кенгаш ўз ишчи органи – Ижро қўмитасини сайлайди. Ижроия қўмита фаолиятига Марказий Кенгаш раиси раҳбарлик қиласи.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги ҳаракат бўлимлари, ҳаракатнинг жойлардаги тузилмаси ҳисобланади. Улар юридик шахс ҳуқуқига эга.

“Камолот” ижтимоий ҳаракатнинг асоси бўлиб, унинг бошланғич ташкилотлари ҳисобланади. У мактаб, лицей колледжларда, олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ташкил қилинади. Бошланғич


ташкилотлар таъсис мажлисида ташкил қилинади. Ҳар бир бошланғич ташкилот ўз етакчисига эга ва улар ёшларни тегишли ташкилот муассаса фаолиятида иштирокини таъминлайди. Ташкилот, муассаса ҳаётида ёшлар “Камолот” орқали фаол иштирок этади.

Жамоат бирлашмалари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида ўринга эга. Улар ҳозирги фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида катта таянч сифатида қаралмоқда.

“Бугунги кунда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда кўпdir”<sup>16</sup>.

Президент томонидан илгари сурилган концепцияда, фуқаролик институтлари тизимида нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш уларнинг мустақил иш юритишини ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-хуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади, деб кўрсатилди.

### Схема



### 3.2. Тузиш таъқиқланадиган бирлашмалар, жамиятлар ва юшмалар. Тақиқлаш учун асослар.

Конституция фақат ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаб қолмасдан унда, тақиқлар, чеклашлар ҳам назарда тутилади. Ўзбекистон Конституцияси ҳам шундай хусусиятларга эга.

Конституцияда кўзда тутилган тақиқланишлар жамият, фуқаролар, давлат манфаатидан, уларни турли тазииклардан ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан келиб чиқади.

<sup>16</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 42-бет.

Жамият, фуқаро, давлат манфаатини ҳимоя қилиш, энг аввало Конституциявий тузумни ҳимоя қилиш орқали амалга оширилади. Конституциявий тузумни барқарорлиги, кўп жиҳатдан жамоат бирлашмаларининг фаолиятига боғлиқ.

Шунинг учун Конституциявий тузумга, давлатга, жамиятга, фуқаролар манфаатига қарши фаолият юритувчи жамоат бирлашмалари тузишга йўл қўйилмайди, мавжудлари шундай фаолият билан шуғулланса уларнинг фаолияти тўхтатилади, тугатилади. Бу масала Ўзбекистон Конституциясида ҳал қилинган бўлиб, унинг 57-моддасида, “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

“Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади” – деб белгиланган.

Конституция конституциявий тузумни ўрнатиш билан, шу қонуний тузумни ҳимоя қилиш чораларини ҳам кўради. Шу мақсадда конституциявий тузумнинг асосларига зарар етказиш учун қилинган ҳар қандай ҳаракат тақиқланади.

Конституциявий тузумнинг асосларидан бўлган:

- давлат суверентит конституция билан ўрнатилган давлат бошқаруви шаклига;
- инсон унинг қадр-қиммати, шаъни ва бошқа ҳуқуқларининг олий қадрият эканлигига;
- миллатларнинг тенглиги, ҳалқ ҳокимиятининг турли шаклларига;
- мамлакатни иқтисодий негизига;
- конституция ва қонунларнинг устунлигига қарши, уларга хавф туғдирадиган ҳар қандай уюшма, жамиятларни тузишни тақиқлади.

Шунингдек урушни, ижтимоий, миллий, ирқий, диний, адovat тарғиб қилувчи, фуқароларнинг соғлигига ва маданиятига зарар етказувчи, тажовуз қилувчи ташкилот ва бирлашмаларни тузиш қатъиян тақиқланади.

Конституциянинг тегишли моддаси ҳарбийлаштирилган (жангари) бирлашмаларни, миллий (миллатчи) ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларини тузишишини тақиқлади. Чунки бундай ташкилотларни тузилиши фақат шу мамлакат конституциявий тузумига эмас, умуман барча ҳалқлар тақдирига жуда катта талофат етказган. Масалан, Германияда тузилган “Миллий социалистлар” (фашистлар) партияси.

Конституция ҳар қандай махфий жамиятлар ва уюшмалар тузишни тақиқлади. Чунки жаҳон тажрибасида яширин ва махфий

ташкилотлар тузиб, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга урунишлар қўп бўлган.

Тегишли тартибда рўйхатдан ўтмаган ёки рўйхатдан ўтишга уринмаган, бу ишдан бош тортган ташкилотларни, махфий ташкилотларни, қонунсиз ташкилот деб ҳисоблаш мумкин.

Конституциявий тузум тартиби энг аввало фуқаролар манфаатини, ўзини (Конституциявий тузумни), мамлакат хавфсизлигини таъминлашни назарда тутади. Ҳар қандай эркинлик билан Конституциявий тузумни таъминлаш мумкин эмас, факат қонунга асосланган эркинлик эътироф этилади.

Шунинг учун Конституциявий тузум кенг эркинлик ва демократияга шароит яратар экан албатта ўзини ҳимоялашни ҳам эсдан чиқармаслиги зарур. Акс ҳолда унга қарши ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Кейинги пайтларда турли ниқоблар остида ғаразли ниятлар билан ташкилотлар тузишга ҳаракат қилиш, ўзларини ташкилот деб эълон қилиш ҳоллари учраб туради. Уларнинг асл мақсади қонуний ҳокимиятга қарши курашиш, Конституциявий тузумга зарар этказиш бўлгани учун тузишга рухсат берилмайди, яъни рўйхатга олинмайди.

Ўзбекистоннинг амалдаги Жиноят кодекси 244<sup>2</sup>-моддасида, Конституция ва “Жамоат бирлашмалари тўғрисида” қонун талабларига зид тузилган жамоат бирлашмалари, қуролли тузулмалар, сиёсийлаштирилган диний экстремистик ташкилотлар тузиш, уларнинг ишида иштирок этиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Конституциявий тузумнинг барқарорлиги жамият тараққиёти фуқаролар фаровон турмуши гаровидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси биринчи бўлимида Республиканинг конституциявий тузуми асослари ҳамда принциплари белгиланган. Уларга ҳар қандай тажавуз қонун йўли билан олди олинади ёки тегишли чоралар кўрилади.

“Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси”нинг 159-моддасида “Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажавуз қилиш” учун, 216-моддасида “Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларини қонунга хилоф равишда тузиш” учун жиноий жазолар белгиланган.

### **3.3. Жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш.**

Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-куватлаш Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги қонунига асосан амалаг оширилади. Бундай қўллаб-куватлашлар давлат грантлари, давлат субсидиялари ва давлат ижтимоий буюртмаси шаклларида амалга оширилади.

Давлат ҳам, жамоат бирлашмалари ҳам жамиятнинг тузулмаларидир. Уларнинг алоҳида-алоҳида вазифалари билан бирга умумий вазифалари ҳам мавжуд. Давлат ва унинг ташкилотлари билан

жамият бирлашмалари ўртасида тўғри муносабат ўрнатилсагина ижобий натижа бериши мумкин. Ана шу муносабатнинг ҳуқуқий асоси Конституцияда мустаҳкамланган.

## Схема



Конституциянинг 58-моддасида, “Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишининг таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди” – деб белгиланган.

Давлат билан жамоат бирлашмалари муносабатида давлат томонидан жамоат бирлашмаларини рўйхатга олиш тартибини ўрнатилиши ҳамда барча жамоат бирлашмаларининг фаолиятини ташкил қилиш, вазифаси, ваколатини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатларни (қонун, фармон, қарорлар) давлат томонидан қабул қилиниши муҳим рол ўйнайди.

Давлат ўзининг қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари орқали жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди. Қонунларда жамоат бирлашмаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишлари учун тенг ҳуқуқий имкониятлар белгиланади.

Масалан, Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонунларида, барча рўйхатга олинган сиёсий партияларга тенг имконият яратилган ва бир ҳил ҳуқуқ берилган. Қонунга асосан сиёсий партиялар депутатликка ва Президентликка номзод кўрсатишида, номзодларни ташвиқот-тарғибот қилишда тенг ҳуқуқларга эга.

Жамоат бирлашмалари ўз фаолиятини мустакил, четдан аралашувларсиз олиб борса, уларнинг фаолияти ижобий бўлиши мумкин. Шунинг учун Конституцияда белгиланган қоидага асосан, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари

фаолиятига аралашуви, таъсир қилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, жамоат бирлашмалари ҳам давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашиши мумкин эмас.

Давлат жамоат бирлашмаларини моддий томондан ҳам қўллаб-куватлаш сиёсатини олиб боради. 2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” қонун қабул қилиниб, барча сиёсий партияларга тенг имконият яратиш, фаолиятини ошириш, ўз фаолиятини ташкил этишда молиявий қийинчиликларга учрамаслик учун, партияларни давлат томонидан молиявий таъминлаш тартиби жорий қилинди.

Давлат жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашмаган ҳолда, улар фаолиятини қонунга мос бўлишини назорат қилади. Сиёсий партиялар ўз молиявий фаолияти, давлат томонидан ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланиш ҳақида давлатга (Олий Мажлисга) ҳисобот тақдим қилади. Умуман ҳар қандай жамоат бирлашмаларининг маблағлари, уларнинг сарфланиши, солиқ тўлашлари ҳам давлат органлари томонидан назорат қилинади.

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти қонун ва ўз низомларига мувофиқ олиб борилиши устидан назоратни олиб бориш борасида Адлия вазирлигига алоҳида ваколатлар юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги нутқида, мамлакат Президенти фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида давлат ва жамоат бирлашмалари муносабатларига тўхталиб, бундай ташкилотларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ортиб бораётганлигини кўрсатиб ўтди<sup>17</sup>. Ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-хуқуқий механизmlарини такомиллаштирувчи “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш зарурлигини ўқтиргди.

Булардан кўриниб турибдики фақат давлат ва унинг органлари жамоат бирлашмалари фаолиятини назорат қилишда иштирок этиш билан чекланмай, давла органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг муҳим кўринишларидан бири жамоат бирлашмаларининг назорати ҳисобланади.

Яъни давлат ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатда назорат, уларнинг муносабатларини кўрсатувчи шартларидан бўлиб, у икки томонлама характерга эга, биринчиси давлат органларининг жамоат бирлашмалари устидан давлат назорати, иккинчиси давлат органлари устидан жамоат бирлашмаларининг назорати бу жамоатчилик назоратидир.

<sup>17</sup> Каранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010, 42-бет.

Ҳар икки назоратда ҳам давлат органлар, жамоат бирлашмалари бири-бирини ишига аралашмайди, бири иккинчисини ўрнини эгаллашига, вазифасини бажаришга ҳаракат қилмайди.

“Ўзбекистон ресуббликаси Жиноят кодекси”нинг 216<sup>2</sup>-моддасида “Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузганлик” учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

### **3.4. Касаба уюшмаларининг вазифаси.**

Конституцияда касаба уюшмалари жамоат бирлашмалари тизимида қайд қилиниш билан бирга (56-модда), уларнинг асосий вазифаси Конституциянинг алоҳида моддасида кўрсатиб қўйилган. Конституциянинг 59-моддасида “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиласидар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир” – деб мустахкамланган.

Шуни ўзи яъни касаба уюшмаларининг вазифасини Конституцияда белгиланиши, уни жамоат ташкилотлари тизимида, жамиятда муҳим роль ўйнашини кўрсатади.

Касаба уюшмаларини тузиш, унга аъзо бўлиш, мажбуриятлари ва бошқа ҳолатларни 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Касаба уюшмаларининг ҳуқуқларининг ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Қонунга асосан касаба уюшмалари кўнгилли жамият яъни, уни тузиш, унга аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Бу ташкилот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган (ўқув муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқалар) ҳар қандай ташкилот, муассасаларда тузилиши мумкин.

Улар қаерда тузилишидан қатий назар, ўз аъзоларининг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини, ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

Мамлакатимизнинг барча фуқаролари, ишчилар, хизматчилар, қишлоқ хўжалик ходимлари, давлат хизматчилари, талабалар ўз йўналишлари бўйича, ўз ихтиёри билан касаба уюшмалари тузиш, унинг устави талабларига риоя этиш шарти билан касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Нафақаҳўрларнинг уюшмага аъзо бўлиши, ундан чиқиши ҳақидаги тартиб-қоидалар уставларда белгиланган.

Касаба уюшмаларининг уставларини рўйхатга олиш тартиби “Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмаалри тўғрисида”ги қонунда белгиланган.

- Касаба уюшмалари қаерда тузилишидан қатъий назар, давлат органларидан мустақил, улар билан шерикчилик, ҳамкорлик асосида иш олиб боради;

- ташкилот, муассаса маъмурияти томонидан назорат қилинмайди, уларга ҳисоб берилмайди;

- уларни фаолиятига қонунда кўзда тутилмаган ҳолларда аралашув мумкин эмас ва бундай аралашув қонунсиз ҳисобланади.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини белгиловчи ҳужжат Уставни мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Уюшмани таркибий тузилишини белгилайди, раҳбар органларини тузади (сайлайди), ёрдамчи органларни ташкил қиласди.

Касаба уюшмалари ўз вазифасини коллегиал, ошкоралик асосида амалга оширади. Масалаларни ҳал қилиш учун йиғилишлар (конференция, пленум, қурултой) ўтказади.

Касаба уюшмалари бутун дунёда меҳнаткашларнинг, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасига эга. Ана шу вазифани муваффақиятлиги, самарали бажариш учун улар дунё миқёсида ҳамкорлик қилишлари мумкин. Бунинг учун касаба уюшмалари бошқа малакатлардаги касаба уюшмалари билан ҳамкорлик ўрнатиши, тажриба алмаштириши мумкин.

Улар касаба уюшмаларининг ҳалқаро ташкилотларига аъзо бўлиши мумкин.

Касаба уюшмаларини меҳнаткашларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий яъни конституциявий вазифа бўлса, уларга қонунларда шу вазифани бажариш юзасидан тегишли ваколатлар юкланган.

Улар қонунга асосан қуидаги ҳуқуқларга эга:

- ўзбекистон касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқишида иштирок этади;
- жамоат шартномалари, битимлар тузади;
- меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилинишини назорат қиласди;
- меҳнат низоларини кўриб чиқишида иштирок этади;
- меҳнат ва ижтимоий- иқтисодий ривожланишга доир маълумотлар билан танишади;
- маъмурият томонидан жамоа шартномасини бажарилишини назорат қиласди;
- маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасидаги низоларни ҳал қилишида иштирок этади;
- давлатлараро битимлар тузишида иштирок этади.

Касаба уюшмаларининг энг муҳим фаолияти, ваколатларидан бири, маъмурият қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари ходимни касаба уюшмасини розилигисиз ишдан бўшата олмайди.

Касаба уюшмаси тузилган ва фаолият юритаётган идора, ташкилот, муассаса маъмурияти, мансабдор шахслар касаба уюшмаларини фаолиятига ёрдам бериш, кўмаклашиш мажбуриятига эга.

Касаба уюшмаларини фаолиятига тўсқинлик қилиш, аралашганлик учун қонунларда жавобгарлик белгиланган.

Касаба уюшмалари ходимларни ижтимоий-иқтисодий

хуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни моддий қўллаб-қувватлашда иштирок этади. Ходимларнинг ахлоқий-маънавий тарбиясида, хуқуқий онгини устиришда қатнашади.

### **3.5. Сиёсий партиялар фаолиятининг хуқуқий асослари.**

Сиёсий партиялар конституциянинг 56-моддасига биноан жамоат бирлашмалари тизимида кирувчи жамоат бирлашмалардан биридир.

Конституциянинг 60-моддасида сиёсий партияларнинг мақоми конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан: “Сиёсий партиялар турли табақа ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар берib турадилар”. Бу модданинг мазмунидан келиб чиқсан, сиёсий партиялар:

- мамлакатдаги турли табақа ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайди (демак бу сиёсий ташкилот);
- демократик сайловларда иштирок этади;
- демократик сайлов нтижасида турли органларга (Олий мажлиснинг Қонунчилик палатаси, махаллий кенгашлари) сайланган вакиллари орқали давлат ҳокимиятларини тузишда (хукуматни) иштирок этади.

Сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этар экан ўз ўзидан уларнинг шу органлар фаолиятида иштирок этиши, уларнинг фаолиятини назорат қилишда иштирок этишини вужудга келтиради.

Сиёсий партия мамлакатдаги кучли тузулмалардан бўлиб жамият тараққиётига таъсир кўрсатадиган кучdir. Шунинг учун уларнинг фаолиятини молиялаштириш очиқ, ихтиёрий бўлиши керак. Сиёсий партиялар фаолиятидан мамлакат душманлари фойдаланиши, уларни нотўғри йўлга бошлиши мумкин. Бу асосан сиёсий партияларнинг фаолиятини молиялаштириш асосида амалга оширилади. Шунинг учун конституцияда сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш аҳволи, йўллари ҳақида Олий Мажлисга ҳисоб берib туриш белгиланган.

Конституция нормаларидан ташқари сиёсий паричлари фаолияти ҳақида бир неча жорий қонунлар бор. Жумладан, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”<sup>18</sup> қонунлар.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияларга шундай таъриф берилган “Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар

<sup>18</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжаталри тўплами. Т: 2007, 70-81, 205-209 бетлар

муштараклиги асосида тузилган, давлат органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир”.

Қонун сиёсий партияларнинг тузиш, фаолият кўрсатиш принципларини, унга аъзолик масаласи, фаолият кафолатларини, фаолиятини тўхтатиш, тугатиш, сиёсий партияларнинг ҳуқуқларини, вакиллик органларини таркибида фракциялар (гурухлар) тузиш, сиёсий партияларнинг мулки масалаларини батафсил тартибга солади.

Сиёсий партияларнинг Президент, вакилик органларига сайловларда иштирок этиш ҳуқуқлари тегишли органларга сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган.

Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятидаги иштирокининг энг муҳимлардан бири Президентликка, вакиллик органларига депутатликка номзод кўрсатишdir. Сиёсий партияларнинг ҳокимият ишларида иштирокининг яна бир шакли Қонунчилик палатаси таркибидаги партия фракциялари, Махаллий кенгашлардаги партия гурухлари фаолитяи орқали кўринади.

2008 йил 1 январдан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамада малакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” ги конституциявий қонун мамлакат ҳаётида ҳам, сиёсий партиялар ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлди.

Қонуннинг 2-моддасида Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракцияларини тузиш, рўйхатга олиш тартиби, фракция тузишдан мақсад, фракциялар мавқеи (кўпчилик), блоклар тузиш, парламентда ўзини мухолифат деб эълон қилиш, мухолифатчиларни ҳуқуқлари белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 3-моддасида сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринbosарларини сайлашдаги роли (номзод кўрсатиши, ҳар бир фракция ўз вакилига эга бўлиши) кўрсатиб қўйилди.

Қонуннинг 4-моддасида сиёсий партияларнинг фракцияларини Бош вазирнинг лавозимига тайинлашада иштироки мустаҳкамланган. Бу кейинчалик ўзгаришга учради.

Қонуннинг 5-моддасида Бош вазирни муддатидан аввал лавозимидан озод қилишдаги партия фракциялари иштироки белгиланди.

Унга асосан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларини Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан агар бундай ташаббусни палатадаги етакчи партия фракцияси қўллаб-куватласа ҳамда мазкур ташаббус Президент томонидан Олий Мажис Палаталарига овозга қўйилганда депутатлар ва сенаторларнинг умумий сонининг учдан икки


қисмидан кўпроғини овозини олса Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қиласди.

Қонуннинг 6-моддасида вилоят ва Тошкен шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли кенгашга тасдиқлаш учун Президент томонидан кенгашдаги сиёсий партия гурухлари билан маслаҳатлашиб тақдим қилиш тартиби белгиланди.

Қонуннинг 8-моддасида вилоят ва Тошкен шаҳар Кенгашлари депутатлари гурухлари ҳокимни қониқарсиз фаолияти устидан, Ўзбекистон Президентига асослантирилган хулосалар тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ташаббус етакчи партия гурухи томонидан қўллаб-қувватланса Президент бу ташаббусни Халқ депутатлари Кенгashi мухокамасига киритади ва мухокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қиласди.

Президент концепциясидаги қонунчилик ташабуссига биноан Конституцияга ўзгартириш киритилди. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясиниг айрим моддаларига қўшимчилар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) қонунига асосан (2011 йил 8 апрелда Президент томонидан имзоланган), Конституциянинг 98-моддаси янгича таҳрирда баён қилинди. Унга асосан Бош вазир номзоди Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки teng миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

### Схема



Амалдаги Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилиб, у истеъфога чиққанда янги Бош вазир номзоди Президент томонидан Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Олий Мажлисга кўриб чиқиши ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Бундай тартибларни ўрнатилиши сиёсий партияларнинг ролини ошириб, уларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштирокини кенгайтирди.

### **3.6. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар.**

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, бу – давлат ва дин муносабатига таъсир қилади.

Ўзбекистон аҳолиси (кўпчилиги) ислом динига эътиқод қилади. Собиқ иттифоқнинг охирги йилларда ислом динига қарши катта ва асоссиз курашлар олиб борилди. Аҳолининг виждан эркинлигини бузилди.

Шунинг учун марказни ислом динига, динга эътиқод қилувчиларга қарши асоссиз, курашларни олиб борилаётган бир пайтда, ҳали мустақиллик эълон қилинмасдан, Ўзбекистон иттифоқ таркибида турган вақтда, 1991 йил 14 июнда мамлакатимиизда “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилинди<sup>19</sup>.

Бу қонун ҳар бир шахснинг виждан эркинлигини, диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъий назар фуқаролар тенглигини, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солди ва динни давлатдан ажратилганлигини қонуний мустаҳкамлаб қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси қабул қилинишида бу масала алоҳида эътибор берилди.

Конституциянинг 31-моддасида виждан эркинлиги фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари қаторида мустаҳкамланди.

Конституциянинг “Жамоат бирлашмалари” бобининг 61-моддасида эса давлат билан диний ташкилотларнинг муносабатининг конституциявий асоси белгилаб қўйилди. Унга асосан “Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган, ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмалар нинг фаолиятига аралашмайди”.

Демак, – диний ташкилотлар ва бирлашмалар (улар қайси динга мансублигидан қатъи назар) давлатдан ажратилган, яъни мустақил фаолият юритади;

- диний бирлашма ва ташкилотлар ҳам бошқа жамоат бирлашмалари қаторида қонун олдида кенг, яъни қонунларга итоат этадилар;

- давлат диний бирлашма ва ташкилотлар фаолиятига аралашмайди.

Давлатнинг диний ташкилотлар фаолиятига аралашмаслиги, уларнинг фаолияти назорат қилинмайди деган гап эмас.

Конституциянинг ўзида диний ташкилотларнинг қонун олдида тенглиги ўрнатилган экан, бу уларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда назорат қилишни мумкинлигини кўрсатади.

---

<sup>19</sup> Бу қонун 1998 йил 1-майда янги таҳрирда қабул қилинган.

Мамлакатимиз халқининг аксарият купчилиги “Ислом” динига эътиқод қиласи, шунингдек, бошқа динларга эътиқод қилувчилар ҳам мавжуд. Ўз-ўзидан турли динга мансуб диний ташкилот, бирлашмалар тузилган бўлиб улар қонун олдида тенг.

Давлат ва қонуннинг барча диний ташкилот ва бирлашмаларга бир хил талаби ва муносабати диний конфессиялар ўртасида тинчлик тотувлик бўлишини таъминлайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг вазифасини юкламайди, шунингдек, диний ташкилот ва бирлашмалар ҳам давлат вазифаларини бажаришга уринмайди, даъво қилмайди.

Конституция нормаларини ҳаётга кенгроқ татбиқ этиш мақсадида мамлакатимизда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 1991 йил 14 июнда қонун қабул қилинган. Қонун давлат билан диний ташкилот ва бирлашмаларни барча муносабатларни атрофлича тартибга солади.

Қонун қоидаларга асосан, диний ташкилот ва бирлашмаларнинг Конституциявий тузумга қарши душманлик, нафрат, миллатлар ўртасида адоват келтириб чиқаришга, ахлоқий негизлар ва фуқаровий тотувликни бузишга қаратилган, вазиятни беқарорлаштирувчи бухтон, уйдирмалар аҳоли уртасида ваҳима уйғотувчи хабарларни тарқатиш, жамият, фуқаро, давлат манфаатларига зид фаолият олиб бориши тақиқланади.

Дин никоби остида давлат органлари, мансабдор шахсларга бирор-бир йўл билан тазийқ ўтказиш, яширин диний фаолият олиб бориш асло мумкин эмас.

Давлат билан диний ташкилот ва бирлашмалар муносабати ҳар қандай диннинг инсонпарварлик, ахлоқий, тарбиявий ғояларидан жамият ривожида унумли фойдаланишга асосланади. Дунёвий ва диний таълимотларнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиб тарбия ишларини олиб борилишида диний ташкилот ва бирлашмаларнинг тўғри муносабати катта роль ўйнайди.

Давлат ва дин муносабатларида, диннинг фойдали жиҳатларидан: уни маънавиятга ижобий таъсиридан, ахлоқий тарбиявий таъсиридан, инсонларни камтарлик, камсуқумлик, ҳалоллик, покликка ундайдиган бошқа қадриятлар сифатида фойдаланиш ва диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, диндан сиёсат, давлат ишларига аралашишига бўлган ҳаракатларини тақиқлаш, шундай ҳоллар бўлса, уларга чора кўришда ўз аксини кўрсатади.

Давлат шунингдек миллатлараро, диний можаролар, қонли тўқнашувларни олдини олиш, уларни тўхтатишида диннинг ҳаётбахш ўғитларидан фойдаланади.

Давлатнинг динга нисбатан тўғри муносабати туфайли бугунги кунда Республикамиздаги барча динлар тинч-тотув фаолият кўрсатмоқда ва шу динларга эътиқод қилувчилар орасида тотувлик, ҳамжиҳатлик бўлишида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

### **3.7. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, тақиқлаш ва фаолиятини чеклаш асослари.**

Давлатни жамиятдаги бошқа тузулмалардан фаркини кўрсатувчи асосий хусусиятлардан бири, унинг ҳокимияти жамиятдаги барча тузулмалар учун мажбурий характерда эканлигидадир. Яъни давлатнинг қарори, кўрсатмаси барча тузулмалар, жумладан, жамоат бирлашмалари учун ҳам мажбурийдир.

Давлат Конституциявий тузум, жамият, фуқаро, давлат манфаатидан, хавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тақиқловчи, чекловчи тартибларни қўллаш ваколатига эга.

Жамоат бирлашмалари фақат қонун доирасида фаолият кўрсатиши, жамият манфаатини устунлиги асосида иш олиб боришлари шарт, акс ҳолда Конституцияда кўзда тутилганидек, уларнинг фаолияти тақиқланиши, чекланиши ёки тарқатиб юборилиши мумкин. Конституциянинг 62-моддасида “Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб қўйиш ёки чеклаш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади”. – деб белгиланган.

Жамоат ташкилотларига қўлланиладиган чора, а) уларни тарқатиб юбориш; б) фаолиятини тақиқлаш; в) фаолиятини чеклашдир. Бу мажбурий чоралар давлат номидан суд томонидан қўлланилади, бошқа ҳеч қандай ҳокимият органлари бундай ваколатга эга эмас.

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” қонунга мувофиқ жамоат бирлашмасининг энг олий органи, тегишли жамоат бирлашмаларини, қонунда белгиланган асосда тарқатиб юбориш мумкин.

Демак жамоат бирлашмасини тарқатилиши икки кўринишда бўлади, **биринчиси**, мажбурий тарқатиш, суд қарорига асосан, **иккинчиси**, ихтиёрий тарқатиш, тегишли жамоат бирлашмасининг олий органинг қарори билан.

Жамоат бирлашмаларини тугатишга, тарқатишга куйидагилар асос бўлиш мумкин:

- фаолияти, жамиятнинг ахлоқий негизлари, умумэътироф этилган инсонпарварлик қадриятини бузишга;
- уруш, зуравонликни шафкатсизликни тарғиб қилишга;
- жамиятни бўлиниши, парчаланишига олиб келувчи синфий, ирқий, миллий ва диний адоват чиқаришга қаратилган бўлса;
- ҳокимият органлари, мансабдор шахслар фаолиятига аралашишини, тазийқ ўтказишни кўзласа.

Бундан ташқари жамоат бирлашмалари фаолиятида динни сиёсалаштиришга, қуролли тузилмалар тузишга ҳаракат бўлган тақдирда ҳам улар тугатилади.

Сиёсий партиялар жамият ҳаётида катта таъсирга эга куч, шунинг учун сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий ҳаракатларга алоҳида талаблар қўйилади. Агар улар чет давлатлардан,

ташкilotлардан, уларнинг юридик шахсларидан, чет эл ваколатхоналаридан, чет эл фуқаролари ва бошқа номаълум шахслардан молиявий ва бошқача ёрдамлар олгудек бўлса суд қарорига асосан тутатилади.

## Схема



Шундай қилиб жамоат бирлашмалари, жамият тузилишида, ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнайди. Уларнинг фаолияти орқали фуқаролар манфаати, ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошади. Улар фуқаро ҳуқуқ, эркинлиги, манфаатини самарали, ишончли ҳимоячисидир.

Жамоат бирлашмалари қонун асосида иш кўриб, уставларига тўла амал қилиб фаолият кўрсатганда жамият учун фойда беради. Улар давлат томонидан ҳар томонлама ва турли усувлар билан қўллаб-қувватланади. Шу билан биргаликда уларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, давлат қонун доирасида назорат қиласди.

Ҳар қандай жамият ривожига зид фаолият курсатувчи жамоат бирлашмалари қонун қоидалари асосида тугатилади.

### **Назорат саволлари**

**1.** Сиёсий тизим деганда нимани тушунасиз? Давлат сиёсий тизимнинг асосий таркибий қисми сифатидаги қарашларга ўз муносабатингизни билдиринг?

**2.** Жамоат бирлашмалари деганда нимани тушунасиз? Жамоат бирлашмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамиятини ёритиб беринг?

**3.** Касаба уюшмалари деганда нимани тушунасиз? Касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини айтиб беринг?

**4.** Сиёсий партиялар деганда нимани тушунасиз? Сиёсий партиялар фаолиятининг конституциявий ва ҳуқуқий асосларини батафсил таҳлил қилинг?

**5.** Диний ташкилотлар ва бирлашмалар деганда нимани тушунасиз? Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақомини ёритиб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи // Дарслик – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2012. – 564 б.

2. Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. 2003.

4. Harlow, England; New York: Longman, c20Erwin Chemerinsky. Constitutional Law: Principles and Policies. 4th Edition, May 25, 2011.

5. Christopher N. May, Allan Ides. Constitutional Law: National Power & Federalism. 5th Edition, 2012.

6. Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012.

#### **4-мавзу: Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг конститутивий-хуқуқий тартиботи.**

##### **РЕЖА:**

- 4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий хуқуқий мақоми.
- 4.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.
- 4.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимиятининг олий органи.
- 4.4. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти.

**Таянч иборалар:** *Олий Мажлис, Конунчилик палатаси, Сенат, Депутат, Сенатор, парламент сўрови, парламент назорати, Президент, Вазирлар Маҳкамаси*

---

#### **4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий хуқуқий мақоми.**

Дунё миқёсида президентлик институтини вужудга келиши демократик кучларнинг ғалабаси сифатида қаралади. Чунки Президент давлат бошлиғи сифатида пайдо бўлгач, халқ ўз давлат бошлиғни ўзи сайлаб қўядиган, ёки президент халқ сайлаган вакиллар томонидан сайланиши, давлат бошлиғи лавозимини меросга қолдириш тартиби бархам топди. Ҳозирги вақтда БМТга аъзо бўлган 192 давлатнинг 143 тасида президентлик лавозими мавжуд. Шуни ўзи ҳам дунё халқлари ўз тақдирини Президент билан боғлаганларини кўрамиз<sup>20</sup>.

Ўзбекистонда Президентлик институтини вужудга келиши ҳам Ўзбекистонинг мустақиллиги билан боғлиқ ва тараққиёти кафолатларидан ҳисобланади.

Собиқ иттилоғнинг охирги йилларидаги ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги тартибсизликлар, инқирозларга учраш, Ўзбекистонда ҳам яққол сезила бошланди. Ҳамма соҳаларни мутлақо издан чиқиб кетиши, Республика миқёсида янгича бошқарувга ўтишни, Республика билан иттилоғ ўртасида янгича муносабат ўрнатишни тақозо эта бошлади. Бунинг учун Республикада аҳолини бирлаштира оладиган, марказ ҳужумларига бардош берадиган, марказни розилигисиз, иштирокисиз вужудга келадиган давлат бошлиғи лавозимига эҳтиёж сезилди.

Шунинг учун 1990 йил март ойида Ўзбекистон собиқ иттилоғдаги республикалари орасида биринчи бўлиб, Президентлик лавозими – институтини ўрнатилди. Бу марказни розилигини олмасдан, уни таъкидлашларига қарамасдан қилинган катта воқеа бўлди ва айтиш

---

<sup>20</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – Р. 265

мумкинки Президентлик лавозимини ўрнатилиши Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги энг салмоқли ва тўғри қадами бўлди.

1991 йил декабрь ойида Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримов умумхалқ томонидан, муқобиллик асосида Президент этиб сайланди. Шундан кейин мамлакатда бошқарувни барқарорлаштириш, ижро ҳокимиютини кучайтириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонни янги Конституция лойиҳаси устида ишлаши жадаллаштирилди.

Президент раҳбаригида қилинган яна бир муҳим иш, воқеа бу – мустақил Ўзбекистонни Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўлди. Конституция Ўзбекистоннинг давлат суверенитети мустаҳкамлади. Халқ ҳокимиятчилигини ўрнатди, инсон ва унинг ҳуқуқларини олий қадрият деб белгилади. Конституцияда Ўзбекистон демократик, суверен республика деб эътироф этилди. Давлат бошлиғи сифатида Президент белгиланди ва Конституцияда Президентни сайлаш, Президент номзодига кўйиладиган талаблар, Президент вазифаси ва ваколатлари белгилаб кўйилди. Ўзбекистон Президентига тааллуқли асосий масалалар Конституциянинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти” деган XIX бобида мустаҳкамланди. Унда Президент давлат ва ижроия ҳокимиёт бошлиғи деган қоида билан бир қаторда, Президент бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасини ҳам Раиси деган қоида ўрнатилди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти маълум даврда шу мавқенини эгаллаб, Ўзбекистонда барқарорликни таъминлашга, миллий тотувликка эришишда, иқтисодий тизимга бозор муносабатларини жорий қилишда, мамлакат хавфсизлигини фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш борасида катта ишларни амалга ошириди. Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрни эгаллашига, халқаро ҳуқуқни тўла қонли субъекти сифатида эътироф этилишига катта ҳисса қўшди.

Эркинлаштириш давлат қурилиши ва бошқарувдаги ислоҳотларни асосини ташкил этиб, у бошқа ҳокимиёт тармоқларига шу жумладан Президент мақомига ҳам тааллуқли бўлди. Бу борада мамлакатида амалга оширилган воқеалардан бири 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум ва уни асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган қонун бўлди. Шулар асосида конституцияга киритилган ўзгаришлар туфайли Олий Мажлис икки палатали тузилишда ташкил қилинадиган бўлди. Президентнинг ваколати беш йилдан етти йилга ўзгартирилди. Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенатига ўтказилди ва энг муҳими Конституциядан Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳақидаги қоида чиқариб ташланди.

2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги қонун ва Конституциянинг 89-моддаси, 93-моддаси 15 банди” 102-моддаси иккинчи қисмига киритилган ўзгаришлар Президент мақомига ҳам сезиларли таъсир қилди. Ўзгаришлар асосида Президент ижро ҳокимиютига

бошчилик қилиши бекор бўлиб, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди деган қоида киритилди.

## Схема



2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маъruzасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларига тўхталиб, “Хозирги пайтда мамлакатимиз аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шартшароитларни юзага келтирмоқда”<sup>21</sup> - деб қайд қилди ва Конституцияга

<sup>21</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик

ўзгартиришлар киритиш ҳақида аниқ кўрсатмалар берди. Шу концепция асосида Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимачалар Президент мақомига ҳам тааллуқли бўлди.

2011 йил 12 декабрдаги Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан Президент ваколат муддати етти йилдан беш йилга ўзгартирилди. Бу демократик талаблари, жаҳон тажрибасига мос бўлди.

Президент лавозими вужудга келганадан бошлаб то ҳозиргacha: Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси Раислиги, ижро ҳокимияти бошлиқлиги бекор қилиниши, Президентнинг айрим ваколатларини Сенатга ўtkазилиши асло Ўзбекистонда Президент ҳокимиятини сусайтиришни назарда тутмайди. Аксинча, ислоҳотлар натижасида Президентнинг барча ҳокимият тармоқлари фаолиятини йўналтириш, уларни ҳамкорлигини таъминлаш вазифаси ваколатлари кучайди. Вазирлир Маҳкамаси, Бош вазир масъулиятини ошишига олиб келди. Ҳокимият бўлиниши принципини амалий ифодаси кучайди. Президентнинг барча ҳокимият тармоқларида ҳолилиги (аввал у ижро ҳокимиятини бошлиғи сифатида ҳокимият бўлинишида иштирок этар эди) барча ҳокимият тармоқлари мавқеини тенг бўлишини таъминлади.

Давлатчилик тажрибасида Президент лавозими кенг қўлланилади. Уларнинг давлат ҳокимият тизимидағи ўрни, мақоми ҳар хил. Президент институтига хос умумий хусусиятлар билан бирга бир гурӯх давлатларда ёки алоҳида давлатларда Президентликни ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Президентликка хос умумий хусусиятлар, улар республика шаклидаги давлатга хослиги, улар сайлаб қўйиши асосида вужудга келиши бўлса. Ўзига хос хусусиятлари – қандай сайланиши, давлат бошлиғи эканлиги, ёки давлат ва ижро ҳокимият бошлиғи эканлиги, ваколат муддатини ҳар хиллиги янги, ваколатларни кенглиги ёки торлигидир.

Президентнинг хуқуқий мақомига унинг қайси йўл билан сайланиши (халқ томонданми, вакиллик органлари ёки маҳсус органлар томониданми), фақат давлат бошлиғи ёки давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи эканлиги, давлат бошқарувнинг Президентлик, парламентар, аралаш шаклари таъсир қиласи ва булар Президентнинг ҳокимият тизимидағи ўрнини аниқлашда ҳам асосий мезон бўлади.

Умуман Президент мақомини, президентлик ваколатини вужудга келиши ва тугаши, ваколатлари, вазифаси, хуқуқ ва мажбурияти (масъулияти), фаолиятининг кафолатлари белгилайди. Президент мақоми у қандай вазифага (давлат бошлиғи, ижро ҳокимият бошлиғи, хукumat бошлиғи) эгалигига боғлиқ.

Ўзбекистонда президент институти (лавозими) жорий қилинар экан. У ёки бу давлатга ўхшаш учун ҳаракат қилишга, ёки президентлик энг яхши йўлга қўйилган давлатларни тажрибаси шундайлигича олинмади.

Ёки Республика президентлик республикаси бўлади ёки парламентар республика бўлади деган мақсадлар кўйилмади.

Президентлик жорий қилинار экан, шу лавозимдан фойдаланиб мустақилликка эришиш, уни сақлаш, бошқа давлатлар билан келишаоладиган давлат қуриш, инсонни энг олий қадрият даражасига кўтариш ва шу мақсадлар йўлда мамлакатдаги бази кучларни бирлаштира оладиган, иктисодий бозор муносабатини тамоиллари асосида қура оладиган восита сифатида Президентлик танланди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг дастлабки даврларида – президентлик ўрнатилганда, Конституция қабул қилинганда Президентга кенг ваколатлар берилди ва шу ваколатларни таъминлай оладиган даражада ҳуқуқлар берилди. Шунинг учун ҳам Президент давлатимиз тараққиётининг дастлабки босқичида ҳам давлат бошлиғи ҳам ижроия ҳокимият бошлиғи ва бир вақтини ўзида Вазирлар Маҳкамасининг раиси вазифаларининг бажарди. Президент кўлида дастлабки даврларда жуда қатта куч, ваколат тўпланди.

2000 йилларга келиб кўплаб масалалар ҳал бўлди. Сиёсий партиялар шаклланди, халқнинг онги, маданияти, қарашлари ўси, турмуш тарзи ижобий томонга ўзгарди, фаровонлик ривожланиб борди. Ҳокимият тармоқлари ўртасида ҳамкорлик ўргатилди. Булар энди демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришни тақозо этди. Натижада Президент зиммасидан баъзи вазифалар олиниши учун шароит яратилди. Аввалги бандда айтилганидек, аввал президент бир вақтни ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлиши қоидаси бекор бўлди. Кейинчалик Президентнинг ижро ҳокимиятини бошлиғи вазифаси бекор бўлиб, у факат давлат бошлиғи ҳисобланди. Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга ўтказилди. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқи йўқ бўлди. Бундан ташқари Президент Бош вазир номзодини Олий Мажлис палаталарига тўғридан-тўғри ёки ўзи мустақил тақдим қилмай, сайловларда кўп ўрин олган сиёсий партиялар тавсия қилган номзодни Олий Мажлисга тақдим қиладиган бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг талаби билан, Бош вазирни лавозимдан озод қилиш масалаларини, вилоят, Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашларидаги партия гурухлари талаби билан ҳокимларни ваколат муддатидан аввал лавозимдан озод қилиш масаласини ҳал қилиш ва ниҳоят Қонунчилик палатаси депутатлари ташшабуси билан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми белгиланган тартибда амалга оширилганда, Бош вазирни истеъфога чиқариш каби Президентнинг ваколатлари вужудга келди. Буларнинг хаммаси Президент мақоми демократлашиб бораётганлигини, Президент бошқа, сиёсий тузилмалар фикри билан келишган ҳолда фаолият юритишни кўрсатади.

2007 йил 11 апрелдаги Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан, Конституцияга ўзгартириш киритилиб, унинг 89-моддаси қуйидаги таҳтирида баён қилинди. “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти

органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишни таъминлайди”. Бу норма Ўзбекистон Президентининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрнини, асосини, Президент мақомини ва Президентнинг энг асосий вазифасини белгилади.

Шунга асосан Президент ҳар қандай давлат ҳокимияти тармоқларидан ҳоли, уларни бирортаси таркибиға кирмайди, шундай экан ҳокимият бўлиниши принципи унга таъсир қилмайди, лекин шу принципни амал қилишини таъминлайди. Ўзбекистон Президенти фақат давлат бошлиғи қилиб белгиланган, лекин уни ҳуқуқида шу мақомдаги бошқа давлат Президентларидан катта фарқи ҳам мавжуд.

Президент ижро ҳокимиятига бошлиқ қиласлиги ва фақат давлат бошлиғи мақомида бўлиши, аслида парламентар республикага хос хусусият ва уларда президент парламент томонидан ёки маҳсус чақирилган орган томонидан сайланади.

Ўзбекистон Президенти фақат давлат бошлиғи мақомига эга бўлсада, Конституцияда унга кенг ваколатлар берилган, у сиёсий ҳаётда (амалиётда) ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистонда Президент ҳокимияти мустақил, у парламент томонидан назорат қилинмайди, парламент олдида масъуллиги йўқ. Президент амалиётда барча ҳокимият тармоқларидан устун туради. Бунинг энг асосий сабабларидан бири Ўзбекистон Президенти ҳалқ томонидан сайланади ва ҳалқдан тўғридан-тўғри ваколат олади.

Президентни барча ҳокимият тармоқларидан устун деган фикр қуидагилар билан исботланади. Президент давлат ҳокимият органларини келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш билан чекланмайди. Ўзбекистон Президенти қонунчилик, ижро, суд органларини ташкил бўлишига, фаолиятига турли йўллар билан таъсир қиласи.

Булардан ташқари Ўзбекистон Президенти Ўзбекистонда фаолият юритадиган, лекин бирор бир ҳокимият тизимиға кирмайдиган муассасалар раҳбарларини лавозимга тайинлашда иштирок этади. Масалан, Марказий банк бошқаруви раиси, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раиси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Миллий хавфсизлик хизмати раиси. Юқоридаги фикрлар Ўзбекистон Республикасида бошқарувни аралаш шакли бўлиб, у кучли президент ҳокимиятига асосланганлигини кўрсатади. Шунга мос равища Президентга етарли ваколатлар берилган.

Ўзбекистонда ҳам Президентни сайловчилар – яъни ҳалқ умумий, тўғри, тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлайди.

Тўғри сайлов орқали президент ҳалқ томонидан сайланганда у ҳалқдан ваколат олади, бошқа хеч қандай тузилма олдида масъул бўлмайди. Ундан ташқари тўғри сайлов натижасида президент сайланган мамалкатларда президентнинг ваколатлари кенг бўлади, бошқа ҳокимият тузилмалариға таъсири кучли бўлади.

Президентлик институти Конституциявий ҳукуқда, умуман жамият хаётида мухим институт ҳисобланади.

## Схема



Шунинг учун Президентни сайлашнинг асосий ҳолатлари, президент ваколатлари, бошқа ҳокимият тузулмалари билан муносабатининг асослари Конституцияда белгиланган. Ўзбекистон Конституссиясининг 90-моддасига асосан: Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида мухим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланishi мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, teng va tўғридан-tўғри сайлов ҳуқуки асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади. Сайловлар умумий, teng va tўғридан-tўғри сайлов ҳуқуки асосида яширин овозбериш йўли билан ўтказилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланishi мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Шунингдек Конституциянинг бу моддасида ҳар бир сайловчини бир овозга эга эканлиги, унинг хошиш-иродасининг билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланиши белгилаб қўйилган.

1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунда сайлов ўтказишнинг барча демократик принциплари ўз ўрнини топган, у халқаро сайлов

стандартларига мос келади.

Конун Президент сайловини умумий, тенг, түғри сайлов хуқуқи асосида яширин овоз бериши йўли билан ўтказилишини, сайлов, сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ошкора ўтказилиши, сайловни молиявий таъминотни, сайлов қонунчилиги бузганлик учун жавобгарлик масалаларини белгилайди ва сайлов жараёнини мукаммал тартибга солиш билан, сайловга тайёргарлик кўриш, ўтказиш, натижасини аниқлаш, эълон қилиши масалаларини аниқ тартибга солади.

Президент сайлови, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов компанияси бошланишини Президент ваколати тугашидан камида уч ой олдин эълон қилиниши билан бошланди.

Ундан сўнг сайлов округлари тузилади, Президент сайловида хар бир вилоят, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси худуди бир округ сифатида белгиланади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси қарори сайловдан етмиш беш кун қолганда эълон қилинади.

Сайловга олтмиш кун қолганда камида 20 нафар кўпи билан 3000 сайловчи ҳисобига сайловчилар участкалари округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Истисно тариқасида сайловга беш кун қолганда ҳам сайлов участкаси тузилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида ҳам сайлов участкаси тузиш, уларни қайси округга бириктириш масаласини Марказий сайлов комиссияси ҳал қиласди.

Президентликка сайловни Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси, участка сайлов комиссияси ташкил қиласди. Марказий сайлов комиссияси доимий фаолият кўрсатувчи муассаса, у Олий Мажлис томонидан тузилади.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганда раис, раис ўринбосари, котиб ва камида 6-8 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганда 5-19 нафар аъзодан шу жумладан, раис, раис ўринбосари, котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан ибрат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Сайлов комиссиясини тузиш тартиби ваколатлари, ишини ташкил қилиш, Президент сайлови тўғрисидаги қонунини 12-20 моддаларида белгиланган.

Сайлов жараёнини энг муҳим масъулиятли босқичи Президентликка номзод кўрсатиши ҳисобланади. Президентликка номзод кўрсатиши хуқуқига тегишли таркибда сайловгача тўрт ой олдин Адлия вазирлигидан рўйхатга олинган сиёсий партиялар эга. Бир даврларда номзод кўрсатиши хуқуқига вакиллик ҳокимияти органлари ва бевосита фуқаролар ҳам (ташабускор ташкилотлар орқали) эга бўлган. Ҳозир факат бундай хуқуқка сиёсий партиялар эга.

Президент ўта муҳим шарафли, мамлакат, ҳалқ тақдирини ҳал қилувчи лавозим бўлганлиги учун Президент бўладиган шахслар олдига

маълум талаблар қўйилади. Бу талаблар Конституциянинг 90-моддасида, сайлов тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасида белгилаб қўйилган.

Президентликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи уларни рўйхатга олиш, унинг учун тақдим қилинадиган хужжатлар, номзод кўрсатиш тартиби (имзолар тўплаши), номзодлик мақомидан воз кечиши ёки номзодликдан маҳрум қилиш тартиблари Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 24-26-моддаларида белгиланган. Ҳудди шунингдек сайловчиларни рўйхатга олиш ва у билан таништириш, рўйхатдаги келишмовчиликларни ҳал қилиш, сайлов бюллетенларини тайёрлаш, ташвиқот-тарғибот ишлари, кузатувчилар фаолияти, ишончили вакиллар фаолияти, номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари қонуннинг 22, 23, 27-29-моддаларида белгиланган.

### Схема



Президент сайловида ҳам овоз бериш соат 6 дан 20 гача сайлов участкаларида маҳсус жиҳозланган хоналарда участка сайлов комиссияси аъзолари, кузатувчилар иштирокида ташкил қилинади. Сайлов участкасига келиш имконияти йўқларга турар жойида овоз бериш ташкил қилинади. Сайлов куни бошқа ерда бўладиганлар учун аввалдан сайлов варақалари асосида овоз беришга имконият яратилади.

Сайловчи овоз бериш бюллетини олгач, бу хакда рўйхатга имзо қўйиб, яширин овоз бериш натижасида, бюллетендаги ўзи хоҳлаган номзод рўпарасига крестик қўйиш билан овоз беради. Овоз бериш вақти тугагач, белгиланган тартибда сайлов кутиси очилиб, овоз бериш натижаси аниқланиб, баённома тузилади ва баённомани бир нусхаси 48 соат давомида участкада осиб қўйилади, бир нусхаси округ сайлов комиссиясига юборилади. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясида баённомаси асосида натижани аниқлаб, баённома тузиб

Марказий сайлов комиссиясига тақдим қиласи. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари баённомалари асосида Республика бўйича натижани аниқлайди. Овоз беришда сайловчилар рўйхатига киритилганларни 33 фоизи иштирок этган бўлса сайлов хақиқий саналади.

Сайловда иккита номзод иштирок этиб, овоз беришда иштирок этган сайловчиларининг нисбий кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Сайловда иккитадан ортиқ номзод иштирок этган тақдирда, номзодлардан бирортаси овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпини овозини ололмаган бўлса, энг кўп овоз олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Агар қонунда кўзда тутилган сабаблар асосида сайловда битта номзод қолиб, сайловда иштирок этса, сайловда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпини овозини олса сайланган ҳисобланади.

Такрорий овоз бериш зарурияти туғилса, такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Бу ҳакда ОАВда эълон қилинади. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиш фоизи эътиборга олинмайди. Қанча сайловчи иштирок этишидан қатъий назар, сайлов ўтган ҳисобланади.

Президент сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, ёки сайловда битта номзод иштирок этиб, етарли овоз ололмаган бўлса, МСК такрорий сайлов тайинлайди. Такрорий сайлов асосий сайлов ўтганидан сўнг қирқ кун ичида ўтказилади. Такрорий сайлов ушбу қонун талаблари асосида ўтказилади. Такрорий сайловни янги округ ва участка сайлов комиссиясида томонидан ўтказилиши ҳақида Марказий сайлов комиссияси қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловида тузилган сайловчилар рўйхати асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов натижалари эълон қилинган кундан эътибордан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Президент ўз ваколатини янги сайланган Президент лавозимига киришгунча бажаради.

Конституция ва қонунларимизда Ўзбекистон Президентининг ваколатини муддатидан аввал тутатиш ҳоллари кўзда тутилмаган. Фақат бир ҳолда, Конституциянинг 96-моддасида кўзда тутилган ҳолат юз берса, Президент ваколати тўхтатилади. Унга асосан “Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бошқара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

тўғрисида”ги Қонунга тўла мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайланади”.

#### **4.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жаҳон миқёсида олинадиган бўлса - парламентдир. Парламент эса - қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи, шу билан бирга вакиллик ҳокимиятининг ифодаси ҳамдир.

Парламентни вужудга келиши - жаҳон давлатчилик тажрибасидаги энг йирик воқеа деса бўлади. Парламентни вужудга келиши биринчидан, минг йиллар давомида яшаб келган давлат ҳокимиятини бир киши (монарх) қўлида тўпланишига барҳам берди. Иккинчидан, якка ҳукмронликни чегаралади. Учинчидан, давлат ҳокимиятини тармоқлар асосида амалга ошириши имкониятини вужудга келтирди. Тўртинчидан, ҳокимият ишларида мамлакат аҳолисини (фуқароларини) иштирок этишининг самарали воситаси вужудга келди. Бешинчидан, давлат, жамият фаолиятида вакиллик назоарти вужудга келди. Олтинчидан, қонун ишлаб қилиш профессионализм асосида олиб бориладиган бўлди.

Конституциянинг бешинчи бўлимидағи ХХII боб “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси” – деб номланиб, унинг моддалари Олий Мажлис фаолиятини тартиба солади. Конституциянинг 76-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади” - дейилган.

Олий Мажлис икки палатадан, Қонунчилик палатаси - қуйи палата, Сенат юқори палатадан иборат.

Олий Мажлис - вакиллик органи сифатида қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. У мамлакатда ягона қонунчилик органи. Олий Мажлис қонунчилик органи сифатида қонунларни қабул қиласи, уларга ўзгартириш киритади ва зарур ҳолларда амалдаги қонунларни бекор қиласи. Қонун қабул қилиш билан улар мамлакат ижтимоий ҳаётининг ҳукуқий асосларини белгилайди.

Олий Мажлисни Конституция ва қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади деб белгиланиши, унинг вазифаси фақат қонун қилиш билан чекланди деган холосани келтириб чиқармайди. Республика Олий Мажлиси ҳам бутун дунёдаги парламентларга хос бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Олий Мажлиснинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистоннинг ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш.


– Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини, ваколатларини белгилаш.

– Давлат органларининг мансабдор шахслари, аъзоларини тайинлаш, сайлашда иштирок этиш.

– Мамлакат таркибига янги тузилмаларни қабул қилиш, уларни республика таркибидан чиқариш ҳақидаги масалалар, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилиш.

– Қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш, ижро ҳокимиятини (хукумат) фаолияти устидан назорат ўрнатиш.

– Схема



Мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожланиб бориши ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти, яъни парламент назоратини кучайтиришни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар бўйича тўплланган тажриба ва ривожланган демократик мамлакатлардаги конституциявий тараққиёт амалиётининг таҳлили<sup>22</sup> Ўзбекистонда танланган парламент назорати тизимининг ҳақиқий демократик моҳиятидан далолат беради. Бунда, биринчи навбатда, ўтган даврда бу соҳадаги тўплланган миллий тажрибаларимиз билан бирга чет мамлакатлар парламентларининг тажрибалари ҳам эътиборга олинди<sup>23</sup>.

Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрнини аниқлаганимизда унинг қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириши, шу туфайли бошқа ҳар қандай ҳокимият органларининг фаолиятини белгилаш, бошқа органларни тузишда иштирок этиш, ижро ҳокимиятининг парламент олдида масъулиятилигига эътибор беришимиз лозим. Ана шу нарсалар Олий Мажлисни бошқа ҳокимият тузилмалариға нисбатан таъсиричан воситаларга эга ҳокимият тармоғи эканлигини кўрсатади.

Конституциямизнинг XXII боби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси”- деб номланади ва унда Олий Мажлиснинг мақоми, тузилиш

<sup>22</sup>Dirk Peters, Wolfgang Wagner. The parliamentary control of European Security policy. European Parliament 2006. – 170 p.

<sup>23</sup>Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 206.

таркиби, ташкил этиш тартиби, ваколатлари, палаталарнинг бир-бiri билан муносабати, раҳбар ва ёрдамчи органлари, қонунчилик жараёни конституциявий нормалар асосида тартибга солинган.

Конституциянинг 76-моддасига асосан:

“Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуий палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил”

Конституциянинг 77-моддаси Олий Мажлис палаталарининг ташкил этиш тартибини белгилаган. Унга асосан Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, teng ва тўғридан-тўғри сайлов хуқуки асосида яширин овоз бериш юли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланди. Шунда Қонунчилик палатаси депутатларининг умумий они 150 кишидан иборат бўлади. Конституциянинг бу нормаси Қонунчилик палатасини фақат сайлов йўли билан ташкил қилиш тартибини ўрнатади, шу билан бирга сайловни ҳам икки усулини умухалқ сайлови ва алоҳида ҳаракат томонидан сайлов ўtkазилишини белгилади.

Қонунчилик палатасининг 135 депутати сайлови уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади (Конституциянинг 117-моддаси) ўтказилади. Бу сайлов умухалқ сайлови бўлиб, унда барча 18 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари иштирок этади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар<sup>24</sup>. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов хуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Сайлов умумий, teng, тўғридан-тўғри сайлов хуқуки асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади. Мазкур холат депутатларнинг ўз сайловчилари олдидағи масъуллигини мустаҳкамлайди. Масалан, Германияда айrim олимларни депутат ўз сайловчилари овоз берган ҳолатни қўллаб-қувватлашга мажбур эмаслигини қайд этади. Бу ерда депутат ўзини қўллаб-қувватлаган партия олдида тобе бўлиб қолишига ишора бўлиши мумкин<sup>25</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг юқори палатаси Сенат бўлиб, у Конституциянинг 77-моддасига биноан ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади ва Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат бўлади. Конституциянинг шу моддасида Сенатни шакллантириш тартиби белгиланган. Унга асосан олий Мажлиснинг Сенати аъзолари

<sup>24</sup> Droit constitutional et libertes. Edition SIREY. 1998. – P. 50–52.

<sup>25</sup> Hesse K. Grundzuge des Verfassungsrechts der Bundesrepublik Deutschland.18., erg. Aufl. Heidelberg: Muller, Jur. Verl., 1991. – 241 s.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида охирги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка ва сенаторликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг II бўлими “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби” деб номланган ва унда Сенатни шакллантириш кенг тартибга солинган.


Олий Мажлиснинг юқори палатаси Сенат ҳам сайлов, ҳам тайинлаш йўли билан шакллантирилади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси Сенатни шакллантириш якунлари тўғрисидаги ахборотни ва Сенат аъзоларининг рўйхатини уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотнинг тури), иш ва яшаш жойини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қиласи.

**Қонунчилик палатаси:** Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидир. Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишининг принциплари: масалаларини биргаликда ва эркин муҳокама қилиш, ошкоралик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш ҳисобланади. Бу принциплар Сенат фаолиятига ҳам тааллуқлидир)

Қонунчилик палатасининг навбатдаги сессиялари қоида тариқасида сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июн ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади. Бу Қонунчилик палатасининг доимий ишловчи органлигидан келиб чиқиб ўрнатилган.

## Схема



Палатанинг сайловдан кейинги биринчи сессияси, сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади ва биринчи мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси органи очади ҳамда палата спикери сайлангунча мажлисга раислик қиласди.

Палатанинг мажлислари агар уларда барча депутатлар сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Конституциявий қонунлар қабул қилишда барча депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисларига, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, ОАВ вакиллари такдиф қилиниши мумкин.

Палатанинг мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилиши мумкин, зарур ҳолларда Палата ёпиқ мажлис ўтказиш ҳақида қарор қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Сенат билан бирга қўшма мажлис ҳам ўтказиши мумкин. Қўшма мажлислар Ўзбекистон Республикаси

Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташки сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палатларнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Қўшма мажлислар унда Конунчилик палатаси ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса ваколатли ҳисобланади. Қўшма мажлисда қўшма қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ҳам овоз бериш алоҳида-алоҳида ўтказилади.

Қонунчилик палатаси қарорлари депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Конституцияга ўзгартириш киритиш, конституциявий қонунлар эса депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси ички тузилиши деганда палата томонидан ташкил қилинадиган, уни ишига ёрдам берувчи тузилмалар тушунилади. Шулардан биринчиси Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринbosарларидир. Сайловдан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринbosарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринbosарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан палатанинг ваколат муддатига Спикер ўринbosарлари сайланади. Қонунчилик палатаси Спикери ўринbosарларининг сони, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасида тузилган фракциялар ва депутатлар гурухларининг сонидан келиб чиқсан ҳолда Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади. Қонунчилик палатасида тузилган фракция ва депутатлар гуруҳи ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли хуқукқа эгадир. Яъни ҳар бир фракциядан албатта Спикер ўринbosари сайланади. Спикер ўринbosарлигига қоида тариқасида фракция ўз раҳбарини номзодини қўрсатади. Спикер ўринbosарлари депутатларнинг умумий кўпчилигини овози билан очиқ овоз бериш орқали сайланади.

Қонунчилик палатасининг таркибий тузилмаларидан бири Қонунчилик палатаси Кенгашидир.

Палата фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш, кун тартибидаги масалаларни дастлабки тарзда кўриб

чиқиши ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаш тузилади. Унинг таркибиға Спикер, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутат гурухлари раҳбарлари, қўмиталарининг раислари киради.

Кенгаш палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади. Кенгаш қарори аъзоларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси таркибида, унинг депутатларидан ваколат муддатига сайланадиган қўмиталар муҳим рол ўйнайди.

Қонунчилик палатасида қоида тариқасида регламент, бюджет, банк ва молия масалалари, иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик, қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари, меҳнат ва ижтимоий масалалар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари, ҳалқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилди. Палата бошқа қўмиталарни ҳам тузиши мумкин. Қўмиталарнинг умумий сони қоида тариқасида ўнтадан ошмаслиги керак.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси муайян вазифаларини бажариш учун комиссиялар тузиш мумкинлиги кўрсатилган. Комиссия ҳам палата мажлисида депутатлар орасидан тузилади. Уни тузиш вақтида нима учун комиссия тузилаётганлиги, уни ваколатлари белгилаб қўйилади. Комиссия ўз вазифасини бажаргач ёки палата қарорига асосан фаолиятини тугатади.

Қонунчилик палатаси таркибий тузилмаларини депутатлар бирлашмалари ҳам ташкил этади. Палата депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосларга кўра фракциялар ва гурухлар шаклида депутатлар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Булар орасида фракция алоҳида ўринда тузилади. Фракция сиёсий партиялардан кўрсатиб сайланган депутатлардан партия манфаатларини парламентда ифодалаш мақсадида тузиладиган ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиладиган депутатлар бирлашмасидир. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялардан кўрсатилмаган депутатлар депутат гурухларини тузиши мумкин, масалан экоҳаракатдаги сайланган депутатлар. Депутатларнинг фракция ёки гурухга кириш тўғрисидаги қарори уларнинг мажлисларида кўриб чиқилади.

Депутат фақат битта фракция ёки гурухга аъзо бўлиши мумкин. Сиёсий партиядан кўрсатилган депутат фақат шу партия фракцияси аъзоси бўлиши мумкин. Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракция тузиши мумкин. Ҳозир Қонунчилик палатасида 4 та партия фракцияси ва битта партия гурухи фаолият кўрсатмоқда.

Фракция ва гурухларни тузиш, уларни фаолиятини ташкил қилиш, вазифа ва ваколатлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонун билан белгиланган.

**Сенат:** Конституция ва қонунларга асосан Сенат фаолиятининг ташкилий шакли унинг мажлисидир. Сенатнинг биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан Сенат таркиб топгандан кейин бир ойдан кечиктирмай чақирилади, мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси очиб, Сенат Раиси сайлангунча мажлисга раислик қиласиди. Сенат


доимий ишловчи палата эмас, унинг мажлислари заруратга қараб, лекин камида бир йилда уч марта ўтказилиши керак.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлисими ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, у Президент, Сенат Раиси таклифига биноан ёки Сенат аъзолари умумий сонининг учдан бир қисми таклифи билан чақирилиши мумкин. Сенат мажлисларида қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунлар маъқулланади ёки рад этилади, шунингдек Сенат ҳужжатлари қабул қилинади.

Сенат мажлиси агар унда сенаторлар умумий сонини ярмидан кўпи иштирок этаётган бўлса ваколатли ҳисобланади. Конституция қабул қилиш ва унга ўзгартириш киритиш, Конституциявий қонунлар қабул қилишда сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Сенат ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банк бошқаруви раиси иштирок этишлари мумкин.

## Схема



Сенат мажлисига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахassisлар ва олимлар, ОАВ вакиллари таклиф этилиши мумкин. Сенат мажлиси очик ва

ошкора ўтказилади. Зарур ҳолларда Сенатни қарори асосида ёпиқ мажлиси ўтказилиши мумкин. Сенат қонунчилик палатаси билан бирга қўшма мажлислар ўтказади. Бу ҳақда қонунчилик палатасига бағишланган қисмда батафсил тўхтаб ўтилган.

Сенат биринчи мажлисида Ўзбекистон Президентининг тақдимиға биноан Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколат муддатига Сенат Раисини сайлайди. Сенат Раиси ўз вазифасини бажариши даврида сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради. Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғини овози билан муддатидан илгари чақириб олиши мумкин.

Биринчи мажлисда Сенат Раиси билан унинг ўринbosарлари сайланади, ўринbosарлардан бири Қорқалпоғистон вакили бўлади.

Сенатни ички тузилмаси сифатида Сенат Кенгашини кўрсатиш мумкин.

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ташкил этиш учун Сенат Кенгаши тузилди. Унинг таркиби Сенат Раиси, ўринbosарлари, қўмиталарини раислари киради.

Кенгаш Сенат мажлислари оралиқларида, заруратга қараб тўпланади. Унинг қарори аъзоларининг умумий сонин кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси каби Сенат ички тузилишида қўмиталар алоҳида рол ўйнайди. Конституциянинг 87-моддасида Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши ва тайёрлаш, қонунлар ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларни ижросини назорат қилиш учун сенаторлар орасидан қўмиталар сайланиши белгиланган. Конституциянинг шу моддасида зарур бўлган вактда, муайян вазифаларни бажариши учун сенаторлар орасидан комиссиялар тузилиши кўрсатилган. Олий Мажлис Сенати қўмиталарини сайлаш, ваколатлари, ишини ташкил этиш, мажлислари, қарорлари, Сенат комиссиялари ҳақидаги масалалар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонун ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламени тўғрисида”ги Қонун билан батафсил тартибга солинган.

Олий Мажлиснинг ваколатлари палаталарнинг биргаликдаги ваколатлари асосида вужудга келади. Шунинг учун юридик адабиётларда, шу жумладан Конституция ва қонунларда ҳам асосан Олий Мажлис ваколатларининг палаталарининг биргаликдаги ваколатлари деган атама, тушунча ишлатилади.

Конституциянинг 78-моддаси, палаталарнинг биргаликдаги ваколатларини белгилаб қўйган. Унга асосан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартиба солиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартиба солиш, чегараларини ўзгартириш;
- туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;
- давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуқлари бўйича вакили ва унинг ўринbosарини сайлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- ҳалқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;
- парламент назоратини ва ушбу Конституцияядаги назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Олий Мажлис палаталарининг бу ваколатлари қоида тариқасида аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилиб ҳал қилинади. Зарур ҳолларда юқоридагилар Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисларида ҳам кўрилиши мумкин. Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги бу ваколатларини вазифа ва мақсадига қараб гурухларга бўлиш мумкин.

Биринчи, бу - қонунчилик соҳасидаги ваколатлар, бу Олий Мажлиснинг асосий вазифаларидан келиб чиқади. Конституция қабул қилиш, унга ўзгартириш киритиш, конституциявий қонунлар қабул қилиш ва уларга ўзгартириш киритиш палаталарнинг биргаликдаги ваколатидир.

Иккинчи, мамлакатни ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, жамият тараққиётига таъсир қилувчи энг муҳим масалаларда референдум белгилаш, ҳалқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш.

Учинчи, Давлат қурилиши соҳасидаги ваколатлари, буларга: қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти органлари тизими ва ваколатларини белгилаш; мамлакат таркибига янги тузилмаларни қабул қилиш ва чиқариш, мамлакатни маъмурий-ҳудудий тузилмасини белгилаш, марказий муассасаларни тузиш тўғрисидаги Президент фармонларини тасдиқлаш, Марказий сайлов комиссияси тузиш, Бош вазир номзодини кўриб чиқиши.

Тўртинчи, мамлакатни иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ ваколатлар, буларга: давлат бюджетини қабул қилиш ва ижросини назорат қилиш, солиқлар ва бошқа тўловларни жорий қилиш.

Бешинчи, мамлакатни хавсизлигин таъминлаш билан боғлиқ ваколатлар буларга: Президентнинг уруш ҳолати, умумий сафарбарлик, фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида фармонларни тасдиқлаш.

Олтинчи, назорат соҳасида вколатлари, буларга: давлат бюджетини бажарилишини назорат қилиш, Бош вазир ҳисботини эшлиши, Ўисоб палатасини ҳисботини кўриб чиқиш кабилар киради.

Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатларини амалга оширишда Президент, Вазирлар Маҳкамаси иштирок этади.

Олий Мажлис палаталари биргаликда Олий Мажлисга тааллуқли масалаларни ҳал қиласада, уларнинг ўзларининг ҳал қиласидаги мустақил масалалар, ваколатлари борлиги платаларнинг мустақиллигини кўрсатади. Бу хусусият жаҳон парламент тажрибасида мавжуд. Шунинг учун Ўзбекистон Конституциясининг 79-моддасида Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатида кўрсатилган. Бундай ваколатларга:

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатини дахлсизлик хуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

– ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Конституциянинг 80-моддасида Олий Мажлис Сенатининг ҳам мутлақ ваколатлари белгилаб қўйилган. Бундай ваколатларга:

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик хуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшлиши;

– ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

– сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Сенатнинг Конституцияда белгиланган мутлақ ваколатларини ҳам гурухларга бўлиб ўрганилса, уларни тушуниш осон бўлади.

Биринчи, Сенатнинг ўз фаолияти билан боғлиқ ваколатлари. Бунга: Сенат Раиси, раис ўринбосарлари, қўмиталар раислари, уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Бош прокурорнинг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик хуқуқидан маҳрум этиш масаласини ҳал қилиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Иккинчи, бошқа марказий давлат органлари таркибини тузиш билан боғлиқ ваколатлар. Бунга: Президент тақдимига биноан Конституциявий судни сайлаш; Президентни тақдимига биноан Олий хўжалик судини сайлаш; Президент тақдимига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини, Марказий банк бошқаруви раисини, чет даавлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, Бош прокурорни, Ўисоб комиссиясини раисини, Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва озод қилиш тўғрисидаги Президент фармонини тасдиқлаш.

Учиничи, парламент назорати бўйича ваколатлар. Бунга: Бош прокурорнинг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Марказий банк бошқаруви раисининг ҳисботини эшлиши.

Тўртинчи, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинлиги билан боғлиқ ваколатлари. Бунга: Президент тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги хужжатларни қабул қилиш.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида парламент фаолиятининг тутган ўрни бекиёсdir. Хуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида республикамизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маърифий-маданий ислоҳотларнинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлашда парламент қонун ижодкорлик, назорат-таҳлил ва мувофиқлаштириш каби йўналишларда ўз фаолиятини амалга оширади<sup>26</sup>.

---

<sup>26</sup>Parliament and Democracy in the Twenty-first century: A Guide to Good Practice. Inter-Parliamentary Union, - Geneva. 2006

#### **4.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимиятининг олий органи.**

Давлат ҳокимияти тизимида ижроия ҳокимияти алоҳида ўринга эга. Ижро ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлиб ўз вазифасига эга. Ижро ҳокимияти қонунчилик ҳокимиятидан фарқ қилиб юқори ва маҳаллий органлар тизимидан ташкил ва қўйидан юқоригача вертикал асосда бўйсуниш принципида жорий қилинади.

Жаҳон давлатчилик тажрибасида юқори ижро органи сифатида ҳукумат эътироф этилади. Айрим мамлакатларда ижро ҳокимияти Президент ва ҳукумат томонидан, айрим мамлакатларда фақат ҳукумат томонидан амалга оширилади. Ҳукумат юқори ижро органига нисбатан ишлатиладиган атама бўлиб, ҳукумат турли мамлакатларда турли номлар билан аталади, масалан: Вазирлар Кенгаши, Давлат Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ёки тўғридан тўғри ҳукумат деб аталади. Уни бошлиқларини ҳам номи хар хил: Ҳукумат раиси Бош вазир, Вазирлар Кенгаши Раиси, Канцлер ва хоказо. Лекин барча мамлакатларда ҳам ҳукумат коллегиал орган сифатида иш юритади.

Ҳукуматни мавқеи ҳам давлат бошқарув шаклларига қараб хар хил. Парламентлар республикаларда ёки монархия давлатларида ҳукуматнинг мавқеи анча юқори ва мамлакатини ички ташқи сиёsat юритишда асосий ўрнини эгаллайди. Уларнинг мавқеи ҳам Конституцияда юқори даражада мустаҳкамланган. Масалан, Швеция Конституциясида “Давлатни ҳукумат бошқаради” деб кўрсатилган бўлса, Испания Конституциясида “Ҳукумат ички ва ташқи сиёsatга раҳбарликни амалга оширади, давлат муҳофазаси, Қуролли Кучлар ва фуқаролик ишларини бошқаради” - деб мустаҳкамланган. Бу шу давлатларда ҳукумат ролини нақадар юқори эканлигини кўрсатади.

Президентлик ва бошқарувини аралаш шаклидаги мамлакатларда эса ҳукуматни роли Президент ҳокимияти таъсирида эканлиги билан белгиланади. Бундай мамлакатларда давлат ҳокимиятида ҳам ижро ҳокимиятида ҳам Президент ролининг устиворлиги мавжуд. Ҳукумат тўлалигича Президент таъсирида бўлади, Президентга нисбатан таъсир этувчи хеч қандай ваколати йўқ.

Шулар асосида хulosа чиқарсак, ҳукумат - ижро ҳокимиятини амалга ошириш натижасида давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларига раҳбарлик қиласидиган, давлат бошлиғи ва парламентнинг ҳужжатларини (қонун, қарор, фармон, фармойиш) ижросини таъминловчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи давлат ҳокимиятининг энг кучли коллегиал органидир.

Ўзбекистонда ҳукумат – Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаклланиши, Ўзбекистон мустақиллиги, Президент институтини вужудга келиши билан боғлиқ. Мустақиллик арафасида, собиқ иттифоқнинг охирги йилларида Президентлик институти ўрнатилиб, ижро ҳокимиятини мустаҳкамлашга

харакат қилинган вақтда хукуматни қайта ташкил қилиш учун ҳам самарали харакатлар амалга оширилди.

## Схема



1990-1992 йилларда Президент лавозими ташкил қилиниб, унинг ишлаш механизмлари шакллантириш жараёнида Президент ҳокимияти билан шу вақтдаги ҳукумат ҳисобланувчи Вазирлар Кенгаши бирлаштирилди ва Президент хузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Президент бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади, бунинг оқибатида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бирлаштирилди. Бу шу вақтдаги тўғри йўл эди. Шу даврда Вице-Президент лавозими таъсис қилиниб, унга Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш ва уни ишини уюштириш вазифаси юкланди. Кейинчалик бу лавозим 1992 йил 4 январда тутатилди ва Бош вазир лавозими таъсис этилди. Бош вазирга Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилиш ва уни ишини йўналтириш, ташкил қилиш вазифасини юкланди.

2000 йиллардан бошлаб Республикада давлат қурилиши ва бошқарув соҳасида чуқур ислохотлар бошланди. Ҳокимият бўлининиши принципни чуқурлаштириш чоралари кўрилди. Президент, Парламент, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини қайта тақсимлаш, зарурати вужудга келди. 2003 йил 24 апрел Конституцияга киритилган ўзгартериш ва қўшимчалар асосида Президентининг Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳисобланиши ҳақидаги қоида Конституциядан чиқариб ташланди. Бу билан Бош вазир мавқеи кучайди, у энди Вазирлар Маҳкамаси раҳбари бўлиб қолди. Шу билан бирга унинг масъулияти ҳам кичрайди.

Шундан кейин ҳам Вазирлар Маҳкамасини мустақиллигини кенгайтириш, Бош вазир мақомини кучайтириш ишлари давом этди.

2005 йилда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нутқида Ўзбекистон Президенти давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифалар қаторида Бош вазир ва умуман мамлакат хукуматининг ролини ва шу билан бирга масъулиятини кучайтиришни ҳам кўрсатди<sup>27</sup>.

2007 йил 11 апрелда қабул қилинган қонун асосида Конституцияга киритилган ўзгартиришлар ва шу пайтда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунда Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир фаолиятига катта таъсир кўрсатувчи қоидалар мустаҳкамланди. Уларга асосан Конституциядан Президентнинг ижро ҳокимияти бошлиғи деган қоида чиқариб ташланди. Бу Вазирлар Маҳкамасини мусатқил ижро ҳокимиятини амалга оширувчи орган сифатида фаолият кўрсатишига, Бош вазир мавқеини ошишига, шу билан бирга уларни масъулиятини ҳам ошишига олиб келди.

Президентнинг ижро ҳокимияти бошлиғи мавқеини бекор бўлиши, ҳокимият бўлишини принципини кенгроқ қўллаш, барча ҳокимият тузилмаларини тенг мавқега эга бўлиши учун имконият яратди.

Ўзбекистон Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма маслисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ҳақидаги маъruzасида Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш шу мақсадда Конституцияга киритилиши зарур қоидалар хусусида батафсил кўрсатиб берилди. Бу ишларни амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазирнинг мавқеини янада кучайтириш, шу билан бирга уларни масъулиятини оширишни назарда тутди.

Концепция асосида 2011 йил 18 апрелда Конституцияга ўзгартиришлар киритилди. Унинг натижасида Конституциянинг Вазирлар Маҳкамасига тааллуқли 98-моддаси янгича таҳрирда баён қилинди ва Бош вазирни парламент олдида ҳисоб бериб туриши ўрнатилди, бу эса Вазирлар Маҳкамаси фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришни назарда тутди. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби ўрнатилди. Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги кенгайтирилди, масалан, Президент Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи ҳар қандай маслалар юзасидан қарор қабул қилиши мумкин деган қоида чиқариб ташланди. Буларнинг барчаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти тизимидағи ўрнини янада аниқлаштириб бир томондан, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазирнинг

<sup>27</sup> Қаранг: Каримов И.А. Бизни бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. Т.: Ўзбекистон, 2005, 36-37-бетлар.

мавқеини ваколатларини ошириши, иккинчи томондан уларни масъулиятини кучайтиришга олиб келади.

2014 йилнинг 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига навбатдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тартибга солувчи Конституциянинг 98-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Ушбу моддада Вазирлар Маҳкамасининг асосий вазифалари, Бош вазирнинг ваколатлари ва бошқа бир қатор қоидалар мустаҳкамланди.

Шундай қилиб, Вазирлар Маҳкамасини Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрнига эга, ижро ҳокимиятини амалга оширувчи энг юқори орган – мамлакат ҳукумати ҳисобланади.

*Маълумот учун<sup>28</sup>:*

Айrim хорижий мамлакатларда Бош вазир институти борасида кўп асрлик тарихий тажрибалар тўпланган. Жумладан, Буюк Британияда давлат ҳокимиятининг асосий юраги Бош вазир ва Кабинетдир. Ушбу Бош вазир ва Кабинетнинг ўзаро ҳамкорлигидаги ҳокимият тузилмаси XVIII асрдан бери амалда бўлиб келмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда дастлабки даврлардан ҳукумат - Вазирлар Маҳкамасини шакллантиришда Президент ва Олий Совет, кейинчалик Олий Мажлис иштирок этиб келади. Лекин уларнинг ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки ўзгариб борган.

Дастлаб ҳукумат аъзолари Президент томонидан тайинланган ва лавозимдан озод қилинган ва бу масала албатта парламентда тасдиqlаниши белгиланган.

Кейинроқ, Президент Бош вазир номзодини Олий Мажлисга тақдим этиш ва лавозимидан озод қилиш тартиби ўрнатилди. Ҳукумат аъзолари Бош вазир тақдимига кўра Президент томонидан тайинланиб, лавозимидан озод қилиш тартиби ҳам мавжуд эди.

2007 йил 11 апрелдаги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун Вазирлар Маҳкамасини аникроғи Бош вазирни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиниши янги, янада демократик тартибни жорий қилди. Унинг 4-моддаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби деб номланади ва унга кўра Бош вазир номзоди Олий Мажлис палаталарининг мансабдор шахслари сайлангандан ва органлар шакллантирилгандан кейин бир ой ичida Ўзбекистон Президенти томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларини ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гурухлардан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашув ўтказилгандан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ва

<sup>28</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 259

тасдиқлаши учун тақдим этилади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари умумий сонини кўпчилик овозини олган номзод Бош вазир этиб тасдиқланган ҳисобланади.

Овоз бериш вақтида қўйилган номзод Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг қўпчилик овозини ололмаса, Президент сиёсий партия фракциялари ва депутатлар гуруҳи билан маслаҳатлашувлар ўтказгандан сўнг Бош вазир номзодини яна икки марта тақдим қилиши мумкин. Палаталар тақдим этилган номзодни уч марта рад этган тақдирда Президент Бош вазир вазифасини бошқарувчини тайинлайди ва Олий Мажлиснинг ёки унниг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Бундай тартибнинг ўрнатилиши **биринчидан**, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришини, **иккинчидан** шу орқали Қонунчилик палатасининг ролини кенгайтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да Вазирлар Маҳкамасини шакллантиришни, Бош вазирни лавозимга тайинлашни янада демократик, жаҳон давлатчилик тажрибаларига мос тартибини ўрнатиш зарурлиги ҳақида ғояни илгари сурди ва бу борада Конституцияга киритиш зарур бўлган ўзгартириш, қўшимчаларни белгилаб берди. Концепция кўрсатмалари асосида Конституцияга ўзгартиришлар киритилди. Унга асосан:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни қўриб чиққандан кейин ўн кун муддат ичida уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди қўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиниг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Конституцияга киритилган бу қўшимча ва ўзгартиришларнинг мазмунидан қуйидагилар келиб чиқади:

- Бош вазир номзоди энг аввало сайловларда ғолиб чиқсан (кўп депутатлик ўрнини олган) сиёсий партияга ёки тенг микдорда ўринлар олган сиёсий партиялар томонидан танланиб, Президентга Олий Мажлисга тақдим этиш учун тавсия қилинади;

- Президент Олий Мажлисга сиёсий партия ёки сиёсий партиялар томонидан тавсия қилинган номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ўн кунлик муддатда тақдим этади;

- Бош вазир лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади;

Бош вазир номзоди палаталар томонидан икки марта рад этилган тақдирда, Президент Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади.

Конституцияга киритилган бу ўзгаришлар сиёсий партияларнинг ролини янада оширишни, Конунчилик палатаси мавқеини кучайтиришни назарда тутади.

Амалдаги Конституцияга асосан Вазирлар Маҳкамаси таркиби, Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси хукуматининг бошлиғи (Вазирлик Кенгаши Раиси) лавозимида кўра, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

*Кўшимча маълумот<sup>29</sup>:*

Хорижий мамлакатларда жумладан, Буюк Британия Бош вазирнинг хукумат аъзоларини тайинлашининг ўзига хос хусусияти мавжуд. Масалан, Буюк Британияда Бош вазир юқори мавқега эга бўлган давлат хизматчиларини лавозимида тайинлайди.

Конституцияга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётни, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармоишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси шу вазифаларни бажариш учун тегишли ваколатларга эга бўлиб, унинг ваколатлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги (янги таҳрири) қонунда белгилаб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

барқарор иқтисодий ўсишни, макроиктисодий мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва таркибий ўзгартериш бўйича чоралар кўради;

<sup>29</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 261

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солик ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш прогнозларини ҳамда энг муҳим дастурларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилишини ва ижро этилишини ташкил этади;

иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, техник, технологик жиҳатдан модернизация қилиш ва диверсификациялаш дастурларини, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, энг аввало хусусий мулкни ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини стратегик ва иқтисодий жиҳатдан асосланган миқдорларгача қисқартириш, кенг кўламда хусусийлаштириш асосида шарт-шароитлар яратади, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини ва инвестициялаш шароитларини яратиш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш бўйича чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш, банк ва бошқа молия институтларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

аграр секторда бозор муносабатларини ривожлантириш ва замонавий технологияларни жорий этиш, мелиоратив ва ирригация тармоқларини ривожлантириш, ер ресурсларининг сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

давлат бошқаруви усулларини такомиллаштиради, шу жумладан электрон ҳукumat принциплари асосида такомиллаштиради, бозор принципларига асосланган хўжалик бошқаруви ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принциплари ва усуллари жорий этилишини рағбатлантиради;

давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини, идораларини ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқади; таълим тизимини ривожлантиришни, унинг сифати ва самарадорлигини оширишни таъминлайди, узлуксиз таълимдан кенг кўламда фойдаланиш учун шароитлар яратади, илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини бажариш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, аҳолининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи принципларини жорий этиш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, маданий қадриятлардан кенг кўламда фойдаланишни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётда тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этишига кўмаклашади;

иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва пенсия таъминоти тизимлари фаолият кўрсатишини таъминлайди, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга кўмаклашади, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича чоралар кўради;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўtkазиш ҳамда республика аҳамиятига ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, йирик авариялар ва ҳалокатларнинг, шунингдек табиий оғатларнинг оқибатларини тутатиш юзасидан чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, давлат чегараларини қўриқлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартномалар тузади, уларни ижро этиш чораларини кўради;

ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

Бу ваколатларни амалга ошириш механизмлари ва усуллари соҳа бўйича қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Юқорида тилга олинган қонунда Вазирлар Маҳкамасининг давлат ва хўжалик органларига раҳбарлигининг умумий масалалари ҳам белгилаб қўйилган. Унга асосан, Вазирлар Маҳкамаси:

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий девони ходимлари сонини ва улар таъминотига ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини йўналтириш, мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилишдан ташқари шу тузилмаларнинг фаолиятини назорат қилиш ваколатга эга.

Вазирлар Маҳқамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларнинг ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш хукуқига эга.

Вазирлар Маҳқамаси коллегиал орган бўлгани учун унинг ваколатлари мажлисида амалга оширилади.

Давлат бошқарувининг, хўжалик ва ижтимоий маданий қурилишининг энг муҳим масалалари Вазирлар Маҳқамасининг мажлисларида ҳал этилади. Вазирлар Маҳқамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўtkaziladi. Вазирлар Маҳқамасининг мажлисларини Бош вазир ўtkazadi.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳқамасининг мажлисларида раислик қилишга хақли. Вазирлар Маҳқамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўtkaziш тартиби Вазирлар Маҳқамасини Регламенти билан белгиланади. Вазирлар Маҳқамаси мажлисларида ҳал қилинадиган масалалар доираси ҳам қонунда белгилаб қўйилган.

Вазирлар Маҳқамаси ваколат доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қиласи.

Вазирлар Маҳқамасининг норматив тусдаги ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳқамасининг қарорлари шаклида қабул қилинади. Вазирлар Маҳқамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалари бўйича қарорлари Вазирлар Маҳқамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳқамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳқамаси қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга хақли. Вазирлар Маҳқамасининг қарорлари ва фармойишлари агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳқамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳқамаси ижтимоий соҳанинг барча тармоқларига раҳбарликни амалга оширадар экан, мавжуд барча турдаги ҳокимият тузилмалари, давлат органлари, ташкилот, муассасалар билан ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи, тегишли муносабатлар ўрнатади.

Вазирлар Маҳқамасининг Ўзбекистон Президенти билан муносабати алоҳида ўrniga эга. Президент Вазирлар Маҳқамаси мажлисларига

раислик қилиш ҳуқуқига эга, юқорида айтилганидек уни шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабати ҳисобдорликка яъни, Президент олдида ҳисоб беришга масъул эканлигига асосланади. Вазирлар Маҳкамаси асосий масалаларни ҳал қилишда Президент билан маслаҳатлашади. Президент Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойишларини, Бош вазир фармоишларини бекор қилиши мумкин.

Давлат хаётида Вазирлар Маҳкамасини Олий Мажлис билан муносабати алоҳида аҳамиятга эга.

## Cxema



Янги шакллантирилган Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекитон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий кўрсатгичларини ва унга киритилган ўзгартиришларни ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси муайян аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотни эшитишлари ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиш учун таклиф киритишилари мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари мажлисларида, палаталарнинг қўмиталари мажлисларида ҳозир бўлиш ва ахборот беришга хақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг муайян аъзолари фаолиятига тааллуқли масалалар қўйилган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар олиш ва тушунтиришлар беришга хақли.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижаси ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли қўмиталарига келишилган муддатда маълум қиласди.

Вазирлар Маҳкамаси – ҳукумат тутган йўлини ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмаган сиёсий партия фракциялари ёки депутатлар грухи ҳукуматга нисбатан ўзини муҳолифот деб эълон қилиши мумкин.

Конституцияга киритилган охирги ўзгартиришлар асосида Бош вазир ва Конунчилик палатасидаги ихтилофлар доимий тус олса, бу Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилишига, у эса Вазирлар Маҳкамасининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

Парламент сўровига жавоб бериш тартибини мавжудлиги ҳам Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатларини кўрсатувчи бир ҳолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасидан, Конунчилик палатаси депутатларидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатидан, Сенат аъзосидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ёки унга бўйсунувчи давлат ёхуд хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятига доир парламент сўрови олган Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоси қонун билан белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палаталарнинг мажлисларида оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шарт.

Олий Мажлис билан Вазирлар Маҳкамасининг муносабати Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис олдида ҳисобдорлиги, масъуллиги асосига курилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Республика ҳукумати сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан муносабат ўрнатади.

Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қиласди, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг ҳамда Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда хўжалик ва ижтимоий маданий қурилиш масалаларига доир бошқа ҳужжатлар қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумотларини эшитади.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари томонидан тармоқларабо ва минтақавий ўта муҳим комплекс дастурларини амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикаси хуқуqlарига риоя этилишини таъминлайди, бунда чиқиб қоладиган баҳсли масалаларни ҳал этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекитсон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини ўз ваколати доирасида тўхтатиб қўйиш хуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожлантиришга, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилишга тааллуқли масалалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий ваколатхонаси фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси Республикадаги барча маҳаллий ижро органлари билан яқиндан муносабат ўрнатади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:  
худудларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантирилишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларга доир таклифларини кўриб чиқади. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг бажарилиш жараёнини назорат қиласи, уларнинг амалга оширилиши юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф қилиш ҳамда уларнинг ахборотларини эшитишига хақли.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Бунда чиқиб қоладиган баҳсли масалаларни ҳал этади.

худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари тасдиқлайди маҳаллий ижро этувчи ҳокимият девонининг сони ва намунавий тузилмасини белгилайди.

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонун хужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб қўйиш ҳамда уларни бекор қилишга хақли.

Бу муносабат Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарлиги, устунлиги маҳаллий органларни Вазирлар Маҳкамасига бўйсуниши, уни олдида ҳисоб бериши принципларига асосланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, уларга зарур ёрдамлар кўрсатади.

2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ва ида “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунда Бош вазирни лавозимидан озод этиш тартиби назарда тутилган.

Миллий қонунчилигимизда биринчи марта қандай ҳолларда Бош вазирни лавозимидан озод этиш асослари ва тартиби аниқ белгиланди. Бу Бош вазир масъулиятини қучайишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод этилади. Бош вазирни лавозимидан озод этилишини асослари сифатида қуидагилар белгиланган:

- Бош вазирни истеъфога чиқиш тўғрисида берган аризаси. Бош вазир ўз хоҳишини билан лавозимидан озод қилишни сўраб, Президентга мурожаат қилиш хуқуқига эга. Бундай ариза беришнинг сабаблари кўп бўлиши мумкин. Унинг соғлигини ёмонлашгани, қилаётган ишидан ўзи қониқмаслиги, янгича шароит ва талабларга жавоб бермаслиги, ёшини улғайиб боришини, бошқа ишга ўтиш истаги, ишда йўл қўйган камчиликларга ўзи икрор бўлиши ва хоказолар;

- Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолганда. Бунда ҳам унинг соғлиги бошқа ерга яшаш учун кетиши, оилавий сабаблар ва бошқалар бу ҳолатни келтириб чиқариши мумкин;

- Вазирлар Маҳкамаси тартибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча маротаба Ўзбекистон Конституциясига, қонунларига, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

- Вазирлар Маҳкамаси коллегиал орган. Ундаги ҳамжихатлик, бирдамлик муваффақиятли фаолият гаровидир. Хукуматдаги ҳар қандай ихтилоф инсонлар тақдирига, мамлакат тақдирига, ривожланишига салбий таъсир қиласи. Ихтилоф вужудга келиши эса Бош вазир ўз фаолиятини етарли бошқара олмаётганлигидан далолат беради.Хукумат фаолиятида

ихтилоф вужудга келса, бунда биринчи навбатда Бош вазир айбдор. Бундай шахс шундай юксак лавозимга номуносидир;

- Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига Бош вазирни лавозимидан озод қилишни кўриб чиқиши учун киритган тақдими асосида. Бундай қоиданинг киритилиши Конунчилик палатасининг, сиёсий партияларнинг мавқеини оширади. Бош вазир масъулиятини кучайтиради. Сиёсий фракцияларнинг бундай ташаббуси Конунчилик палатасидаги етакчи сиёсий партиялар фракцияси томонидан қўллаб қувватланса ва ташабbus Президент томонидан Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонини учдан икки қисмидан қўпроғи овозини олса, Президент Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қиласди. Бу моддадаги Бош вазирни лавозимидан озод этилиши тартибида алоҳида жиҳатлар мавжуд. Агар Бош вазирнинг аризаси бўйича Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган ҳолатда, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, Вазирлар Маҳкамаси Конституция, қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишларига зид қарорлар қабул қилган ҳолатда Бош вазир Президент томонидан тўғридан тўғри вазифасидан озод қилинса, Бош вазирни лавозимидан озод қилиш ташаббуси билан сиёсий партиялар фракциялари чиқсан вақтда бу масала Олий Мажлис палаталарига қўйилиб, етарли овоз олгандагина Бош вазир Президент томонидан лавозимидан озод қилинади. Яъни бунда Бош вазирни лавозимидан озод қилиш асоси партия фракцияларининг ташаббуси ва Олий Мажлис палаталарининг шу ташабbusни қўллаб қувватлаши ҳисобланади.

### Схема



- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинган Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда. Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

## Схема

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати — Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир

Ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир

Ўз фаолиятида коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади

Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпогистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради

Давлат бошқаруви органлари тизимиға ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимиға бошчилик қиласди, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди

Бош вазир қандай ҳолатда вазифасидан озод этилмасин бу хукуматнинг тўла таркибида истеъфога чиқишига сабаб бўлади. Чунки хукумат аъзолари Бош вазир тақдими билан Президент томонидан тайинланади. Янги Бош вазир хукумат аъзоларини янгитдан тақдим қилади. Бу дегани барча хукумат аъзолари янгиланиши керак деган маънони бермайди. Янги Бош вазир аввалги хукумат аъзолари орасидан ҳам тегишли лавозимларга тақдим қилиши мумкин. Бундай тажрибалар хорижий мамлакатлар давлатчилигига қўлланилади.

#### **4.4. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти**

Суд ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи сифатида барча демократик мамлакатларда эътироф этилган. Собиқ тузумда суд социалистик тузим ҳимоячиси сифатида намоён бўлиб, ундан ҳар қандай демократик чиқиш ва ҳаракатларни жазолаш воситаси сифатида фойдаланилган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб, судларни алоҳида мустақил ҳокимият тармоғи сифатида вужудга келтириш учун ҳаракатлар бошланди.

“Суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда, у қонунлар устунлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаши лозим”<sup>30</sup> – деб мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларида эътироф этган эди Республика Президенти.

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда, суд ҳокимиятини мустақил ҳокимият сифатида ўрнатишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳон мамлакатлари тажрибаси ўрганилди. Суд ҳокимиятини ташкил этиш, давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ажralmas қисми деб қаралди.

“Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг асосий таянчидир” – деган ғоя Конституциянинг 11-моддасида асосий принцип сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон мустақиллиги, давлат ҳокимиятини жаҳон тажрибасида қўллаб келинган принципларини қўллаш натижасида Конституцияда судни тоталитар тузум, ундаги ҳукмрон партия манфаатига хизмат қилувчи воситадан, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқий давлатнинг муҳим воситасига айлантириш учун имконият вужудга келди ва Конституцияда мустаҳкамланди.

Лекин Конституция ёки бошқа қонунларда масалани белгилашни ўзи муаммони ҳал қилмас эди. Судни ҳақиқий ҳокимият органига, мустақиллигига, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоячисига айланиши учун катта ишларни амалга ошириш зарур эди. Бунинг учун суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш зарурлиги белгиланди ва босқичма-босқич ислоҳотлар амалга

<sup>30</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 7-бет.

ошириб борилди. Унинг натижасида суд ҳокимиятининг назарий асослари, ҳуқуқий асослари шаклланиб, кучайиб борди.

Энг аввал суд ҳокимияти ўзи нима деган саволга жавоб бериш лозим эди, чунки, шу асосда суднинг ҳокимият тизимидағи ўрнини аниқлаш, у ҳақда аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин эди.

*Маълумот учун<sup>31</sup>:*

*Хорижий мамлакатларда ягона мамлакатда бир-биридан фарқланувчи суд тизимиларини ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Буюк Британияда бир-биридан фарқ қилувчи Англия, Шотландия ва Шимолий Ирландия суд тизими мавжуд. Ушбу суд тизимлари Аппеляция институциясидан ташқари бошқа барча ҳолатларда бир-биридан фарқ қиласиди<sup>1</sup>.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумларидан бирида суд ҳокимиятини тушунчасига қуидагича таъриф берилди. “Суд ҳокимияти – бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуверлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ваколатидир”

Бу таъриф тўла суд ҳокимияти вазифаларини қамраб олмаган бўлсада, дастлабки уринишлардан бўлганлиги учун, уни ижобий баҳолаш мумкин. Албатта, суд ҳокимиятига таъриф беришда судни (Конституциявий суд) қонунларни Конституцияга мос келиши (Конституция ҳимоясини), судларни фуқаролар ҳуқуқи, шаъни, қадрқимматини ҳимоя қилиш асосий вазифаси эканлиги эътиборга олиниши керак.

Суд ҳокимиятининг шаклланишида 1993 йил 6 майда қабул қилинган, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги қонунлар муҳим рол ўйнади.

Суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, уни мустақиллигини таъминлаш масаласи доимий равишда давлат бошлигининг эътиборида бўлди. Деярли барча асосий маъruzalарида давлат бошлифи бу масала хусусида тўхталиб ўтди.

1996 йил 29 августдаги Олий Мажлис сессиясидаги маъruzасида Президент суд ислоҳотларига алоҳида тўхталиб, шу муносабат билан нималар қилиш кераклигини очиқ кўрсатиб берди.

Ислоҳотлар доирасида олиб борилган ишлар натижасида судларнинг ҳуқуқий асослари такомиллашди, қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Судларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида ташкилий ишлар ҳам амалга оширилди.

1997 йил 12 сентябрда Президент ташаббуси билан Ўзбекистонда судьялар қурултойи чақирилиб, унда Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси

<sup>31</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 362

таъсис этилди ва низоми тасдиқланди. Унда Ассоциациянинг энг муҳим вазифаси Республикада суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш деб белгилаб қўйилди. Бу уюшма ташкил бўлганлигидан бошлаб суд ислоҳоти бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси судлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига асосан судлар ихтисослаштирилди. Фуқаролик судлари вужудга келди. Бу ҳам суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, уларни мустақиллигини таъминлашдаги катта тадбир бўлди.

Судларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигини судьяликка кадрлар тайёрлаш, тавсия қилиш ваколатига барҳам берилди. Судьяларни мустақиллигини таъминлаш мақсадида 1999 йил 30 июнданги Президент фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил қилинди.

2000 йил 4 майдаги Президент фармонига кўра, бу комиссия “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий Малака Комиссияси”га айлантирилди.

Судьялар мустақиллигини таъминлашда 2001 йил 22 сентябрда ҳукумат қарори билан ташкил этилган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Суд қарорларини ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти” муҳим воқеа бўлди. Бу судларни иқтисодий томондан маҳаллий давлат органларига қарамлигига барҳам берди.

Президент 1999 йил 14 апрелдаги Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида суд-хуқук соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласига алоҳида тўхтади ва шу мақсадда адвокатурани кучайтириш, унинг мақомини прокуратурага тенглаштириш, суд жараёнида прокурор билан адвокатни тенг асосда иштирокини таъминлаш, судьялар ҳар ишни томонларнинг фикрини ҳолисона баҳолаб қарор чиқариши зарурлиги, шундагина кишилар судни жазоловчи орган эмас фуқаро манфаатларини ҳимоя қилувчи орган деб қарashi мумкинлигини баён қилди.

2000 йил 22 январда Олий Мажлис сессиясида сўзлаган маърузасида Президент мамлакатимизда олиб борилиши керак бўлган етти муҳим вазифани (йўналишни) кўрсатар экан, бешинчи вазифа сифатида “Суд-хуқук соҳасида қилинадиган ишларни кўрсатиб берди”. Бу ерда суд ислоҳотлари, амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш билан қўшиб олиб борилиши зарурлиги кўрсатилди.

Шундан сўнг, жиноят қонунларига, маъмурий қонунчиликка, процессуал қонунчиликка купгина ўзгартиришлар киритилди. Жазо тизими эркинлаштирилди.

2002 йил 29 августда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг сессиясида, Президент мамлакатимизда олиб бориладиган энг муҳим ислоҳотларни белгилаб берар экан, олтинчи устувор йўналиш – бу суд-хуқук соҳасини

ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни давом эттиришдан иборат – деб таъкидлаб, қилиниши зарур бўлган ишларни аниқ кўрсатиб бериб, “Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар” деб қайд қилди.

Президентнинг 2005 йил Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён қилинган қўрсатмаларнинг суд-хукуқ соҳасини ислоҳ қилишда, фуқаролар хукуқларини ҳимоя қилишда аҳамияти каттадир.

Маърузада суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга алоҳида эътибор бериш қайд қилинар экан, ўтган йиллар давомида суд-хукуқ тизими қурилмасининг мутлақо янги Конституцияси амалга жорий қилингандиги эътироф этилди. Суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида:

- Судларни ихтисослашуви амалга оширилганлиги;
- Суд ишларини апелляция ва кассация тарзда кўриш институтларини жорий этилганлиги;
- Тергов – суриштирув ва кишиларни хибсда сақлаш муддатларининг қисқарганлиги, ишларни судда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланганлиги;
- Суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик механизмни яратилганлиги;
- Суд қарорларини ижросини кучайганлиги (бунда департаментнинг роли);
- Прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини чеклаш бўйича қонун нормаларига ўзгартиришлар киритилганлиги;
- Суд жараёнида прокурор ва адвокат хукуқларини тенглаштирилганлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, судларнинг ваколатини кенгайтириш, мустақиллигини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Жумладан:

- прокуратура ваколатларини бир қисмини судга ўтказиш;
- шахсни ушлаб туриш, хибсга олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш хукуқларини судларга ўтказиш кераклиги;
- жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш зарурлиги ва бошқалар.

Буларнинг ҳаммаси қонунчиликда ўз ифодасини топди. Натижада фуқароларни ушлаб туриш, хибсга олишга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди, жазолар тизимидан ўлим жазоси бутунлай чиқариб ташланди.

Судья кадрларни танлаш, тавсия қилиш масаласини янада такомиллаштириш учун 2006 йил 17 марта Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судъяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” фармони қабул қилинди.

Мамлакат Президентининг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш концепцияси” суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш йўлларини, чора-тадбирларини белгилаб берди. Концепцияда олиб борилган тадбирлар натижасида суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорат ва таъсиридан чиқариш имконинини берганлиги алоҳида таъкидланди.

Ислоҳотлар натижасида, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Судларда иш кўришдаги ўзгаришларга мувофиқ, апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқиши юбормасдан, уни ўзи холисона кўриб чиқиши мумкин бўлди. Прокурор ва адвокат тенглиги таъминланиб бормоқда. Ислоҳотларнинг энг муҳим натижаси бу қонунчиликни янада либераллаштиришни ва инсонпарварлик тамойилига мувофиқлаштириш бўлди. Энг муҳими “Ҳабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008-йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоқقا олишга санкция бериш хуқуқи прокуратурадан судга ўтганлиги принципиал қадам бўлди.

Концепцияда кўлга киритилган ютуқларни санаб ўтиш билан чекланмай, келажакда суд ҳокимиятини янада кучайтириш, судни чинакам мустақиллигини таъминлаш учун қилинадиган аниқ ишлар (тадбирлар) белгилаб олинди.

Суд ҳокимиятининг тизими алоҳида вазифаларга ҳамда умумий вазифалари мавжуд, тегишли ваколатларга эга алоҳида суд органларининг тизимидан иборат. Суд органлари қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан фарқ қилиб, алоҳида мақсадда тузилган суд органларидан ҳамда Олий ва маҳаллий суд органларидан иборат ва уларнинг барчаси бирлашиб ягона суд ҳокимиятини ташкил қиласди.

Конституциянинг 107-моддасида суд ҳокимиятини амалга оширувчи суд органлари тизими белгиланган. Унга асосан, “Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жинолят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат”.

**I. Демак суд ҳокимиятнинг мустақил тармоғи “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди” ҳисобланади.** Унинг фаолияти Конституциядан ташқари, маҳсус қонунлар билан тартибга солинади.

Конституциявий суд факат марказда (Республика миқёсида) тузилиши билан (қуйи тузилмаларда йўқ), вазифа ва ваколатларига қараб, таркибий тузилишига кўра суд ҳокимиятининг бошқа икки тармоғи -

умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларидан фарқ қиласди.

Конституциявий суднинг асосий вазифаси, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг хужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Бошқача қилиб айтганда у Конституциянинг асосий ҳимоячисидир.

Конституциямизнинг 109-моддасига асосан, Конституциявий судга яна қуидаги вазифалар юкланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хulosса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий суднинг фаолияти, ваколатлари, иш юритиш, ташкил бўлиш тартиби, таркиби “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Схема




**II. Суд ҳокимиятининг таркибига кирувчи иккинчи тармоқ суди – бу умумий юрисдикция судлариdir.** Бу суд тармоғи ўз тизимиға эга, уни Ўзбекистон Республикаси Олий суди бошқаради. Конституциянинг 110-моддасига асосан, “Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманларарабо, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг бу нормаси тегишли суд тизимини, унда Олий суднинг ўрнини, қисқача суднинг вазифа ва ваколатларини белгилаб қўйган. Умумий юрисдикция судлари тизимини қўйидаги кўринишда аниқроқ тасаввур қилиш мумкин.



Бу судларнинг вазифа ва ваколатлари “Судлар тўғрисида”ги қонунда кенг берилган.

Қонуннинг 2-моддасида суднинг вазифаси белгилаган, унга асосан суд – “Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган”<sup>32</sup>.

Кўриниб турибдики, бирор ерда судга жазолаш вазифаси юкламмаган у фақат фуқаро ва муассасаларнинг хуқуқларини ҳимоя қиласди. Судга бундай вазифа юкланиши хуқуқий давлатга хос хусусиятдир. Қонунда судларнинг ваколатлари, таркиби, иш юритиш шакли ва принциплари батафсил белгилаб қўйилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтиришдир.

**III. Хўжалик судлари.** Фуқаролик, жиноят ишларини кўрувчи судлар аввалги тузумда ҳам мавжуд бўлиб, шу тузум учун ҳизмат қилган бўлса, хўжалик судлари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги натижасида вужудга келди ва суд ҳокимятининг ажralmas қисми бўлиб қолди.

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан амалга оширилади. (Конституциянинг 111-моддаси).

Хўжалик судларининг вужудга келишига бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш мақсадимиз, тадбирларимизни ривожлантириш зарурати сабаб бўлди деса бўлади. Хўжалик судлари тизими республиканинг Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар хўжалик суд ва Тошкент шаҳар хўжалик судидан иборат.

### Схема



Одил судлов органлари тизимидан фарқ қилиб, хўжалик судлари туманларда ва шаҳарларда ташкил қилинмайди.

Хўжалик судларининг вазифаси, умумий юрисдикция судлари вазифаси билан бир хил, яъни “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси бу судга ҳам тегишли.

<sup>32</sup> Суднинг бу вазифаси хўжалик судларига ҳам таалуклидир.

Суд ҳокимяти органларига, Конституцияда яна бошқа вазифалар ҳам юкландган. Конституциянинг 44-моддасида “Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади” деб белгиланган. Бу бир томондан судларга фуқаролар мурожаатларини кўриш масулиятини юкласа, иккинчи томондан судни фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг кучли, самарали воситаси, кафолати сифати намоён қиласди.

Бу билан судлар фуқаролар ҳуқуқларини давлатдан ҳам ҳимоя киласди.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, судлар нафақат қонунчиликни таъминлайди, улар қонун яратишда, қонунчилик жараёнида ҳам фаол қатнашади. Конституциямизнинг 83-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаларини, қонунларга ўзгартириш киритиш таклифлари билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Бошқа ҳокимият органлари каби, суд ҳокимияти органларини тизимини ташлик этиш, ваколатларини белгилаш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатларига киради. (Конституциянинг 78-моддаси, 5-банди)

Бу бандда судларни ташкил этиш тартиби деганда суд органларига судьяларни сайлаш ёки тайинлаш масаласи кўринади.

Суд ҳокимият тармоғи бўлиб, маълум суд органларидан иборат бўлса, суд органлари асосан судьялардан иборат бўлади.

Суд ҳокимияти тизимиға кирувчи Конституциявий суд, Олий суд ва унинг қуи поғонадаги органлари, Олий хўжалик суди ва унинг қуи поғонадаги судлари турли йўллар: сайлаш ва тайинлаш йўли билан вужудга келади.

Конституцияда суд ҳокимиятининг тизимида биринчи бўлиб Конституциявий суд кўрсатилган. Шунинг учун аввал шу суднинг аъзоларини (судьяларини) лавозимга сайланишини кўрамиз.

Қонунга асосан, Конституциявий суд – Конституциявий суд Раиси, Раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган судьяни кўшган ҳолда суднинг яна беш аъзосидан иборат таркибда ташкил топади.

Конституциямизнинг 80-моддаси 2-бандига биноан, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан, Олий Мажлис Сенати томонидан сайланади. Конституциянинг 93-моддаси, 13-бандида суд раиси, судьяларни Сенатга Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этиш ҳуқуқи белгиланган. (Олий суд раиси, судьялари, Олий хўжалик суди раиси, судьялари ҳам Президент томонидан тақдим қилиниши Конституциянинг шу моддасида белгилаб қўйилган.)

Конституцияга асосан, Конституциявий суд сиёsat ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан суд раиси, раис ўринбосари, судьялардан иборат таркибда сайланади. Судьяларнинг биттаси албатта

Қорақалпоғистон Республикаси вакили бўлиши шарт. Бу Конституциявий суд раиси ўринбосари ва судьяларга қўйиладиган Конституциявий талаб ҳисобланади. Қонунда Конституциявий суд судьялари олдига яна шахснинг юксак маънавий фазилат ва зарур малака эгаси бўлиши талаби қўйилади.

Бундан ташқари, Конституция ва қонунга асосан, Конституциявий суд судьялари депутат бўла олмайдилар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

Конституциявий суд судьяси Президент олдида қасамёд қабул қиласиди. Судьянинг ваколатлари қуидаги ҳолларда тўхтатилади:

- у жиноий жавобгарликка тортилганида;
- судьялик лавозимига тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланганда;
- судьянинг қонуний кучга кирган қарори билан у бедарак йўқолган деб ҳисобланганда.

Конституциявий суд судъясининг ваколатлари қуидаги ҳолларда Олий Мажлис Сенатининг қарори билан муддатидан илгари тугатилади:

- судьялик қасамёдини бузганда;
- истеъфога чиқиш тўғрисида илтимос қилганда;
- унга нисбатан қонуний кучга кирган суднинг айлов хукми бўлса;
- судья огоҳлантирилгандан ёки уни ваколатлари тўхтатилганидан кейин ҳам ўз вазифасига тўғри келмайдиган фаолиятни давом эттираса;
- узоқ давом этадиган касалликка учраса;
- фуқароликни йўқотса.

Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари даврида алмаштирилмайди. Конституциявий судьялар даҳлсизлик хуқуқидан фойдаланади, яъни улар Сенатнинг розилигисиз, унинг мажлислари ўртасида Сенат Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Судьяларга нисбатан жиноий иш фақат Бош прокурор томонидан кўзғатилади. Судьянинг мажбурий келтириш, ушлаб туриш, шаҳсий ашёлари, юки, транспорти, тураг жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш, тинтуб қилиш мумкин эмас.

Умумий юрисдикцияли судлари ва хўжалик судлари раислари, ўринбосарлари, судьяларнинг сайлаш (тайинлаш) тартиби уларга қўйиладиган талаблар деярли ўхшаш. Шунинг учун бу ерда уларни алоҳида ажратиб кўрсатишга ҳожат йўқ.

Бу судлар марказий (олий) ва худудий судларга бўлингани учун уларни ташкил бўлишида фарқ бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судини Конституциянинг 80-моддаси, 3,4 бандларига биноан, Олий Мажлиснинг Сенати сайлайди. Олий суд, Олий хўжалик суди раиси ва уларнинг

судълари номзодлари Конституциянинг 93-моддаси, 13-бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади.

Ўзбекистон Олий суди ва Олий хўжалик суди: Раис, раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, судьялардан иборат бўлади.

Вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, харбий ва хўжалик судлари (шу жумладан, фуқаролик ва жиноят судлари) Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари, Жўқорғи Кенгес раисининг Ўзбекистон Президенти билан келишилган тақдимномасига асосан, Жўқорғи Кенгес томонидан сайланади ёки тайинланади.

Бу даражадаги судьяларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентига, Президент ҳузурида тузилган, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий Малака комиссияси ёрдам беради. Шу комиссия тавсияси асосида Президент судьяларни лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимдан озод этади.

*Маълумот учун*<sup>33</sup>:

*Хорижий мамлакатларда ҳам судьяларни лавозимга тайинлашнинг ўзига хос тажрибаси шакланган. Жумладан, Буюк Британия Юқори суд судялари, ҳудудий судялар ва уларнинг котиблари Лорд Канслер билан маслаҳатлашган ҳолда Қирол томонидан тайинланади<sup>1</sup>.*

Умумий юрисдикция ва хўжалик судлари судьялари бўлиб сайланувчилар номзодлар олдига ҳам қонун бир неча талабларни қўяди.

Ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтихонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтихонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Коракалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтихонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

<sup>33</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 368

Ҳақиқий харбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибиға киравчи харбий унвонга эга булган ва ушбу моддадаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган хуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади.

Бу ерда судларни даражасига қараб талаблар қўйилган, лекин ҳаммасида ҳам олий юридик маълумотга эга бўлиш талаби бор.

Судьялар қасамёд қабул қиласиди. Қасамёд юқори суд органида қабул қилинади.

Судьяларнинг мустақиллиги алоҳида кафолатланади. Шу асосда: судьяга нисбатан ҳурматсизлик учун жавобгарлик; суд ишларига аралашишга йўл қўйилмаслик, судьялар дахлсизлиги; судьяларнинг ваколатини тўхтатиши ва ваколатларини муддатидан илгари тугатишни алоҳида тартиби белгиланиши; судьяларни интизомий жавобгарлиги; судьяларнинг моддий таъминоти; судья ва унинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоялаш чоралари “Судлар тўғрисида” (янги таҳрирдаги) Қонунда белгиланган.

Умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьялари ҳам бошқа ҳақ тўланадиган ишларда ишлай олмайди ва сиёсий партияларга аъзо бўлмайди.

Бу принциплар судларни ташкил этиш (сайлаш, тайинлаш) ва суд фаолият юритишида қўлланиладиган, амал қиласидиган асосий ғоялариdir. Уларни икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчиси конституциявий яъни, Конституцияда кўрсатилган принциплар, иккинчиси бошқа қонунларда белгиланган, мустаҳкамланган принципларdir.

Конституциявий (асосий) принциплар тизимиға қўйидагиларни киритиши мумкин:

1. Мустақиллик ва фақат қонунга бўйсуниш принципи.
2. Демократизм принципи.
3. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмаслиги.
4. Судьяларни депутат бўла олмаслиги, сиёсий партиялар ва харакатларни аъзоси бўла олмаслиги ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллай олмаслиги.
5. Судьяларнинг дахлсизлиги.
6. Суд ишларини ошкора кўрилиши.
7. Суд хужжатларини ҳамма учун мажбурийлиги.
8. Суд ишлари юритиши аҳоли тилига мос олиб бориш.
9. Айланувчини ҳимоя билан таъминланиш хуқуқи.

Судни мустақиллиги, фақат қонунга асосан иш кўриши, тўлалигича судьяларга ҳам тааллуқлидир. Судни мустақиллиги деганда судьяни мустақиллиги ёки аксинча тушунилади.

Судни мустақиллигини таъминловчи энг асосий ва бошланғич қоида, – Конституциянинг 106-моддасида белгиланган, унга асосан, “Ўзбекистон

Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”. Бу мустақилликни белгиловчи асос қоида ва принципидир. Олиб берилган суд ислоҳотлари натижасида судни ижро ҳокимиятига боғлиқлигига бутунлай барҳам берилди. Буни Президент ўз маъruzаларида қайд қилинганлигини суд ҳокимияти ислоҳотига тегишли бандда алоҳида айтиб ўтган эдик. Президентни ижро ҳокимиятига бошчилик қилиш мақоми бекор бўлгач, суд ҳокимиятини ижро ҳокимиятига боғлиқлиги бутунлай барҳам топди.

Суд ҳокимиятининг таъсирчан бўлиши энг аввало суднинг, судьянинг мустақиллигига боғлик.

Судьялар мустақилдир. Судлар ҳар қандай сиёсий партиялардан ҳоли ҳисобланади. Улар ҳеч бир органга ёки мансабдор шахсга бўйсунмайди. Судьялар фақат қонунга бўйсунади. Одил судловни амалга ошириш жараёнида судларнинг ишига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди. Агар шундай ҳолатлар бўладиган бўлса, у ҳолда айборлар жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 236-моддасида суд ишларини ҳал этишига аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганишга тўсқинлик қилиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўtkазиш учун уч йилгача ахлоқ, тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, шундай ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилса, олти ойгача қамоқ, ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланишини белгилаб қўйилган.

Судьяларни мустақиллигини таъминлашга суд фаолиятининг бошқа принциплари, жумладан даҳлсизлик принципи ҳам таъсир қиласи.

Судьяларнинг мустақиллиги, Конституциянинг 108-моддасида, ҳамда 112-моддаларида белгиланган қоидалар орқали таъминланади. 112-моддага кўра, судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар, судьяларни одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди, бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай ҳол рўй берса қандай жавобгарлик бўлишини аввалроқ қўрдик.

Судни мустақиллиги шундайки, қуи судлар юқори судларга бўйсунмайди. Фақат юқори судлар қуи судларни қонун доирасида қарор, ҳукм чиқаришини назорат қиласи.

Демократизм принципи. Демократизм энг аввало Конституциявий суд, Олий суд, Олий Хўжалик суди судьяларини маълум муддатга Сенат томонидан сайлаб қўйилишида кўринади. Судларни иш юритишида, суд жараёнининг иштирокчиларини тенг ҳуқуқлилиги ҳам демократизмни ифодасидир. Қуи судлар судьялари Президент томонидан тайинланар экан, номзодларни танлашдаги эркинлик, ошкоралик, тегишли талабга жавоб берувчиларни судьялик лавозимига резервга қўйиш, уларни танлов асосида танлаб олиб, Президентга тайинлаш учун тавсия қилиш, танлов

комиссияси таркибида турли давлат органлари, илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари вакиллари бўлиши демократизмни намоён бўлишидир.

Фавқулодда судларни тузишга йўл қўйилмаслиги. Бу масала 107-моддада белгиланган. Судлов ишлари фақат Конституцияда белгиланган тизим доирасидаги судлар томонидан олиб борилади. Улар эса қонуний шакллантирилган ва судьялар тегишли ваколатларга эга. Бошқа тарзда судларни тузиш қонунсиз ҳисобланади.

Бу қоида бекорга ўрнатилмаган. Ўтмишда фавқулодда тузилган органлардан халқимиз жабр кўрган. Октябрь революциясидаги сўнг Россия Федерациясида, кейинчалик СССР таркибида бўлган Ўзбекистонда “Фавқулодда комиссия”, “Учлик” деб аталувчи қатағон даврининг қуроллари халқ бошига не кунларни солмади. Бундай фавқулодда тузилмалар ҳам тергов, ҳам жазоловчи орган бўлиб, халқ бошига чексиз кулфатларни солди. Шунинг учун фавқулодда судлар тузиш одил судлов принципига зид деб, бу қоида Конституцияда белгилаб қўйилди.

Судьялар фақат шу фаолият билан шуғулланувчи профессионал хизматчидир. Улар судьялик фаолияти давомида депутат бўла олмайди, шунингдек сиёсий партиялар ва ҳаракатлар аъзоси бўлиши ҳам мумкин эмас, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларда ишлаши ҳам мумкин эмас. Бу қоида уларни ўз фаолиятини адолат принципларида, ҳеч кимнинг таъсирига берилмай бажаришлари учун ўрнатилган. Судьяларни депутат бўла олмаслиги сайлов қонунларида ҳам белгилаб қўйилган.

Судьялар факат илмий ва педагогик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Судьяларнинг дахлсизлиги. Бу принцип судьялар мустақиллигини таъминлаш, ишни холисона кўришга имкон яратиш, уларни ортиқча четдан бўладиган хуружлардан, таъсиrlардан сақлашни яна бир воситаси, судьяларни дахлсизлигини Конституция ва қонунларда белгиланишидир.

Конституциявий суд тўғрисидаги қонуннинг 16-моддасида Конституциявий суд судьясининг дахлсизлиги белгиланиб унга асосан, Конституциявий суд судьяси тегишли органларнинг розилигисиз жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бундан ташқари судьяларни мажбурий келтириш, ушлаб туриш, тинтуб килиш мумкин эмас. Уларга нисбатан жиноий иш фақат Республика Баш прокурори томонидан қўзғатилади.

“Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 70-моддаси ҳам судьялар дахлсизлигига тегишли бўлиб, унинг қоидалари, судья дахлсизлигини, турар жойга, хизмат биносига, фойдаланадиган транспортга, алоқа воситаларига, хат-хабарларга, унга тегишли ашё ва ҳужжатларга тааллукли эканлигини қайд қилган.

Шу модда қоидасига асосан судьяларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, уларга Олий суд, Олий хўжалик суди раислари ва Адлия вазири томонидан белгиланган рўйхат бўйича ўқ отиш қуроллари берилиши мумкин.

Зарур ҳолда судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратилади.

Судьяларга нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилади.

Судьялар тегишли Олий суд ёки Олий хужалик суди пленумининг розилиги билан жиноий жавобгарликка тортилади. Тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка ҳам тортилмайди.

Судьянинг турар жойига, хизмат хонасига транспортига кириш, кўздан кечириш, тинтуб ўтказиш ашёларни олиш, телефонда сўзлашувларини эшитиш, шахсий тинтуб килиш, уни ҳужжатлари ва ашёларини куздан кечириш, олиб қуиши Қоракалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорининг рухсати ёки судининг қарори билан амалга оширилади.

Суд ишларини ошкора кўрилиши. Конституциянинг 113-моддасида “Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади”, – деб мустахкамланган. Ишларни ёпиқ мажлисида тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл кўйилади. Ошкоралик принципи судларда муҳим аҳамиятли ишларни кўришда оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этишида ҳам кўринади. Суддаги қабул қилинган қарор ва ҳукмлар ҳақида ОАВда хабарлар бериб борилади.

Суд ҳужжатларини бажариш ҳамма учун мажбурийлиги. Конституциянинг 114-моддасида “Суд ҳокимияти чикарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир” дейилган. Бу суд ҳужжатларига кучли мақом берилганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини 232-моддасида суд қарорини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга асосан суд ҳужжатларини қасдан бажармаганлик ёки бажаришга тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шундай хил содир этилса энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2001 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти” ташкил этилиши ҳам суд фаолиятининг шу принципини янада яхшироқ таъминлашни назарда тутган.

Судларда иш юритиш тилини танлаш принципи. Суд ишларида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳукуқлари ҳар жиҳатдан таъминланади. Бунинг учун Конституция ва қонунларда етарли қоидалар мавжуд. Буни суд юритишда амал киладиган принциплар ҳам кўзда тутади.

Фуқаролар ҳукуқини таъминлашда муҳим восита бу суд иш юритишда тил танлаш масаласидир.

Конституциянинг 115-моддасида, фуқаролар таъминловчи воситалардан бири сифатида, суд ишлари юритилган тил масаласи ҳал қилинган. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги қўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишларини олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади”, – деб белгиланган. Демак, суд ишларини юритишида ҳеч қандай тилга имтиёз берилмайди.

Айбланувчини ҳимоя билан таъминланиш ҳуқуқи. Бу принцип Конституциянинг 116-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра, айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишининг ҳар қандай боскичидан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуки кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Айбланувчининг ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтириш, унинг учун ҳимоячини суд жараёнида прокурор билан тенг ҳуқуқ асосида қатнашишини таъминлашга, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давомида алоҳида эътибор берилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида мамлакат Президенти “Суд-ҳуқуқ соҳасида”ги вазифаларни кўрсатар экан “Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор”<sup>34</sup> – деб қайд қилган эди.

Шундан кейин мамлакат қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва ҳимоячи мавқеи кучайтирилди, натижада фуқароларнинг судда ҳимоя билан таъминланиш принципи кучайди.

Юқорида тўхталиб ўтилган принциплар Конституциявий принциплар бўлиб, судлар фаолиятида қўлланиладиган яна бошқа принциплар ҳам мавжуд ва улар қонунларда ўз ифодасини топган. Масалан, “Судлар тўғрисида”ги қонунда, қонун ва суд олдида тенглик, судловни факат суд томонидан амалга оширилиши, “Конституциявий суд тўғрисида”ги қонунда коллегиаллик принциплари мустаҳкамланган.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари тизимида суд ҳокимиятининг тутган ўрнига ҳуқуқий баҳо беринг?
2. Судлов ҳокимиятини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий тамойилларини ёритиб беринг?

<sup>34</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000, 30-бет.

3. Ўзбекистонда суд-хуқуқ ислоҳотлари: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи конунчиликда қандай ўз ифодасини топган?

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи // Дарслик – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2012. – 564 б.
2. Constitutional and administrative law / A. W. Bradley and K. D Ewing. 13th ed. 2003.
4. Harlow, England; New York: Longman, c20Erwin Chemerinsky. Constitutional Law: Principles and Policies. 4th Edition, May 25, 2011.
5. Christopher N. May, Allan Ides. Constitutional Law: National Power & Federalism. 5th Edition, 2012.
6. Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012.

## **5-мавзу: Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.**

### **Режа:**

- 5.1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.
- 5.2. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули.
- 5.3. Маъмурий ҳуқуқ тизими.
- 5.4. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

**Таянч иборалар:** Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи, маъмурий-ҳуқуқий нормалар, маъмурий-ҳуқуқий институтлар, маъмурий ҳуқуқнинг предметини

---

### **5.1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси.**

Маъмурий ҳуқуқнинг расмий изоҳи шундаки, маъмурий ҳуқуқ давлат сиёсатини олиб бориша иштирок этадиган турли давлат бошқаруви органларининг ташкил этилиши, процедуравий фаолияти, ваколатлари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган оммавий ҳуқуқ тармоғидир. Бу давлат сиёсати қонун орқали парламент ёхуд ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида ҳукумат ва бошқа органлар томонидан ўрнатилади. Бундай кенг талқиндаги изоҳга кўра, бир томондан олиб қараганда маъмурий ҳуқуқ олдинги бобларда баён этилганидек конституциявий ҳуқуқнинг умумий принциплари ва институтларини ва бошқа томондан қараганда қонунлар ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларда акс этувчи комплекс ижтимоий хизматлар (масалан, ижтимоий хавфсизлик), иқтисодий фаолиятни тартибга солиш (масалан, молиявий хизматлар), иммиграцион ва экологик назоратни батафсил тартибга соладиган нормаларни қамраб олади.<sup>35</sup>

“Давлат бошқаруви” атамаси миллий ва хорижий адабиётларда ҳамда амалдаги қонунчилигимизда кенг қўлланилади.

Давлат бошқаруви тушунчасини аниқлаб олишдан аввал, бошқарувнинг давлат-ҳуқуқий хусусияти ва давлат бошқаруви назариясининг тузилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш лозим.

Г.В.Атаманчукнинг фикрича, давлат бошқаруви объектив ва субъектив омилларга эгадир. Давлат бошқаруви - субъективдир, чунки у инсонлар (давлат хизматчилари, мансабдор шахслар) онги ва ҳаракатининг маҳсулидир. Бошқарувнинг мазмуни учун бошқарув


---

<sup>35</sup>Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law.Pearson Education Limited 2003. – Р. 648.

субъектлари жавобгар бўлади. Объектив нуқтаи назардан эса, давлат бошқаруви қуидаги кўринишга эга: *табиат – мақсад – функция – тузилиши – жараён - принциплар*.

Давлат бошқаруви - оммавий эҳтиёж ва манфаатларни англаш, уларни баҳолаш ва таркибий қисмларга ажратиш, аниқ мақсадларни қўйиш, маълум бир қарорларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун мавжуддир. Шу сабабли, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ижтимоий механизми ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисаларнинг, яъни эҳтиёж – манфаат – мақсад – қарор – ҳаракат - натижса нинг ягона занжири сифатида намоён бўлади.

### Схема



Давлат бошқаруви тушунчасига турлича ёндошиш мумкин. Кўпгина ҳолларда, давлат бошқаруви қонун чиқариш ва одилсудлов фаолияти доирасидан ташқарида бўлган давлат ва давлат-ҳокимият субъектларининг фаолияти сифатида намоён бўлади.

Давлат бошқаруви мураккаб ҳаракатчан тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир элементи ижтимоий ҳаётни тартибга солишга ўз таъсирини кўрсатади.

Юридик адабиётларда давлат бошқарувининг тизимлилик хусусиятига алоҳида эътибор берилади. Чунки бу фаолиятга бошқарув актларини қабул қилувчи ва амалга оширувчи бошқарувчилар (давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар), шунингдек, фуқаролар ҳамда молиявий, ташкилий ва моддий ресурслар жалб қилингандир. Давлат бошқарувининг тизимлилиги – белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишни ва бошқарув функцияларини самарали амалга оширишни таъминлайди.

Давлат бошқарувига берилган барча таърифларда унинг асосий мазмуни – *давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишига қаратилган мақсадга мувофиқ амалий таъсир этиши* кўрсатиб ўтилган.

Давлат бошқаруви мазмун-моҳиятини ёритиб беришда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

*Давлат бошқаруви қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эгадир:*

1) *давлат бошқаруви* - ижро ҳокимиютини амалга оширишга қаратилган ҳамда қонун чиқариш ва одилсудлов фаолиятидан шакли, услублари ва мазмунига кўра ажralиб турадиган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. Давлат бошқаруви – бу қонунлар ва бошқа норматив (қонуности) ҳужжатларни қўллаш бўйича олиб бориладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир;

2) *давлат бошқаруви* - ҳуқуқни қўллаш билан бир вақтда маъмурий ҳуқуқ ижодкорлиги (ҳуқуқ ўрнатиш) фаолиятини амалга оширади. Давлат бошқаруви органлари ҳуқуқ ижодкорлиги шунда намоён бўладики, улар ваколат доирасида бошқа ҳуқуқ субъектлари (бошқарув обьекти) учун мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, маъмурий юрисдикциявий (ҳуқуқни ҳимоя қилиш) фаолиятни юритадилар;

3) *давлат бошқаруви* – қонунларни ижро этиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келган ҳамма жойда амалга оширилади. Давлат бошқаруви давлат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларида – хўжалик-иктисодий қурилиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларда амалга оширилади. Давлат бошқаруви нафақат давлатга қарашли бўлган обьектларни, балки нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларни ҳам қамраб олади (бунда давлат бошқаруви тартибга солиш ва контрол-назорат фаолияти сифатида намоён бўлади);

4) *давлат бошқаруви* – бу ижро ҳокимиюти функцияланишининг обьектив қонуниятларига асосланган ва давлат манфаатларини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган доимий ва режали фаолиятдир. Давлат бошқаруви жараёнида давлат вазифалари ва функциялари амалга оширилади;

5) *давлат бошқаруви* – давлат томонидан тузиладиган ва ягона давлат бошқаруви органлари тизимини ташкил этадиган ижро ҳокимиюти органлари томонидан амалга оширилади. Давлат номидан ва давлат кўрсатмасига биноан ҳаракат қиласиган ушбу органлар давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлган ваколатларга эга бўладилар ва компетенция доирасида фаолият юритадилар;

6) *давлат бошқаруви* – қонунийлик принципига амал қиласи, яъни ижро ҳокимиюти органларининг фаолияти қонунларга ва бошқа норматив ҳужжатларга асосланади. Бошқарув фаолияти давлат органлари томонидан фақатгина уларга берилган ваколат доирасидагина

амалга оширилади;

7) *давлат бошқаруви* – вертикал (субординациявий, иерархик) ва горизонтал алоқалар ва муносабатлар асосида ташкил этилади. Бошқарув жараёнида энг кўп тарқалган муносабатлар вертикал бўлиб, бошқарув субъектларининг маъмурий ва интизомий бўйсинуви асосида вужудга келади. Охирги вақтларда бошқарув жараёнида бошқарув субъектларининг тенглигига асосланган янги шаклдаги горизонтал муносабатларнинг вужудга келишини ҳам кузатиш мумкин (масалан, ижро ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни қайта тақсимлаш, оммавий ёки маъмурий-хукукий шартномаларни тузиш ва ҳ.к.лар);

8) *давлат бошқаруви* – ташкил этиш принципига асосланади, яъни унга бутун бошқарув механизмининг мақсадга мувофиқ ва доимий функцияланишини таъминловчи хилма хил шакллар хосдир. Давлат бошқаруви органларининг ташкиллаштириш фаолияти ҳам ташки, ҳам ички маъмурий функцияларни ижро этишни ўз ичига олади;

9) *давлат бошқаруви* – юрисдикциявий хусусиятга эга бўлган ваколатларни ҳам ўз ичига олади, яъни ижро ҳокимияти органлари томонидан “*мажбурловчи*” бошқарувни амалга оширишнинг маъмурий тартибини (суддан ташқари) таъминлайди (масалан, маъмурий жазо ёки маъмурий огоҳлантирув ёхуд маъмурий чеклов чораларини қўллаш).

Давлат бошқаруви функциялари тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш учун “*давлат функцияси*” ва “*хукуқ функцияси*” атамаларини билиб олиш лозим. Бу иккала категория ўзаро боғлиқ бўлиб, тўғридан-тўғри бир-бирига таъсир қўрсатади. Улар кўпгина ўхшаш томонлар билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Давлат ва хукуқ назарияси фанидан келиб чиқадиган бўлсак, *давлат функцияси* унинг сиёсати, мақсади, вазифалари ва ваколатлари билан белгиланадиган маълум босқич (давр)даги фаолиятнинг асосий йўналишларидир. Давлат ўз функцияларини адо этиш учун қонун чиқарувчилик, ижро этувчилик ва судлов фаолиятини олиб боради. Давлат ўз функцияларини амалга оширишда ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбур этиш услубларидан фойдаланади. Мазкур шакллар ва услубларнинг қўллаш даражаси давлат функцияларининг ҳажми, даври, тизими, хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Давлат функцияларини таснифлаш (гуруҳларга, турларга бўлиш) эса, давлатнинг моҳиятини чуқурроқ англашга, унинг жамият тараққиётидаги ролини яққолроқ намойиш этишга қўмаклашади. Одатда давлат функциялари иккига: ички ва ташки функцияларга бўлинади.

Давлат бошқаруви давлат фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга давлат функциялари хос бўлиб ҳисобланади. Лекин шу билан бирга, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи функциялар ҳам мавжуддир.

Бошқарув функциялари муаммосини ўрганиш – бошқарув тузилиши ва тизимини ташкил этиш, бошқарув органларининг объектив эҳтиёжларини аниқлаш имкониятини беради.

*Бошқарув функциялари* – бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига нисбатан аниқ йўналтирилган таъсир этиши (ташкил этиш, тартибга солиш, назорат қилиш) ҳисобланади.


Бошқарув функциялари аниқ мазмунга эга бўлиб, бошқарувнинг услублари ва шакллари ёрдамида (масалан, мажбурлов чоралари, ҳукуқий актларни қабул қилиш, бўйсинувчилик таъсири ва х.к.лар) амалга оширилади.

Ижро ҳокимияти – Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги муҳим категориялардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан, барча ривожланган давлатлар сингари, ҳокимият тизимининг учга бўлиниши принципини, ижро ҳокимияти тушунчасини мустаҳкамлади. Жумладан, Конституциянинг 11-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Конституциянинг 89-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Конституциянинг 98-моддасига биноан эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади.

### Схема



Демак, ижро ҳокимияти тушунчasi, биринчи навбатда Асосий қонунда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари. “*давлат бошқаруви*” атамаси ҳам қонун ҳужжатларида тез-тез учраб турибди. Буларнинг ҳар бирининг мазмуни ва уларнинг ўзаро муносабати қандай, деган савол вужудга келиши мумкин.

Ижро ҳокимияти – абстрак сиёсий-ҳукуқий категория бўлиб, давлат ҳокимияти мавжудлигини кўрсатади, қонунларни ва унинг нормаларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида амалга оширилади, давлат органларининг доимий функцияланишини, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди. Ижро ҳокимиятининг мазкур функцияларини бажариш орқали бошқарув ҳаракатлари амалга оширилади ва бошқарув қарорлари қабул қилинади.

“Давлат бошқаруви” атамаси эса, амалий ташкилий-хуқуқий маънога эга. Давлат бошқаруви – бу ижро ҳокимиятини амалга ошириш шаклидир. Давлат бошқаруви – бу давлат механизмининг самарали ва мақсадга мувофиқ ишлашини таъминловчи давлат фаолиятидир. Ҳукуқ ижодкорлиги, ҳокимият ваколатларини ва давлат мажбурловини амалга ошириш ҳамда тартибга солиш давлат бошқарувининг ажралмас элементлари ҳисобланади.

Кўпгина юридик адабиётларда ижро ҳокимияти – сиёсий-хуқуқий, давлат бошқаруви эса – ташкилий-хуқуқий категория сифатида кўрсатиб ўтилади. Бу иккала давлат-хуқуқий категория ҳам мавжуд бўлишга ҳақлидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат бошқарувисиз давлат ҳокимияти механизмининг ишлашини тасаввур қилиб бўлмайди.

“Ижро ҳокимияти” тушунчаси “давлат бошқаруви” тушунчасига қараганда торроқ бўлиб, унинг самарали функцияланиши - давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш даражасига боғлиқдир. Шу билан бирга, ижро ҳокимияти – давлат бошқаруви жараённида амалга ошириладиган ҳокимият ваколатларининг ҳажми ва хусусиятларини белгилаб беради. Ижро ҳокимияти органлари давлат бошқарув ташкилий тузилмасининг асосини ташкил этиб, турли ижтимоий жараёнларга, инсонларнинг ҳаракатлари ва фаолиятига бевосита бошқарув таъсирини кўрсатади. Ижро ҳокимияти бошқарув шаклида ва бошқарув жараёнлари воситасида амалга оширилади.

Ижро ҳокимияти – бу маълум бир муносабатлар тизими бўлиб, унинг асосий элементларидан бирини – бошқарув ташкил этади. Ижро ҳокимияти – давлат аппарати маҳсус тузилмалари (давлат бошқарув органлари)нинг фаолияти орқали ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади.

Демак, давлат бошқаруви – давлат фаолиятининг шундай турики, унинг доирасида давлат ҳокимиятининг бир бўлاغи бўлган ижро ҳокимияти амалга оширилади.

Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини унинг принципларида кўришимиз мумкин. Ҳар қандай давлат фаолияти сингари давлат бошқаруви ҳам, маълум бир принципларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Принципларга бўйсенишлик хосдир. Бошқарув принциплари объектив қонунийликни аниқлашнинг ва ундан ақл-идрок билан фойдаланиш шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Принципларга сўзсиз риоя килиш лозимдир. Агар бошқарув принциплари бузилса, у бевосита амалий вазифаларни хал этишга тўсқинлик қиласи.

Бошқарув принциплари турли-тумандир. Шу билан бирга, улар чамбарчас боғлиқдир. Принципларнинг баъзи бирларига риоя қилиш бошқаларининг амалга оширилишига кўмаклашади ва аксинча, маълум бир принципга риоя этмаслик бошқаларининг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини таҳлил қиласиган бўлсақ, давлат бошқарувининг қуидаги асосий принципларини қўрсатиб ўтишимиз мумкин:

*1) қонуннинг устунлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги принципи.* Бу принципга асосан Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари ва бошқа хуқуқий нормалари муқаддас бўлиб, уларга барчанинг амал қилиши лозим. Бу принцип асосий қонунимиз бўлган – Конституциянинг 15-моддасида ўз ифодасини топган. Унга биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Жамиятда қонунийлик ва хуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар хурмат қилинмаса, демократик хуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда у асосда қабул қилинган қонунлар олдида барча бирдай масъулдир. Қайси бир жамиятда қонунлар бажарилмай қоғозда қолиб кетса, ундан жамият асло равнақ топмайди, адолатга эриша олмайди. Қонун амалда бўлиши керак. Қонун қабул қилиндими, унинг ижроси ҳам қатъий бўлмоғи лозим. Айнан шу ерда давлат бошқарувининг асосий вазифасини қўришимиз мумкин, яъни давлат бошқаруви - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини ижро этишга хизмат қиласи.

Демократик хуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири - барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги:

*биринчидан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, фуқаро қонунга бўйсиниш мажбуриятидан ҳоли бўлиши мумкин эмаслигини англатади;*

*иккинчидан, асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун йўли билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса ҳеч бир истисносиз хуқуқ нормаларини бузганлик учун хуқуқий жавобгарликка тортилади.*

Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Зотан улуғ бобокалонимиз Амир Темур таъкидлаганидек, “Қаерда қонун ҳукмронлик қиласа, шу ерда эркинлик бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда янги жамият қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча кишиларнинг қонунга амал қилишини муҳим принцип деб ҳисоблаб, ўзининг “Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи” нутқида: “Қонун, яна бир бор

қонун – каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, - барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”, - деб кўрсатади;

2) қонунийликнинг ягоналиги принципи. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси худудида қонунлар бир хилда қўлланилишини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини англаатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлига ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва уни амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас.

3) давлат бошқарувининг ҳалқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши принципи. Конституциянинг 7-моддасига биноан ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ҳуқуқий демократик давлатларнинг олиб борадиган сиёсатларини ҳалқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб бериши лозим. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Жумладан, Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, деб кўрсатилган;

4) давлат бошқарувида ҳалқнинг иштироки принципи. Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлашда ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда кенг омма иштирок этади. Бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида кўришимиз мумкин. Жумладан, Конституциянинг 9-моддасига биноан жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳалқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан эса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини босқичма-босқич шакллантириш - мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилидир. “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий концепциянинг асл моҳияти жамиятни бошқаришда аста-секин нодавлат ташкилотлари ва

фуқароларнинг иштирок этишини тобора кенгайтиришда кўринади. Барча демократик давлатларда бўлгани каби бизнинг давлатимизда ҳам жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ошиб бормоқда.

Конституциянинг 35-моддасига биноан эса, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Демак, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиши орқали ҳам амалга оширилади;

*5) давлат бошқарувининг аҳоли маданий даражаси билан боғлиқлиги принципи.* Қонунийлик аҳоли маданий даражаси билан, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади.

Инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти қанча юқори бўлса, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот таъминланади, қонун бузилиши шунчалик кам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармонига кўра ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятни сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

а) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар - давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди;

б) республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли томонидан чукур англаб етишига ҳар томонлама қўмаклашиш - давлат бошқарув, ҳуқуқни муқофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзаб вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” тўғрисидаги қарори ҳам қабул қилинди. Миллий дастурнинг асосий вазифаси сифатида - ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбияни тизимини такомиллаштириб, кенг халқ ўртасида ҳуқуқий тарбияни мустаҳкамлаб, аҳоли маданий даражасини кўтариш вазифаси белгилаб қўйилди;

5) давлат бошқарувининг демократик жараёнлар билан бөгланганлиги принциити. Давлат бошқаруви демократия билан узвий боғлиқдир. Халқ давлат ҳокимиятини ўзи ишонч билдириб сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳокимият органлари орқали амалга оширади.

## Схема

### Давлат бошқарувининг асосий принциплари

1. қонунинг устунлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги принциипи;
2. қонунийликнинг ягоналиги принципи
3. давлат бошқарувининг халқ манфаатлари йўлида амалга оширилиши принцип;
4. давлат бошқарувида халқнинг иштироки принципи;
5. давлат бошқарувининг аҳоли маданий даражаси билан бөглиқлиги принципи;
6. давлат бошқарувининг демократик жараёнлар билан бөгланганлиги принципи.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Давлат бошқаруви - демократик тартибларга бўйсинишни талаб қиласди, демократик тартиблар, ўз навбатида, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг

бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизмини ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар кандай бузилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ – бошқарилувчи обьектларнинг алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни таксимлашни, иш хақини белгилашни ҳам мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ – жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳуқуқий мақомини ўрнатишда катта аҳамиятга эгадир.

Маъмурий ҳуқуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи – бу Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Маъмурий ҳуқуқ маълум бир ижтимоий муносабатлар гурухини тартибга солиб, мазкур муносабатлар унинг предметини ташкил этади. *Ҳуқуқий тартибга солиши предмети* – бу ижтимоий муносабатлар доирасидир.

Маъмурий ҳуқуқнинг предметига давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган қўйидаги ижтимоий муносабатлар гурухини киритади:

1) ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсинадиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, вазирлик ва давлат қўмиталарининг уларга бўйсинган бошқарма ва бўлимлари ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

2) бир-бирига бўйсинмайдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатлар (масалан, икки вазирлик, вазирлик ва давлат қўмитаси ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар);

3) давлат бошқаруви органлари ва уларга бўйсинадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

4) давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;

5) давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

## **5.2. Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш усули.**

Ҳуқуқ тизимида ҳуқуқ тармоқларига ажратишнинг асосларидан бири – бу ҳуқуқий тартибга солиш услубидир.

Ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш услуби ҳам ўзига хос бўлишини тақозо этади.

Ҳуқуқий тартибга солиш услуби – жамиятдаги мавжуд муносабатларга ҳуқуқ таъсирида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар ийғиндисидан иборатдир. Ҳуқуқий тартибга солиш услуби узок тарихий жараёнда шаклланган бўлиб, давлат ундан ҳуқуқ нормаларини яратишда ва ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги алоқаларни тартибга солишда фойдаланади.

Ҳуқуқий тартибга солиш услубларини мазмун-моҳиятига кўра икки гуруҳга: диспозитив ва императив услубларга бўлиш мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи сингари маъмурий ҳуқуқ ҳам, ўзининг тартибга солиш услубига эгадир. Маъмурий ҳуқуқ тартибга солиш функциясини амалга ошириб, давлат бошқаруви жараёнидаги муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторини тартибга солувчи ҳуқуқий воситалар ёки услубларнинг муайян мажмуидан фойдаланади.

Маъмурий ҳуқуқ тартибга солишнинг ўз предметига эга бўлиб, хусусан, бу - давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Ушбу фаолият давлат фаолиятининг бошқа турларидан ўзининг вазифалари, мақсадли йўналиши ва намоён бўлиш шакллари билан фарқ қиласди.

Маъмурий ҳуқуқий тартибга солишга давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан чиқариладиган кўрсатмалар хосдир. Маъмурий муносабатларнинг бошқа томони ушбу кўрсатмага бўйсенишга мажбур. Бу шуни англатадики, давлат органининг ҳокимият кўрсатмалари ёрдамида давлат амалда ўзининг бошқарув фаолияти соҳасидаги ваколатларини амалга оширади.

*Маъмурий ҳуқуқнинг асосий услуби, яъни маъмурий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-авторига таъсир кўрсатиш услуг ва воситалари - давлат-ҳокимият кўрсатмалари услуби ҳисобланади.* Ушбу услубнинг қўлланиши жамиятнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун керак бўлган бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш зарурати билан белгиланади.

Бошқарув жараёнида турли хилдаги ҳуқуқ нормалари таъсири остида бўладиган ва маъмурий ҳуқуқ предмети доирасига кирмайдиган муносабатлар тартибга солинади. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизими турли тармоқларининг ўзаро муносабати вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқ фани конституциявий ҳуқуқ ва молия ҳуқуки фанларига жуда яқин туради. Лекин шу билан бирга бу ҳуқуқ тармоқлари ўзининг тартибга солиш предмети (ижтимоий муносабатлар доираси) ва ўзига хос хусусиятларига қараб бир-биридан фарқланади.

## Схема



### 5.1. Маъмурӣ ҳуқуқ тизими.

Конституциявий ҳуқуқ фани ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Унда давлатнинг ижтимоий тузилиши ва давлат сиёсатининг асослари, давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар, миллий-давлат ва маъмурӣ-ҳудудий тузилиш, давлат органлари тизимининг асослари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, экринликлари ва бурчлари ифодаланади. Конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети маъмурӣ ҳуқуқ фанининг предметидан кенгдир. Жумладан, конституциявий ҳуқуқ барча давлат органлари учун умумий бўлган ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принципларини белгилаб беради. Маъмурӣ ҳуқуқ нормалари эса, юқоридагиларга асосланиб, давлат бошқарувида уларни қўллашни тартибга солади.

Кейинроқ шунга гувоҳ бўлишимиз мумкинки, конституциявий ҳуқуқ ва маъмурӣ ҳуқуқни ажратиб берувчи ёрқин чизиқнинг ўзи йўқ. Мазкур китобда давлат бошқарувининг барча соҳаларига тегишли бўлган маъмурӣ ҳуқуқнинг аспектлари кўриб чиқилади. Булар ижро этувчи ҳокимиятнинг қонуности ҳужжатларини қабул қилиш; ихтисослашган трибуналлар ва парламент Омбудсмани томонидан муайян масалалар ёки келиб тушган шикоятлар юзасидан қарор қабул қилишда қўлланиладиган процедуралар, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан суд назорати ва зарарни қоплашни сўраб давлат бошқаруви органлари, асосан марказий давлат бошқаруви органлари устидан судга мурожаат қилинганда уларнинг жавобгарлиги масалалари дидир. Бундан асосий мақсад давлат бошқарувининг қонуний стандартларига риоя қилинишига кафолат беришда кўмаклашувчи асосий тузилмаларни аниқлашдир<sup>36</sup>.

Ҳуқуқ тизими – ҳуқуқнинг ички тузилиши, таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳамда нисбатни белгилаб беради.

<sup>36</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – Р. 649

Хуқуқ тизими - жамиятда мавжуд бўлган ва доимо ривожланиб борадиган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлиб, у хуқуқ нормаларининг умумий ва фарқли хусусиятларини кўрсатиб беради.

Хуқуқ тизими: *биринчидан*, ижтимоий муносабатларнинг мазмунни билан боғлиқ ҳолда, объектив равишда шаклланади; *иккинчидан*, у яхлит тизим сифатида ҳуқуқнинг ички тузилишини кўрсатади; *учинчидан*, ҳуқуқ нормаларининг муайян гуруҳларга бирлашишини кўрсатади; *тўртинчидан*, ҳуқуқ нормаларининг ва улар бирлашган гуруҳларнинг ўзаро фарқланишини кўрсатади; *бешинчидан*, ижтимоий муносабатлар хусусиятлари ва уларнинг ўзига хослиги ҳуқуқ нормаларининг маълум даражада ихтисослашувини тақозо этади.

Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларига ҳам уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги хос бўлиб, бу боғлиқлик нафақат уларни чиқарган ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳолати ҳамда ушбу нормаларни қўллаш соҳаси билан, балки ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ички тузилмаси қонуниятлари билан ҳам белгиланади. Демак, маъмурий ҳуқуқ ўзининг ички тузилмаси ёки тизимида, яъни кўплаб бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган элементларга эга бўлиб, уларда маъмурий-ҳуқуқий нормалар муайян изчилликда бирлашади ва жойлашади.

*Маъмурий ҳуқуқ тизими* деганда, унинг давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган муносабатлар билан объектив белгиланган ички тузилиши, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг муайян изчилликда бирлашиши ва жойлашишини тушуниш лозим.

Маъмурий ҳуқуқ тизими – маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва институтларни бирлаштиради.

Бундан ташқари, юридик адабиётларда, “*маъмурий ҳуқуқ тизими*”дан “*маъмурий ҳуқуқ фани тизими*” фарқланади. *Маъмурий ҳуқуқ фани тизими* маъмурий ҳуқуқ тизимида қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, куйидагиларни ўз ичига олади:

*маъмурий-ҳуқуқий нормалар* – маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг бошланғич элементи бўлиб, давлат томонидан ўрнатиладиган ёки тасдиқланадиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворини (хатти-харакатини) белгилаб берадиган қоидалардир;

*маъмурий-ҳуқуқий институтлар* – маъмурий ҳуқуқ фани тизимининг алоҳида гуруҳи бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Одатда, маъмурий-ҳуқуқий институтлар – маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг унча катта бўлмаган барқарор гуруҳи бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир турини тартибга солишга қаратилади. Маъмурий ҳуқуқ тармоғи ўз ичига қатор институтларни олади ва улар тармоқнинг таркибий қисми, бўлаги сифатида намоён бўлади. Айни пайтда улар муайян мустақиллик хусусиятига эга. Зоро, маъмурий-

хуқуқий институтлар маълум даражада мустақил ижтимоий муносабатларни тартибга солади;

*маъмурий хуқуқ фани бўлимлари* (*гуруҳлар*) – маъмурий хуқуқ фани тизимининг йирик таркибий қисми бўлиб, ўзида бир неча маъмурий-хуқуқий институтларни бирлаштиради. Маъмурий хуқуқ фани тизимида ўзаро яқин (*ўхшаш*) ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-хуқуқий институтлар бирлашиб, маъмурий хуқуқ фанининг бўлимлари (*гуруҳларини*) ташкил этади. (масалан, давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви принциплари, давлат бошқаруви функциялари сингари маъмурий-хуқуқий институтлар ўзининг яқинлигига қараб ягона бўлимга бирлашган.)

Ҳар қандай хуқуқ фани сингари маъмурий хуқуқ фани тизими ҳам икки қисмга бўлинган:


1) умумий қисм – бунда давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнининг умумий томонларини белгилаб берувчи маъмурий-хуқуқий нормалар (маъмурий-хуқуқий институтлар, бўлимлар) назарда тутилган. Маъмурий хуқуқ фани тизимининг умумий қисми қуйидаги институтлардан иборат: *давлат бошқаруви тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва асосий принциплари; давлат бошқаруви субъектлари ва уларнинг хуқуқий мақоми; давлат бошқаруви шакллари ва услублари; давлат бошқарувида маъмурий-хуқуқий мажбурлов чоралари; маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик; маъмурий жараён; давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлаш*;

2) маҳсус қисм – бунда жамиятнинг алоҳида соҳаларида амалга ошириладиган давлат бошқарувининг хусусиятларини белгилаб берувчи маъмурий-хуқуқий нормалар (маъмурий-хуқуқий институтлар, бўлимлар) кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: *иқтисодиёт соҳаларини бошқарии* (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, йўл хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари); *ижтимоий-маданий соҳаларни бошқарии* (таълим, фан, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш); *маъмурий-сиёсий фаолият соҳасини бошқарии* (мудофаа, давлат хавфсизлиги, ички ишлар, ташқи ишлар, адлия); *тармоқлараро бошқа соҳаларни бошқарии* (табиатни муҳофаза қилиш, молия ва кредит тизими, ташқи иқтисодий фаолият, давлат статистикаси, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ва ҳ.к.лар).

Ушбу хуқуқ соҳасининг муҳим функциясидан бири давлат бошқаруви олдидаги вазифаларни адо этилишига эришишдир. Давлат бошқаруви органлари қонунлар билан ташкил этилади ва давлат номидан умум манбаат йўлида давлат сиёсатини олиб бориш учун тегишли ваколаталар билан қуроллантирилади. Мазкур хуқуқ соҳасининг яна бир иккинчи функцияси турли давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишидир, масалан, вазир ва вазирликнинг маҳаллий тузилмаси ёки икки маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги

муносабатлар. Учинчи функция – бу давлат бошқаруви органи ва иши давлат бошқаруви органининг ваколатлари билан боғлиқ бўлган жисмоний ҳамда хусусий юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Давлат бошқаруви органи ёки бошқа тузилмаларга ўз қонуний ваколатларини амалга оширишларини таъминлаш билан бир қаторда, қонун чиқарувчи уларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетмасликлар учун улар устидан тегишли назоратни амалга ошириш механизмини ҳам ўрнатади. Ваколатларни беришда муайян чекловлар ва талаблар, масалан, ваколатларни вижданонан ва коррупциядан холи тарзда амалга ошириш мажбурияти юклатилиши мумкин. Бунинг боиси шундаки, берилган ваколатларнинг кўлами жамиятда тан олинган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қадриятларни ўзида акс эттиради.

### Схема




Жисмоний шахслар турлича, хусусан, баъзан ўзларининг манфаатларига, баъзан эса заарларига маъмурий органларнинг ваколатлари таъсирига дуч келадилар. Жисмоний шахснинг ҳуқуқлари камдан-кам ҳолларда абсолют даражада бўлади. Масалан, янги автомобиль йўли қурилиши муносабати билан умум жамият манфаатлари йўлида фермаси давлат ҳисобига олиб қўйилиши талаб қилинаётган ер эгаси бунга қарши туришда мутлақ ҳуқуқларга эга эмас. Яна бир муаммоли мисолни келтирсак, жиддий касалликка дуч келган фарзанди бор ота-оналар ҳам агар бунга клиник белгиларга асосланган ҳолда тавсия берилмаган бўлса, ўз фарзанди номидан миллий соғлиқни сақлаш тизимида тиббий муолажа олиш учун мурожаат этишга доимо мутлақ ҳуқуққа эга эмаслар. Аксинча, давлат бошқарув органларининг ваколатларига ҳам доимо мутлақ деб қараш тўғри эмас<sup>37</sup>.

## 5.2. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

<sup>37</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – Р. 632

Маъмурий-хуқуқий нормалар кўп сонли хуқуқий ҳужжатларда (манбаларда) мустаҳкамланган. *Маъмурий-хуқуқий нормалар* – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатлар субъектларининг юридик хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган, шунингдек, хуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмагандан уларнинг жавобгарлигини ўрнатадиган ва мажбурий чоралар билан таъминланадиган хулқ-атвор қоидаларидир.

### Схема



Маъмурий-хуқуқий нормалар – маъмурий хуқуқ тармоғининг бошланғич элементи сифатида, қўйидаги умумий хусусиятларга эга:

биринчидан, маъмурий-хуқуқий нормалар давлат томонидан ўрнатилади ва уларнинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

иккинчидан, маъмурий хуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворини, хатти-харакатини тартибга солади;

учинчидан, маъмурий хуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг юридик хуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаб беради;

тўртинчидан, хуқуқлар бузилганда ёки мажбуриятлар бажарилмаганида давлатнинг мажбурлов чоралари орқали ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилади.

Маъмурий-хуқуқий нормаларнинг ўзига хос хусусиятлари – маъмурий хуқуқ предмети ҳамда хуқуқий тартибга солиш услубининг хусусиятлари билан белгиланади. Маъмурий-хуқуқий нормалар – Ўзбекистон Республикаси хуқуқ тизими бошқа тармоқларининг нормаларидан фарқли равишда, маҳсус қўлланиш соҳасига эга бўлиб, бу

давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги ижтимоий муносабатлардир. Шу сабабли, маъмурий-хуқуқий нормаларнинг мазмунини давлат бошқаруви жараёнида амал қилиниши шарт бўлган хатти-ҳаракатлар доираси ташкил этади. Улар ёрдамида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг давлат бошқаруви соҳасида қачон ва қандай тартибда ҳаракат қилгандаридан қонунчилик талаблари аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлиши белгиланади. Шу билан бирга, маъмурий-хуқуқий нормаларда қандай ҳаракатларни амалга ошириш мумкин ва қайсиларидан ўзини тийиш кераклиги кўрсатилади.

*Хуқуқ манбалари* – хуқуқий нормалар ифодасининг ташки шакллари, хуқуқ мавжуд бўлишининг шакллари ҳисобланади.

Хуқуқ манбаси деганда – мазкур жамият томонидан хуқуқни тушуниш хусусияти билан белгиланган ижтимоий нормаларни мажбурий деб билиш услубини тушуниш керак. Тарихда мажбурий нормалар мавжуд бўлишининг уч шакли маълум: норматив-хуқуқий хужжатлар, суд прецеденти ва хуқуқий одат.

Ўзбекистон хуқуқ тизимининг роман-герман турига кирадиган ўзига хослиги, норматив-хуқуқий хужжатларнинг маъмурий хуқуқ манбаси сифатидаги устуворлигини белгилайди.

Республикамизда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш ва уларга тенг шарт-шароитлар яратиб бериш, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг олдинги услубидан (маъмурий-буйруқбозлик) бутунлай воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш – бозор муносабатларининг туб негизидир. Ушбу жараёнда давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонун хужжатлари қабул қилинди. Бу қонунчиликнинг асосини - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Давлат бошқаруви тушунчасини таҳлил қилинг?
2. Маъмурий хуқуқ предметини ёритиб беринг?
3. Маъмуриц хуқуқ тизимини тушунтириб беринг?
4. Маъмурий хуқуқ манбаларини тушунтириб беринг?
5. Маъмурий хуқуқнинг ҳозирги ҳолатини тушунтириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Административное право. Учебник. Под.ред. П.Т.Василенкова. М., 1990.
2. Административное право. Учебник Под.ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000 г.
3. Бахрах Д.Н. Административное право. Москва, 1993 г.
4. Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993 г.

5. Манохин В.М., Адушкин Ю.С., Багишаев З.А. Российское административное право. М., Юрист, 1996 г.
6. Овсянко Д.М. Административное право: учебное пособие. М., Юрист, 1996 г.
7. Старилов Ю.Н. Служебное право. Учебник. Москва, БЕК, 1996 г.
8. Э.Хожиев. Т.Хожиев Маъмурийхуқук. Дарслик, Тошкент-2006
9. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011

## **6-мавзу: Маъмурий процедураларнинг Ўзбекистондаги бугунги ҳолати ва ривожланиш имкониятлари.**

### **Режа:**

- 6.1. Маъмурчилик механизми ва ҳуқуқий давлат.
- 6.2. Маъмурий процедуралар (тартиб-таомиллар) тушунчаси ва аҳамияти.
- 6.3. Маъмурий процедуралар предмети ва амал қилиши соҳаси.
- 6.4. Маъмуриятчилик тартиботлари тизими ва тамойиллари.

**Таянч иборалар:** маъмурий жараён, маъмурий процедура, маъмурий ҳужжат, маъмурий орган, маъмурий шикоят, маъмурий иш юритув

---

### **6.1. Маъмурчилик механизми ва ҳуқуқий давлат**

Ҳуқуқшунос мутахассислар ҳуқуқий давлатга барча учун мажбурий бўлган ва барчанинг тенглигини таъминлайдиган қонун амал қилувчи давлат сифатида таъриф берадилар. Баъзилар эса бунга ушбу қонуннинг халқаро стандартларга мос бўлиши зарурини қўшимча қиласи. Бундай таъриф «ҳуқуқий давлат» тушунчасининг биргина жиҳати, холос. Янги мустакил давлатлардаги демократик давлат куриш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, умумқабул қилинган тамойиллар ва меъёрларни эълон қилувчи, энг мукаммал хорижий намуналар асосида яратилган қонунлар амалда бирон бир нарсани ўзгартиришга қодир бўлмаслиги мумкин. Шундай ҳолат вужудга келадики, қонундан қатъий назар, амалиёт ўз йўлидан давом этади, анъаналар ва конъюнктурага амал қиласи. Ушбу ҳолатга олимлараҳолининг ўзига хос фикрлаш тарзини сабаб сифатида кўрсатиб «ишламайдиган» қонунлар муаммоси бўйича бош қотириш билан овора.

Ваҳоланки, бунинг сабаби оддий: самарали маъмурчилик механизми яратилмаганлиги ёки маъмурий тизим қонун меъёрларини амалга оширилишининг сифатини етарли даражада таъминламаганлигидир. Бу эса албатта маъмурчиликни ҳуқуқий тартибга солишини яхшилашни заруратини талаб этади.

Тарихий шарт-шароитлар туфайли одил судлов нисбатан батафсил ҳуқуқий тартибга солинган. Суд процесси қонун билан батафсил тартибга солинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Фуқаролик, хўжалик ва жиноят процессларини тартибга солувчи батафсил тартиб-таомиллар мавжуд. Шу сабабли, ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамай, суд мамлакатда ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг энг яхши шакли бўлиб

қолмоқда. Гап маъмурий органлар ҳақида кетганда эса, нима сабабданdir ҳукуқий тартибга солиш уннутилади, маъмурий органлар учун тезкорлик ва бошқарувга оид эркинликнинг аҳамияти рўкач қилинади. Аслида бундай дастаклар умуман асоссиз, чунки, биринчидан, ҳукуқий давлатда маъмурий органлар қонун асосида фаолият юритиши керак, бу эса маъмурчиликни батафсил ҳукуқий тартибга солинишини тақозо қиласди, иккинчидан, ҳукуқий тартибга солиш маъмурий органларни ортиқча чегаралashi мажбурий эмас – бу ерда оқилона ташкилий-ҳукуқий механизм зарур, учинчидан эса, маъмурий-бошқарув фаолияти қўплаб бошқарувга оид хатолар ва расмиятчилик муаммолари ҳукуқий тартибга солинган тақдирда муваффақиятли ҳал қилиниши ва уларнинг олди олиниши мумкин бўлади.

### **МАЪЛУМОТ УЧУН:**<sup>38</sup>

*АҚШда давлатнинг энг асосий функцияларидан бири давлат бошқаруви органининг ваколатлари билан боғлиқ бўлган жисмоний ҳамда хусусий юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишидир. Давлат бошқаруви органи ёки бошқа тузилмаларга ўз қонуний ваколатларини амалга оширишиларини таъминлаш билан бир қаторда, қонун чиқарувчи уларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетмасликлар учун улар устидан тегишли назоратни амалга ошириши механизмини ҳам ўрнатади. Ваколатларни бершида муайян чекловлар ва талаблар, масалан, ваколатларни вижданан ва коррупциядан холи тарзда амалга ошириши мажбурияти юклатилиши мумкин. Бунинг боиси шундаки, берилган ваколатларнинг кўлами жамиятда тан олинган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қадриятларни ўзида акс эттиради.*

Ҳукуқий давлат масаласига қайтадиган бўлсак, фақат унда маъмурчиликдаги барча жиддий масалалар аниқ тартибга солинган тақдирдагина уни ҳукуқий деб аташ мумкин. Маъмурчилик қонунга асосланган бўлиши ва у томонидан белгиланган доираларда амалга оширилиши лозим. Шундагина давлат сиёсати изчиллик касб этади: ҳукуқий меъёрларни эълон қилиш орқали давлат амалиётда улардан воз кечмайди!

Давлат сиёсатининг яхлитлиги ва изчиллиги масаласи иқтисодий нуқтаи назардан алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, бозор иқтисодиёти фақат аниқ ва барқарор «қоидалар» мавжуд бўлган шароитда, яъни давлат

<sup>38</sup> Bradley A.W., Ewing K.D. Constitutional and Administrative Law. Pearson Education Limited 2003. – P. 648.

мамлакатда хўжалик юритиши фаолиятига оид қоидаларни ошкора ўрнатган ва уларнинг иқтисодий ҳаётда барқарор бажарилишини таъминлагандагина ривожланиши мумкин. Шундай экан, барча бозор муносабати иштирокчилари ишонч билан сармоясини бизнесга сарфлаши, ишини ўзи юритиши, истиқбол режаларини тузиши мумкин бўлади. Тадбиркорлар амалдорлар томонидан ҳокимият ваколатини сустеъмол қиласлиги, ўзларининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини чекламаслигига ишончи комил бўлиши керак.

Давлат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлиги ошкора бўлиши ва қонунга асосланган бўлиши лозим. Шунда сармоя яширин ҳолатда қолмайди ва мамлакатдан четга чиқиб кетмайди, сармоядорларга келсак, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сармоядорлар ўз маблағларини иқтисодиётга кирита бошлайди. Хукуқни қўллаш амалиётини хукукий тартибга солиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ана шундай муҳим аҳамиятга эга.

## **6.2. Маъмурий процедуралар тушунчаси ва аҳамияти.**

Маъмурий процедуралар – бу қонунчилик томонидан белгиланган маъмуриятчилик жараёнини амалга оширишга доир қоидалардир.

Маъмурий процедуралар хукукий тартибга солиш механизмининг энг муҳим элементларидандир. Айнан улар маъмурий хукуқ-тартибот жараёнини тартибга солади ва шу тарзда моддий маъмурий хукукий меъёрлар амалиётда қандай амал қилишини белгилайди. Бошқача айғанда, маъмурий процедуралар – бу моддий қонунни реал ҳаётга эга бўладиган каналлар тизимиdir.

Мамлакат кўламида маъмурчилик жараёнига минглаб маъмурий органлар ва ўн минглаб мансабдор шахслар жалб қилинган. Ҳар куни мазкур улкан маъмурий машина одамлар, ташкилотлар ва умуман жамият тақдирини белгиловчи юзлаб ҳукукий қарорларни ишлаб чиқади. Оммавий бошқарув нуқтаи назаридан умумий манфаат учун маъмурчилик қандай аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда бутун мамлакат бўйлаб ушбу фаолиятнинг керакли сифатини таъминлаш қанчалик муҳимлигини англаш мумкин.

Маълумки, оммавий фаолиятнинг сифати унинг стандартлаштирилиши ёки технологиялаштирилиши хисобидан таъминланади. Демак, қонун давлат бошқаруви соҳаси ва тармоғидан қатъий назар ҳар қандай маъмурий орган ёки мансабдор шахс

учунмажбурий бўлган маъмурчиликнинг ягона ҳуқуқий стандартларини ўрнатиши керак. Қонуннинг доиравий талабалари асосида маъмурчиликнинг базавий универсал талабаларини ва айни пайтда алоҳида тармоқ ва соҳалардаги бошқарувга оид масалаларнинг ўзига хослигини ҳисобга оловчи ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқилиши лозим. Бу ўринда гап маъмурий-бошқарув жараённи тартибга солиш механизини яратиш ҳақида бормоқда. Маъмурчиликнинг факат ана шундай тизимли тартибга солинишига эришилган такдирдагина бутун мамлакат кўламида маъмурий органлар уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли ва самарали бажаришга қодир бўлади.

Маъмурий процедуралар моҳиятан маъмурчилик жараёнини тартибга соловчи ҳуқуқий стандартлар тизимиdir. Улар маъмурчиликни шундай ташкиллаштириш имконини берадики, токи у оммавий ҳокимиятнинг белгиланган меъёрига мувофиқ амал қиласди ва ҳақиқатдан ҳам умумий манфаатга хизмат қиласди. Маъмурчилик чоралари воситасида хусусан қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

- маъмурчилик жараёнида қонунийлик таъминланадива маъмурий органларнинг фаолияти аниқ қонун доирасига солинади;
- маъмурчиликнинг холислиги ва адолатлилиги кафолатлари яратилади;
- маъмурчиликнинг ошкоралиги, унинг оммавий (суд, парламент, жамоатчилик) назорати ва ички идоравий назорат учун очиқлиги ошади;
- давлат мансабдор шахсларининг онглилиги, шунингдек, билим даражаси ва касбий маҳорати ўсишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратилади;
- маъмурчиликда хусусий шахс ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари яратилади;
- ҳокимият нуфузи яхшиланади, жамиятнинг маъмурий тизимга нисбатан ишончи ортади;
- маъмурий органларда ягона маъмурчилик амалиёти ривожланиши учун асос яратилади.

Шу тарзда маъмурчиликка оид тартиботлар – бир пайтнинг ўзида маъмурий ҳуқуқнинг барча тамойилларига хизмат қилувчи институтдир. Маъмурчиликка оид тартиботлар маъмурчилик жараёнида оммавий ва хусусий манфаатларнинг уйғун нисбатини, яъни оммавий ҳокимиятнинг адолатли мезонини таъминлаши керак. Албатта адолатли мезон маъмурий органлар ваколати ва фуқароларнинг ҳуқуқларини белгиловчи моддий-ҳуқуқий меъёрларда кўзда тутилиши лозим. Аммо маъмурчилик жараёни ҳам мутаносиб тарзда тартибга солиниши керак, зоро ҳуқуқни қўллаш

жараёнидаadolатли чора бузилмаслиги керак. Агарда моддий жиҳатга ҳукуқий тартибга солишнинг процессуал жиҳати қўлланилса, бунда амалиётдаadolатли мезоннинг қўлланилиши эҳтимоли жиддий равища ошади. Амалга ошириш механизми, яъни процессуал механизм моддий қонун томонидан белгиланган чоранинг бажарилишини таъминлаши керак.

"Маъмурий процедуралар (тартиботлар)" тушунчаси мамлакатимиз фани учун янгилик бўлиб, амалдаги қонунчиликда яқин йиллардагина қўлланила бошланди. Аммо ҳукуқий воқелик сифатида маъмурий процедуралар (тартибот) ҳар доим мавжуд бўлган. Совет даврида ҳам давлат бошқаруви бирмунча батафсил тартибга солинган эди, аммо регламентация асослари ва унга ёндашув хориждаги қоидаларга нисбатан тубдан фарқ қиласи эди. Агарда ривожланган демократик давлатларда давлат бошқарувининг ҳукуқий тартибга солиниши энг аввало оммавий ва хусусий сармоядорларнинг маълум консессусини ифодалаб расмийлаштирган бўлса, совет давлатида бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас эди: давлат-бошқарув фаолиятининг расмий тартиби давлатнинг ташкилий манфаатларига хизмат қиласи эди. Шу сабабли ташкилий-бошқарувга оид регламентлар маъмурий процедуралар (тартиботлар) нисбатан анча пухта ишлаб чиқилган эди. Айни пайтда улар дастлабкиларга нисбатан илова, уларнинг ташқи давоми деб ҳисобланган.

Мустакил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистонда давлат бошқаруви, хусусан, маъмурчилик соҳасида босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳозирги пайтда биз шуни тан олишимиз керакки, Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида амал қилувчи турли туман маъмурий тартиботларни ягона шаклга тушириш бўйича маъмурий ислоҳотларнинг туб мазмунини ташкил этмоқда. Айни пайтда қонунчиликда маъмурий органлар фаолиятининг ягона ҳукуқий стандартлари яратиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса давлат бошқаруви шаффофлигини янада оширишга, лавозим суиистеъмолчиликлари ва порахўрликни олдини олиш ва маъмурий иш юритиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар ҳукуқларининг бузилишини олдини олишга олиб келади. Бунинг баробарида давлат бошқарувининг қонунийлик ва самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз давлат бошқарувида вазиятни сифат жиҳатидан янада яхшилаш учун нима қилиш керак? Шундай қилиш керакки, бутун давлат бошқаруви қонун томонидан белгиланган ягона ҳукуқий стандартга мослаштирилиши зарур. Энг аввало, Конституция ва қонунлар, шунингдек маъмурий ҳукуқнинг ягона тамойиллари негизида маъмурийлаштириш

тартиботларини бирхиллаштириш ва тизимлаштириш зарур. Маъмурчиликнинг энг аҳамиятли жиҳатларини: ишлаб чиқаришни қўзғатиш, керакли тартибда хабардор қилиш, ишни кўриб чиқиш, манфаатдор шахслар фикрларини эътиборга олиш, қарор қабул қилиш ва ҳ.з.ларни ягона тартибда регламентга солиш керак.

### Маълумот учун!!!

“Маъмурий процедуранлар тўғрисида”ги қонуннинг тез орада қабул қилиншии зарурлигини қайд этиши керак. Унда маъмурийлаштиришининг умумий тамоийлари ва ягона ҳуқуқий стандартлари: маъмурий ишларни қўзғатиш, маъмурий қарорларни қабул қилиши, устидан шикоят қилиши ва уларни ижро этиши тартиботлари белгилаб берилади. Бундан кўзланган мақсад маъмурий органлар фаолиятида ошкораликни кучайтириши ва холисликни, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг тегишили ҳимояланишини таъминлашдан иборат.

“Маъмурий тартиботлар тўғрисида”ги қонун давр талабларига ва Ўзбекистон ривожланишининг стратегик манфаатларига жавоб берадиган давлат бошқарувининг келгуси модернизация қилинган тизимининг ўзагига айланмоғи лозим. Қонун мамлакатдаги маъмурий процедура (тартибот)ларнинг ягона тизими асосларини яратади. Бирхиллаштирилган маъмурий процедуранлар (тартибот) давлат бошқаруви тизимини янада тушунарли, содда ва ошкора бўлишини таъминлайди. Халқаро амалиётда синовдан ўтган процедура (тартибот) тамоийлари ва институтларидан фойдаланиши лавозим суиистъемолчиликлари имкониятларини сезиларли равишда камайтиради, маъмурийлаштириши жараёнида маъмурий холисликни ва манфаатдор шахсларнинг ҳимояланишинитаъминлайди.

Савол туғилиши мумкин: бундай стандартни ўрнатиш мумкинми? Жаҳон амалиёти бу саволга тасдиқ жавобини бериш имкониятини яратади. Қайси соҳада бўлмасин, маъмурийлаштириш, моҳиятан бир хил фаолиятдир: давлат-ҳокимиятга оид ваколатларга эга маъмурий орган унинг ваколатига кирувчи муайян масалани (маъмурий ишни) кўриб чиқмоқда ва маъмурий далолатнома орқали уни маълум тарзда ҳал қиласи,

бу эса ушбу жараёнга жалб қилинган манфаатдор шахслар учун юридик оқибатлар келтириб чиқади. Моҳиятан, маъмурий орган ишни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ҳуқуқий меъёрларга, сўнгра ўзининг вазифалари ва функцияларидан келиб чиқувчи ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши керак. Айни пайтда бунда субъектив омилга йўл қўймаслик керак. Маъмурий тизим амал қилишининг умумий идеал модели ана шундан иборат. Ушбу моделга таянган ҳолда маъмурийлаштириш жараёнида маъмурий орган томонидан амалга ошириладиган барча асосий хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи ҳуқуқий стандартларни ишлаб чиқиш керак. Сўнгра ушбу стандартлар давлат бошқарувининг барча барча соҳалари ва тармоқларига уйғунлаштирилиши лозим, фақат шунда бутун давлатда қонунийликнинг базавий даражасини ва маъмурийлаштириш сифатини таъминлаш мумкин.

### **6.3. Маъмурий процедуралар предмети ва амал қилиши соҳаси.**

Демак, маъмурий тартибот – бу маъмурий-бошқарув жараёнини амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиби. Маълумки, маъмурий органлар фаолиятида учта асосий компонентни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) индивидуал характердаги ташқи бошқарув (маъмурийлаштириш);  
масалан, лицензия бериш, корхонани рўйхатдан ўtkазиш,  
хуқуқбузарга нисбатан жазо чораларини қўллаш;
- 2) ички ташкилий фаолият; масалан, таркибий бўлинмани тузиш ёки тугаллаш, идора ходимларига буйруқ бериш, раҳбар буйруғининг бажарилишини текшириш;
- 3) қонун ижодкорлиги фаолияти; масалан, идоравий йўриқномалар, қоидалар; низомларни қабул қилиш.

Маъмурий процедуралар (тартиботлар) фақат биринчи компонентни - индивидуал характернинг ташқи бошқаруви ёки маъмурийлаштиришни тартибга солади. Қолган икки компонент (ички ташкилий фаолият ва қонун ижодкорлиги фаолияти) маъмурийлаштириш тартиботи предметига киритilmайди. Маъмурий органларнинг ички ташкилий фаолияти бошқарув регламентлари билан, қонун ижодкорлиги эса – қонун ости маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни чоп этиш бўйича маҳсус процедуралар(тартиботлар) билан тартибга солиниши керак.

Қонунийлик тамойилига кўра, маъмурий органлар фаолияти қонун асосида амалга оширилиши зарур. Айниқса, маъмурийлаштиришни (ташқи бошқарувни) қонунга бўйсундириш муҳим аҳамиятга эга, зеро айнан у хусусий шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир

кўрсатади. Айнан маъмурйилаштириш амалиётида хусусий шахслар ҳукуқларининг камситилиши эҳтимоли юқоридир. Шунинг учун Ўзбекистонда маъмурйилаштириш пухта тартибини яратиш устида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат қонунчилигига ваколатли орган хатти-ҳаракатлари муддати ва умумий изчиллигини белгилаш билан чегараланиб қолмай, айни пайтда маъмурйилаштиришнинг асосий масалалари ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг асоси сифатида қаралмоқда. Бунинг натижасида маъмурй орган ушбу масалаларни ўз ихтиёрича ҳал қилиши олди олинишига олиб келади.

Булар маъмурй ишлаб чиқаришнинг маъмурй қарорларнинг асослилиги, холислиги ва адолатлилигини белгилаб берувчи масалаларидир. Маъмурй қарорлар юқоридаги талабларга мос бўлиши учун камида қўйидагилар таъмилланиши зарур:

- тегишли тарзда хабардор қилиш; унга нисбатан маъмурй қарор қабул қилинаётган шахс (шуингдек жараёнинг бошқа иштирокчилари) маъмурй орган унга нисбатан ҳукмга оид қарорини қабул қилиш ниятида эканлиги, шуниングдек, мазкур жараёнда ушбу орган амалга оширадиган барча муҳим хатти-ҳаракатлар тўғрисида ўз вақтида ва тегишли тарзда хабардор қилиниши лозим<sup>2</sup>;
- унга нисбатан маъмурй қарор қабул қилинаётган шахс (шуингдек жараёнинг бошқа иштирокчилари) ушбу иш яқунланишига қадар ишга оид барча ҳужжатлар ва материаллар билан таништирилиши лозим;
- сўзи тингланишига бўлган ҳуқуқ; унга нисбатан маъмурй қарор қабул қилинаётган шахсга қарор қабул қилингунига қадар ишга оид барча материалар бўйича ўз фикрини билдириш имконияти берилади, маъмурй орган эса қарор қабул қилишда жараённинг барча иштирокчилари фикрларини эътиборга олиши лозим;
- қарорнинг холислиги ва унинг тегишли тарзда асосланганлиги; тартибот маъмурй қарор холислигининг кафолатларини: рад этиш ҳуқуқи, ишни тайёрлаш, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда ваколатларнинг бўлиниши ҳуқуқи, шикоят қилиш тартибини кўзда тутиши зарур. Ҳар қандай маъмурй қарор тегишли тарзда асосланган бўлиши: мансабдор шахс хулосалари аниқ ифодаланган амалий ва юридик асосларга таяниши зарур;
- маъмурй ечимлар ва хатти-ҳаракатларнинг тегишли тарзда

---

<sup>2</sup>Албатта, унинг ташаббусига кўра иш қўзгатилган аризачини иш қўзгатилгани ҳақида хабардор қилиш шарт эмас.

хужатли расмийлаштирилиши; агарда барча муҳим маъмурий қарорлар ва хатти-ҳаракатлар ягона стандарт асосида маҳсус хужжатлар билан расмийлаштирилса, ҳар доим ҳар қандай мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатларини текшириб чиқиш ва уларни қонунлийлик ёки мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан баҳолаш имконияти мавжуд бўлади; шуниси муҳимки, хужжатларнинг шакллари(шаблонлари)да юқорида кўрсатиб ўтилган табалар бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар берилиши кўзда тутилган бўлиши керак;

- маъмурий хужжат, маъмурий органнинг бошқа ечими ёки хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш бўйича ишончли имконият.

Юқорида санаб ўтилган меъёрлар – маъмурийлаштириш жараёнида қонунийликни таъминловчи кафолатларнинг энг асосийлари дир. Жаҳон амалиётида маъмурийлаштириш жараёнида хусусий шахслар (фуқаролар ва юридик шахслар) хуқуқларининг бошқа кафолатлари ҳам маълум.

Шу тарзда, маъмурийлаштиришнинг барча асосий масалалари бўйича маъмурий ихтиёр чегарасини торайтириш асносида маъмурий процедуралар (тартиботлар) мансабдор шахслар хатти-ҳаракатларини ишончли тарзда қонунга бўйсундиради, маъмурий-бошқарув жараёнининг очиқлигини ва назорат остида бўлишини таъминлайди.

### **МАЪЛУМОТ УЧУН:**<sup>39</sup>

*Масалан, ГФРнинг 1976 йил 25 майдаги Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунининг 25-параграфида маъмурий органнинг “тушуунтиришлар ва илтимосномалар беришда кўмаклашиш, шунингдек, билмаслиги ёки эътиборсизлиги туфайли нотўғри берилган бўлса, буни тузатиш” мажбурияти кўзда тутилган. Белгиланишича, “заруратга кўра у жараён иштирокчиларига маъмурий жараёндаги хуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича маълумот беради”*

Маъмурий процедуралар ҳақида сўз кетганда уларга боғлиқ бўлган айрим тушунчаларга изоҳ беришимиз лозим. Хусусан, маъмурий жараённи маъмурий ишни қўзгатиш ва кўриб чиқиш, маъмурий қарорни қабул қилиш, устидан шикоят қилиш ва ижро этиши бўйича маъмурий тартибот билан тартибга солинган жараён ёки содда қилиб айтганда, маъмурий тартибот билан ташкиллаштирилган маъмурийлаштириш

<sup>39</sup> <sup>1</sup>Bundesrepublik Deutschland Verwaltungsverfahrensgesetz. In der Fassung der Bekanntmachung vom 23.01.2003 (BGBI. I S. 102) // <https://dejure.org/gesetze/BVwVfG>

*тушунилади.* Бу ўринда “маъмурий иш” атамасини аниқлаштириш зарур. Мамлакатимиз юристлари бу атама остида маъмурий ҳукуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни тушинишга одатланган. Аммо маъмурий органлар ўзининг кундалик фаолиятида бошқа кўплаб маъмурий ишларни ҳам кўриб чиқади. Зеро, маъмурий иш – бу моҳиятан маъмурий орган ваколатига кирувчи ва хусусий ҳукмга оид қарор билан ҳал қилинишини, яъни маъмурий ишнинг эълон қилинишини тақозо этувчи масаладир.

### **Маъмурий ишларга мисоллар:**

- корхонани рўйхатдан ўтказиш;
- лицензия бериш;
- рухсатнома (виза, божхона рухсатномалари) бериш;
- давлат мулкини хусусийлаштириш;
- маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш (маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги тўғрисидаги иш);
- давлат нафақасининг тайинланиши.

Бундан кўринадики, маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги иш – бу маъмурий ишларнинг шаклларидан бири. Маъмурий иш – бу индивиудал тусдаги, яъни меъёрланмаган масала. Маъмурий-ҳукуқий тартибга солишини талаб қилувчи масалалар маъмурий иш ҳисобланмайди. Маъмурий органларнинг ички ташкилий масалалари ҳам маъмурий иш ҳисобланмайди.

Маъмурий тартиботлар давлат бошқарувининг барча соҳалари ва тармоқларида талаб қилинади. Маъмурий тартиботларни такомиллаштириш лозим бўлган энг муҳим соҳаларни санаб ўтамиш:

- манфаатдор шахсларни ва улар билан тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш;
- мол-мулк ва уларга оид битимларни рўйхатдан ўтказиш;
- фаолиятнинн айрим турларни рўйхатдан ўтказиш;
- ер участкаларини, ер ости участкалари, ўрмон участкалари, сув обьектларини бериш (сотиш), шунингдек мулкдордан ёки бошқа қонуний мулк эгасидан ушбу участкалар ва обьектларни олиб қўйиш;
- манфаатдор шахсларга давлат ҳисобидан субсидиялар, товон пули, молиявий ва бошқа моддий ёрдам, квоталар, кафолатлар, имтиёз ва афзалликларни бериш;
- давлат мулкини ёки мулкий ҳукуқларни бошқариш;
- манфаатдор шасхларга давлат фондидан тураг-жой ва нотураг-жой хоналарини бериш;
- давлат нафақаси, ёрдам пулини тайинлаш, ҳисоблаш, қайта

хисоблаш ва тўлаш;

- манфаатдор шахснинг қонунчилик йўли билан белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар олиш учун асос берувчи мақомини тан олиш;
- юридик аҳамиятга эга расмий ҳужжатларни бериш;
- божхона ва солиқ муносабатларини тартибга солиш;
- маҳсулот (иш, хизматлар) стандартизацияси, сертификацияси;
- давлат хизмати.

#### **6.4. Маъмурий процедуралар тизими ва тамойиллари.**

Маъмурий процедуралар тизими. Маъмурийлаштиришнинг тўлиқ стандартлаштирилишини таъминлаш учун маъмурий процедуралар (тартиботлар) тизимлаштирилиши, яъни ягона тизим сифатида шакллантирилиши керак. Ўйлаймизки, “Маъмурий тартиботлар тўғрисида”ги қонунда ягона доиравий тартиботни белгилаш ва у асосида маъмурий тартиботларнинг алоҳида соҳалари, тармоқлари ва масалалари учун маҳсус процедуралар (тартиботлар) ишлаб чиқилади. Доиравий маъмурий процедуралар (тартиботлар) деганда маъмурий ишларнинг барча тоифалари учун мажбурий бўлган процедуралар (тартиботлар) кафолатларининг зарурий энг кам миқдорини тушунилади, бунда қонунда кўзда тутилган чиқаришлар ва ҳар қандай маъмурий тартиботларнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қоидалар истисно қилинади. Доиравий процедуралар (тартиботлар) маъмурийлаштиришнинг ҳар қандай соҳаси ёки тармоғида, хусусан, солиқ, божхона муносабатларида ёки лицензия беришда, исталган маъмурий ишни кўриб чиқишида бажарилиши шарт.

Айни пайтда давлат бошқарувининг алоҳида тармоқларидаги маъмурийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини унутмаслик керак. Ушбу жиҳатлар маҳсус қонунчилик, яъни алоҳида тармоқ ва соҳалардаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ва давлат бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича алоҳида масалалар бўйича маҳсус процедуралар (тартиботлар) томонидан ҳисобга олинади. Жумладан, Божхона кодексида ўзининг маҳсус тартиботи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида – ўзининг тартиботи, лицензиялаш тўғрисидаги қонунда – ўзининг тартиботи кўзда тутилиши мумкин. Ушбу барча процедуралар (тартиботлар) доиравий процедуралар (тартиботлар)га мос келиши керак. Маъмурий тартиботлар тизими яхлитлигининг шартлари шулардан иборат.

“Доиравий тартиботлар” тушунчаликни қонун чиқарувчи учун янгиликдир: ҳозирги пайтгача у миллий қонунчиликда қўлланилмаган. Аммо ушбу тушунча асосида турган тамойил (ҳуқуқий тартибга солишга ҳуқуқий ёндашув) анчадан буён қонунчиликда қўлланилади. Бунга


Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яққол мисол бўла олади, унда мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни ва қонунчилик тизимини шакллантиришнинг асосий тамойиллари белгиланган. Бунда Ўзбекистон Республикасининг барча қонулари мамлакатнинг Асосий қонуни асосида ва унда кўзда тутилган кафолатларни ижро этиш мақсадида қабул қилиниши кераклигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бош йўналишни белгилайди, унинг доирасида эса давлат қурилиши ва бошқаруви амалга оширилиши керак.

Доиравий маъмурий процедуралар (тартиботлар) барча маъмурий органлар учун мажбурий бўлган, яъни барча маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш, маъмурий қарорларни қабул қилиш жараёнида амал қилиниши шарт бўлган асосий талаблар (қоидалар) дир. Шу тарзда, доиравий маъмурий процедуралар (тартиботлар) – моҳиятан маъмурийлаштириш конституциясидир.

Маъмурий органлар фаолияти соҳалари, улар олдига қўйилган вазифалар каби хилма хиллиги билан фарқланади. Алоҳида соҳаларда маъмурийлаштиришнинг ўзига хослиги маҳсус маъмурийлаштириш тартиботларида акс эттирилиши лозим. Маҳсус процедуралар (тартиботлар)нинг моҳияти шундаки, улар чегарасидан ташқарига чиқмай, доиравий маъмурий тартиботда кўзда тутилган айрим қоидаларни аниклаштиради. Масалан, улар маъмурий ишни кўриб чиқишининг қисқароқ муддатини, рад этишининг батафсил тартибини, далиллар тадқиқоти ва ҳ.з. нинг қисқароқ муддатини кўзда тутиши мумкин.

Маҳсус маъмурий процедура (тартибот) у ёки бу соҳада маъмурийлаштиришнинг ўзига хослигини эътиборга олиши керак, у доиравий процедур (тартибот)га зид бўлмаслиги керак. Бунинг учун қонун процедуралар (тартиботлар)нинг бундай номувофиқлиги мезонларини белгилаши керак.

## Схема



Процедура (тартибот)лар номувофиқлигини аниқлаш қоидалари Ўзбекистонда маъмурий тартиботларни бирхиллаштириш борасидаги муҳим қадамга айланади. Айнан улар мамлакатдаги процедура (тартибот) механизми тизимининг яхлитлиги кафолати ҳисобланади. Фикримизча, бундай қоидалар моддий-ҳуқуқий меъёрларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Шу тарзда маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда номувофиқликлар ва зиддиятларга оид кўплаб муаммолар ҳал қилиниши мумкин.

Яна шуни қайд лозимки, истисно тарзида маъмурий органлар томонидан фавқулодда ҳолатлар, ҳарбий давр ёки қонунда кўзда тутилган бошқа фавқулодда ҳолатлар учун алоҳида маъмурий процедура (тартибот)лар кўзда тутилиши лозим. Кўрсатилган процедура (тартибот)лар айрим ҳолатларда манфаатдор шахсларнинг доиравий процедура (тартибот)да кўзда тутилган ҳуқуқларини чегаралаши мумкин. Шу тарзда, маҳсус процедура (тартибот)лардан фарқли равишда алоҳида маъмурий процедура (тартибот)лар доиравий процедура (тартибот) чегарасидан чиқиши, маъмурий ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш, шунингдек маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича алоҳида қоидаларни белгилаши мумкин. Аммо бундай процедура (тартибот)лар фақат қонун орқали ва фақат алоҳида ҳолатлар учун белгиланиши зарур.

Маъмурий процедурулар тамойиллари. “Маъмурий процедурулар тўғрисида”ги қонуннинг энг муҳим вазифаларидан бири кейинчалик маҳсус қонунчиликда уйғунлаштириладиган маъмурий процедура (тартибот)ларнинг умумий тамойилларини белгилаш ҳисобланади. Ушбу

тамойилларнинг аксарияти маъмурий хукуқ учун умумий ҳисобланади, айримлари – маъмурий процедура (тартибот)лар учун ўзига хосдир. Хусусан, асосий тамойиллар сифатида маъмурий процедураларнинг қуидаги тамойилларни кўриб чиқиш мумкин: қонунийлик, тингланиш хукуқи, холислик, маъмурий қарорлар ва ҳаракатларнинг етарли даражада асосланганлиги, қонунчиликдаги ноаниқликларни манфаатдор шахслар фойдасига шарҳлаш, ошкоралик, расмиятчиликка йўл қўймаслик, мазмунлилик, мутаносиблик.

### **Назорат саволлари:**

1. Маъмурий процедуралар тушунчасига тавсиф беринг.
2. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларнинг ҳолати қандай?
3. Ўзбекистон Республикасида «Маъмурий» процедуралар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, маъмурий процедураларга тавсиф беринг.
5. Ўзбекистон Республикасида қайси қонунларда маъмурий процедураларнинг белгилари мавжуд.
6. Маъмурий процедураларнинг ижобий томонларига тавсиф беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

10. Административное право. Учебник. Под.ред. П.Т.Василенкова. М., 1990.
11. Административное право. Учебник Под.ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. Москва, Юристъ, 2000 г.
12. Бахрах Д.Н. Административное право. Москва, 1993 г.
13. Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993 г.
14. Манохин В.М., Адушкин Ю.С., Багишаев З.А. Российское административное право. М., Юрист, 1996 г.
15. Овсянко Д.М. Административное право: учебное пособие. М., Юрист, 1996 г.
16. Старилов Ю.Н. Служебное право. Учебник. Москва, БЕК, 1996 г.
17. Э.Хожиев. Т.Хожиев Маъмурийхукуқ. Дарслик, Тошкент-2006
18. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011

## **IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

Ўқув машғулотларининг асосий турларидан ҳисобланган маъруза, семинар, назорат ишлари, лаборатория дарси, консультация ўтказиш кабилар қаторида амалий машғулотларни ўтказиш ҳам алоҳида ўринга эга ҳисобланади. У ўқув ҳамда касбий-амалий кўникмаларнинг шаклланишига замин яратади.

Амалий машғулотларнинг таркиби ва мазмуни унинг амалдаги дидактик мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади: амалий кўникмаларни шакллантириш:

- касбий (келгусидаги касбий фаолиятида зарур бўлган муайян ҳаракатлар, операциялар бажариш);
- ўқув (халқаро-ҳукуқий фанлар доирасида кейслар ёки казуслар ечиш), яъни келгусидаги ўқув жараёнида муҳим бўлган.

### **Норматив-ҳукуқий хужжатни шарҳлаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган торшириқ**

**Ишдан мақсад:** Мавзусига оид қонунчиликни амалий аҳамиятини ошириш мақсадида тингловчиларга қонунларнинг муҳокамага сабабчи бўладиган нормаларини тарқатиш ва уларни шарҳлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

**Масаланинг кўйилиши:** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади”.

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз? Олий вакиллик органи деган иборани изоҳланг.

#### **(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

**Ишни бажариш учун намуна:** Тингловчи нормани шарҳлашда шарҳланиётган қонунчиликка оид бўлган амалдаги қонун ҳужжатлари, назарий маълумотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлади.

### **Амалий машғулот топшириқлари 1-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати обьектидир.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

## **(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

### **2-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, “Қонунчилик палатаси, Сенат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

## **(3 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

### **3-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

## **(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

### **4-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, “Давлат органига келиб тушган мурожаатлар шу орган томонидан ёки унинг мурожаатларни кўриб чиқиши бўйича мажбуриятлар зиммасига юклатилган мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилади..”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

## **(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

### **5-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, “Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг хуқукий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичидан ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

## **(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

## **6-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, “Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида давлат ҳокимияти вакили ҳисобланадилар. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ ҳақидаги қонун хужжатларига риоя қилиш хусусидаги талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

**(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

## **7-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, “Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.”

Мазкур қоидани сиз қандай шарҳлайсиз?

**(200 сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

## **8-топшириқ**

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари кўйидагилардан иборат:

- 1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;
- 2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик;

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

- 3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажаришдан иборатлиги белгиланган.

Ушбу қоидаларни сиз қандай шарҳлайсиз? Қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги деган тушунчани изоҳланг.

**(200 та сўздан кам бўлмаган ҳолда)**

## **Ақлий хужум топшириқ**

### **1-топшириқ**

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиниш имкониятини яратиб берили лозимлиги қоидаси

белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларида даҳлдор бўлган ҳужжатларни ва қарорларни шаффоф (транспарент)лигини таъминлашни ҳуқуқий асослантирилган йўлларини келтиринг.

**(10 дақиқа тайёргарлик қўриш учун)**

б) жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг турларини келтиринг.

**(10 дақиқа тайёргарлик қўриш учун)**

**2-топшириқ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Конституциянинг 81-моддасида назарда тутилганлардан (Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлагандан, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлагандан) ташқари яна қайси ҳолларда ўтказилиш мумкинлигини ҳуқуқий асослантирган ҳолда айтинг.

**(10 дақиқа тайёргарлик қўриш учун)**

**3-топшириқ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. Давлат бошлиғи ушбу муҳим функциясининг амалга ошириш шаклларини ҳуқуқий асослантирган ҳолда айтинг.

**(10 дақиқа тайёргарлик қўриш учун)**

**Жамоада ишлаш бўйича топшириқ**

**1-топшириқ**

Фуқароларнинг конституциявий-сиёсий хуқуқларидан бўлган сайлов ҳуқуқи энг муҳим институт ҳисобланади. Бугунги кунда сайлов тизимида мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари фарқланади ҳамда кенг муҳокамага сабаб бўлган. Сизнинг вазифангиз икки гурух кесимида мажоритар ва пропорционал сайлов тизимининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан асослаб мисоллар келтириш.

Биринчи гурух ижобий томонлар бўйича тақдимот қиласди, иккинчи гурух эса салбий томонлари бўйича тақдимот қиласди.

**( 2 та гурух бўлингани ҳолда, 10 дақиқа тайёргарлик қўриш учун)**

**2-топшириқ**

Парламентнинг юқори палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш масаласи ҳорижий мамлакатларда кўп марота муҳокама қилинган ва унинг ижобий ҳамда салбий томонлари баҳс мунозарарага сабаб бўлган.

Сизнинг вазифангиз икки гурух кесимида юқорида келтирилган масала бўйича ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан асослаб мисоллар келтириш.

**(2 та гурухга бўлинган ҳолда, 10 дақиқа тайёргарлик кўриш учун)**

### **3-топшириқ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти айни пайтда ижро ҳокимиятининг бошлиғи эканлиги хақида қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан 2007 йилда чиқарилгани билан, унинг ижро ҳокимиятидаги ўрни катта ўзгаришсиз қолди. Мазкур масала олим ва тадқиқотчилар орасида кўп маротаба муҳокама қилинган ва унинг ижобий ҳамда салбий томонлари баҳс мунозарага сабаб бўлган.

Сизнинг вазифангиз икки гурух кесимида юқорида келтирилган масала бўйича ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан асослаб мисоллар келтириш.

**(2 та гурухга бўлинган ҳолда, 10 дақиқа тайёргарлик кўриш учун)**

### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Э.Хожиев. Т.Хожиев Маъмурийҳуқук. Дарслик Тошкент-2006
2. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. – Т.: Konsauditinform-nashr. 2012.
3. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011
4. Steffen Detterbeck. Allgemeines Verwaltungsrecht: mit Verwaltungsprozessrecht. 2013.
5. Peter Leyland, Gordon Anthony. Administrative Law. Seventh Edition, 2012.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Казус 1

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд хуқуқ масалалари қўмитаси 2016 йил 2 чорак апрель ойидаги навбатдаги мажлиси кун тартибига Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиб тўғрисида”ги қонуни ижросини муҳокама қилишни қўйди. Тегишли тартибда мутасадди ташкилотларга сўровлар юборилди.

Аммо қўмита депутатлари олинган маълумотлар асосида мазкур қонун ижросини муҳокама этиб бўлмайди деган хulosага келишди ҳамда қайта сўров юборилди. Аммо сўровга тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан мазкур маълуотлар парламент назорати обьектига кирмайди деган важ кўрсатилган жавоб хати олинди.

**Савол:** *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ҳамда таҳлил қилинг.*

### Казус 2

Ўзбекистон Республикаси парламенти Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган чет эл “ЭЛБРУС” инвостиция ташкилотининг баъзи молиявий ишларини кузатиб борди ва унинг фаолиятида жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланди. Шунинг учун парламент сўрови асосида хорижий фирмадан молиявий ҳисоб китоблар ва пул ўтказмалари тўғрисида барча маълумотларни беришни талаб қилди.

Аммо хорижий ташкилот бу ҳаракатлар қонунга зид эканлигини такидлаб, бу борада парламент назорати ваколатларига кирмаслигини билдириди.

**Савол:** *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Парламент сўровининг доирасини белгилаб беринг. “ЭЛБРУС” инвостиция ташкилотининг раддияси қонунчилик ҳуҗжатларига қанчалик мувофиқ?*

### Казус 3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Навоий вилояти Нурота туманининг бир гурӯҳ фуқаролари томонидан туманинг айrim ҳудудларида ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тизими умуман ишдан чиққанлиги бўйича шикоят келиб тушди. Сенат раиси мазкур масалани тегишли қўмитага ўрганиб чиқиш ва тегишли чора қўриш учун топширди. Тегишли қўмита мазкур масала ижро ҳокимияти ваколатига тегишиб эканлиги боис уни қўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлигига юборди.

**Савол:** *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати вазифалари нимадан иборат бўлиши лозим?*

## **Казус 4**

Олий Мажлис Конунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидағи ижросини ўрганиш якунларига бағишлиланган кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Конуннинг ижроси бўйича назорат-таҳлил тадбирини амалга ошириш давомида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вазирликнинг Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти бошқармаси, вазирлик тасарруфидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, Фарғона вилояти ва Олтиариқ тумани ҳокимияти ҳамда “Ўзстандарт” агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси фаолияти ўрганилганлиги қайд этилиб унинг натижалари муҳокама этилди. Шунингдек, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари билан бирга ахборот соҳасининг мутахассислари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат ишчи гурухининг аниқлашича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Конунни амалиётга тадбиқ этиш борасида бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди.

Қўмита йигилиши якуни бўйича қабул қилинган қарорда бир қатор ижро ҳокимияти органларига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича мажбурият юклади.

**Савол:** *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Мазкур ҳолатда ҳокимиятлар бўлинини принципини қўллаш механизмини таҳлил қилинг.*

## **Казус 5**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги 1446-сонли Қарорида кўзда тутилган Ўзбекистон миллий автомагистрали ёқасида инфраструктура ва сервис обьектларини қуришни мақсадли параметрларининг (Бухоро-Қарши-Ғузор-Термиз участкасида) бажарилиши ҳақидаги Қўмитанинг 2013 йил 24 майдаги 17-сонли қарорининг ижросини ўрганиш натижалари якунларига бағишлиланган йигилиш ўтказилди. Йиғилишда Қўмитанинг қарори билан мутасадди ташкилотлар иштирокида йўл қўйилган камчиликларни танқидий муҳокама қилиш ва чора-тадбирлар белгилаш вазифаси кўрсатилган бўлишига қарамасдан Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида Қўмита қарори тегишли ташкилотлар иштирокида муҳокама қилинмаган ва чора-тадбирлар белгиланмаганлиги қайд этилди.

Натижада, тегишли мансабдор шахслар маъсулиятсизлиги оқибатида Сурхондарё вилоятида 18 та инфраструктура ва сервис обьектларидан 4 таси фойдаланишга топширилган, Бухоро вилоятида эса бугунги кунда тўлиқ

фойдаланишга топширилиши керак бўлган жами 18 та объектдан атиги 3 таси фойдаланишга топширилган.

Таъкидландики, инфраструктура ва сервис объектларидан қурилишлари параметрларининг бажарилмаслиги ҳолатларига асосан вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан тадбиркорлик субъектлари тўғри танланмаганлигига, тадбиркорлар томонидан ишларни тўғри ташкил этилмаганлигига ва уларнинг молиявий имконияти етмаганлигига қарамасдан мутасадди ташкилотлар томонидан кредит масалалари ўз вақтида ҳал этилмаганлигига ҳамда буюртмачилар томонидан тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ишлари кечиктирилганлиги сабаб бўлаётганлиги таъкидланди. Йиғилишда мазкур йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Савол:** *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг. Мазкур ҳолатда қўмита қарорларини самарали ижро этиши механизмини таҳлил қилинг.*

## Казус 6

Туман давлат божхона бошқармаси бошлиғи Исмоилов Б. ўринбосари Қодиров Д.ни давлат мукофотига тавсия қилди. Мазкур ташкилотда ишлайдиган бўлим бошлиғи Усмонов А. бошқарма бошлиғининг мазкур қарори қонуний эмас деб ҳисоблаб ўз эътирозини билдириди. Чунки у мазкур ташкилотда 25 йилдан бери ишлашини ва тажрибаси Қодиров Д.дан юқори эканлигини билдириди. Бошқарма бошлиғи Исмоилов Б. бундай қарорни ўзи мустақил қабул қилишини агар норози бўлса ишдан бўшашиб ҳақида ариза ёзиши мумкинлиги ҳақида кескин жавоб берди.

**Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Туман давлат божхона бошқармаси бошлиғи Исмоилов Б.нинг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.*

## Казус 7

Вилоят Статистика бошқармаси ходими И. Ахмедов ўз аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқди. Ушбу ҳаракатдан хабар топган Статистика бошқармаси бошлиғи у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди. И. Ахмедов бошқарма бошлиғи уни асоссиз равишда ишдан бўшатганлигидан норози бўлиб судга шикоят қилди.

**Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Статистика бошқарма бошлигининг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.*

## Казус 8

2014 йил сентябрь ойида туман ҳокими лавозимига тайинланган Б. туман худудида янги қўшма корхона қуриш масаласини ҳал қилиш учун бир йил олдин олган рухсатнома ёзуви стикери асосида Германия давлатига чиқиб келди. Қайтиб келгандан сўнг, унга нисбатан маҳсус келишувсиз чет элга чиқиб келиш

қоидасини бузган деб топилиб маъмурий жавобгарлик белгиланди. Туман ҳокими давлат хизматчиси ҳисобланишини ҳамда давлат хизмати муносабати билан чет давлатига чиққанлигини асос қилиб судга шикоят билан чиқади.

**Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Туман ҳокимининг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.*

### **Казус 9**

2014 йилнинг июнь ойида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори Д.Йўлдошев ўриндошлиқ асосида Тошкент шаҳрида жойлашган мактаблардан бирига директор ўринbosари лавозимига тайинланади. 2014 йилнинг сентябрь ойида мактаб фаолияти билан боғлиқ масала бўйича чет элга бориш мақсадида 2 йил мобайнида амал қиласидан руҳсатнома ёзуви стикери расмийлаштириш учун Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Кириш-чиқиши ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига мурожаат қиласиди. Бошқарма ходими Д.Йўлдошевни чет элга чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан маҳсус келишувни талаб қиласиди. В.Комилов чет элга «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ фаолияти билан боғлиқ масаласи бўйича эмас, балки мактаб фаолияти билан боғлиқ масала бўйича кетаётганлигини таъкидлайди.

**Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бош директори Д.Йўлдошевнинг ҳаракатларини ҳуқуқий таҳлил қилинг.*

### **Казус 10**

Фуқаро Содиқов Н. иш билан таъминлашларини сўраб бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат этди. Марказ Содиқов Н.нинг мутахассислиги ва қизиқишига мос келувчи иш таклиф қиласиди ва Содиқов Н. га бўш иш ўрни мавжуд бўлган, йўлланмада кўрсатилган муассасага боришга тайинлади. Содиқов Н. йўлланма бўйича тегишли муассасага борганда муассаса раҳбари Исломов Б. ҳозирча иш билан таъминлай олмаслигини, Содиқов Н ни кадрлар захирасига жойлаши мумкинлигини айтиб, турли баҳоналар билан уни қайтариб юборади.

**Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг*

### **Казус 11**

2014 йил 10 сентябрь куни фуқаро Содиқов Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекцияси томонидан мол-мулк солиғини тўлаш тўғрисида тўлов хабарномасини олди. Фуқаро тўлов хабарномасида назарда тутилган 110 000 (бир юз ўн минг ) сўм солиқ суммасини ўз вақтида хабарномада

кўрсатилган микдорда тўлади. 2014 йил 22 сентябрь куни фуқаро Содиков Д. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекциясига иш жойига тақдим этиш учун мол-мулк солиғидан қарзи йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани олгани борганда солиқ суммасини 23 000 (йигирма уч минг) сўм қўпроқ тўлагани маълум бўлди. Мазку ҳолат бўйича фуқаро солиқ органига мурожаат қилди. Солиқ органи бунга сабаб сифатида тўлов хабарномасида солиқ суммаси солиқ инспекцияси ходимининг эътиборсизлиги туфайли ошириб кўрсатилганлигини, ортиқча тўланган солиқ суммасини фуқаро Д. томонидан 2015 йил учун тўланадиган мол-мулк солиғи сифатида ўтказиб юборилишини маълум қилди. Лекин, фуқаро Содиков Д. 2015 йилда ўзига тегишли бўлган мол-мулкларни сотиб юбориши мумкинлигини айтиб, ортиқча тўланган солиқ суммасини зудлик билан унга қайтариб берилишини талаб қилди.

**Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## **Казус 12**

“Камол” фирмаси озиқ-овқат моллари сотишга ихтисослаштирилган савдо комплексини қуришни режалаштириди. Савдо комплексини қурилишининг электро монтаж босқичига келганда лойиҳалаш ва электро монтаж ишларини амалга ошириш учун жалб қилинган “SOFT” пудратчи фирмаси объектнинг энергия таъминоти лойиҳа ( қуввати 10 кВтдан ортиқ)сига хulosса олиш учун 2014 йил 21 сентябрь куни ариза (бошқа талаб этилган хужжатлар билан бирга) билан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлимига мурожаат қилди. Ариза қабул қилингандан 12 кун ўтишига қарамасдан «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлими хulosса бермади. “SOFT” пудратчи фирмаси директори мазкур ҳолат бўйича 2014 йил 4 октябрь куни «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлими масъул шахсини лойиҳани тасдиқлатмаган ҳолда қуришни монтаж ишларини амалга оширишни бошлашлиги тўғрисида огоҳлантириди ва монтаж ишларини бошлаб юборди. Савдо комплекси бир ойдан сўнг тўлиқ битказилди. “Камол” фирмаси раҳбари электр ўлчагич ўрнатиш ва истеъмолчи сифатида рўйхатга олиш бўйича тегишли органга мурожаат қилди. Лекин, ваколатли орган савдо комплексини монтаж ишлари «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг худудий бўлими томонидан тасдиқланмаган лойиҳа асосида амалга оширилганлигини асос қилиб, мурожаатни рад этди.

**Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## **Казус 13**

2014 йил 20 март куни фуқаро Рашидов К. нафақа ёшига етгани муносабати билан туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилди. Ижтимоий таъминот масъул ходими фуқаро Рашидов К.га олиб келиши лозим бўлган хужжатлар рўйхатини тақдим қилди. 2014 йил 10 май куни фуқаро Рашидов К.

талаб этилган хужжатларни йиғиб келди ижтимоий таъминот бўлими ҳодимига тақдим қилди. Ходим қеракли хужжатларни қабул қилиб олгач фуқаро Рашидов К. га бир ойдан кейин келишини айтди. Шу орада Рашидов К. оғир бетоб бўлиб қолди ва икки ой давомида даволанишга тўғри келди. Икки ойдан сўнг туман ижтимоий таъминот бўлимига келди. Бўлим ҳодими фуқаро кечикканлиги туфайли яна бир ойдан кейин келишини айтди.

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.*

## **Казус 14**

Тошкент шахри Олмазор туманида яшовчи фуқаро Комилов К. ўзига қарашли ер участкасида 6 хонадан иборат турар-жой биноси қурди. Орадан 10 йил ўтгач фуқаро Комилов К.нинг ҳовлиси жойлашган ҳудуддан автомобиль магистрал йўли қуриш лойиҳаси давлат дастурига киритилди. Мазкур ҳолат бўйича ҳокимият вакили фуқаро Комилов К.га қарашли ер ўрнига бошқа ер берилишини, уй-жой қуриш учун эса маблағ берилмаслигини таъкидлаб ўтди. Бундан норози бўлган фуқаро Тошкент шахри Олмазор туман ҳокимиятига уй қуриш учун маблағ таъминлаш юзасидан мурожаат қилди. Туман ҳокимияти масъул ҳодими мурожаатни асоссиз деб топиб, сабаб сифатида уйнинг қурилиши рухсатсиз амалга оширилганини маълум қилди.

### **Савол:**

*Мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг. Фуқароларнинг ўзларига тегишли ер участкасида бино қуриш учун рухсат бериши ва давлат еҳтиёжлари учун фуқароларга тегишли бўлган ер участкаларини олиб қўйиш тартибини белгиловчи процедураларни (хорижий мамлакатлар мисолида) таҳлил қилинг ва тақомилаштириши юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдиринг.*

## **Казус 15**

2003 йил 15 март санасида Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият ҳаётига доир муҳим масала референдумга қўйилди. Тошкент шаҳар Учтепа туманида вактинчалик рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси Б.Саидов референдумга овоз бериш учун борганда овоз берувчилар рўйхатида унинг исми шарифи йўқлиги маълум бўлди. Овоз бериш участкаси котиби фуқаро Б. Саидов яшаш жойида вактинчалик рўйхатда турганлиги туфайли сайловчилар рўйхатига киритилмаганлигини маълум қилди. Доимий турар жойида ташкил этилган овоз бериш участкасида референдумда қатнашиши тўғрисида маълумот берилди. Бундан норози бўлган фуқаро Б.Саидов прокуратура органига шикоят қилди. Прокуратура ҳодими ушбу масала фуқаролик ишлари бўйича судга тегишли деб шикоятни рад этди. Бу орада референдум тугаб, натижалар чиқди.

### **Савол:**

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

*Референдумда овоз бериши тартибини қонун ҳужжатлари асосида ёртинг.*

## **Казус 16**

2014 йилнинг сентябрда Бухоро вилоятида яшовчи 19 ёшли Ўзбекистон Республикаси фуқароси Б.Комилов 2014 йил 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловлар жараёнида сайлов комиссияси аъзолигига қабул қилиниши учун мурожаат қилди. Аммо раҳбарият сайлов комиссиясига аъзолик учун халқ орасида ҳурмат қозонган, ёши 25 дан катта бўлиши лозимлигини таъкидлаб, унинг мурожаатини рад этдилар. Бундан норози бўлган фуқаро Б.Комилов прокуратурага мурожаат қилди. Прокурутура ходими Ш.Саидов ушбу масала бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши лозимлигини айтиб ўтди.

### **Савол:**

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

*Сайлов комиссияси аъзолигига қабул қилиниши учун қандай талаблар қўйилган? Фикрингизни ҳуқуқий асослантириб баён қилинг.*

## **Казус 17**

2002 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикасида давлатва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим масала юзасидан референдум ўтказиш тўғрисида эълон қилинди. Андижон вилоятида яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси Х.Комилов Асака шаҳар сайлов комиссияларидан бирининг таркиби аъзо сифатида киритилди. Аммо, сайлов комиссияси раҳбари уни Асака шаҳар прокурори Б.Қосимов билан шахсий адовати мавжудлигини рўкач қилиб сайлов комиссиясидаги аъзолигини тўхтатишини маълум қилди. Бундан норози бўлган фуқаро Х.Комилов Андижон вилоят прокурорига шикоят аризасини ёзди. Вилоят прокурори бундай турдаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга тегишлилиги туфайли шикоятни рад этди.

### **Савол:**

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

*Сайлов комиссияларининг ташкил этилиши тартиби ва комиссия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбурияtlарини аниқланг.*

*Сайлов жараёнига давлат ҳокимият органлари аралашиш ҳуқуқига эгами? Фикрингизни ҳуқуқий асосланг.*

## **Казус 18**

2014 йил октябрда фуқаро Р.Рашидов сайлов участкасига мурожаат қилиб ўзини сайловчилар рўйхатига киритиб қўйишини сўрайди. Участка раиси унга аниқ сайловчилар миқдори бор эканлигини, сайловчилар рўйхатга олинган вақтда у яқшаш жойида бўлмаганлиги туфайли киритилмаганлигини таъкидлайди. Ўз навбатида, Р.Рашидов бир кун аввал Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлганлигини ва барча фуқаролар каби сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эгалигини айтиб ўтди. Сайлов участкаси раиси Р.Рашидов билдирган важларга эътибор қаратмасдан, рўйхатга олиш жараёни якунланганлигини ва рўйхат юқори турувчи комиссияга тақдим этилганлигини

маълум қилди. Р.Рашидов юзага келган ҳолат бўйича жиноят ишлари бўйича туман судига шикоят аризаси билан мурожаат қилди.

**Савол:**

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

*Сайловчилар рўйхатини шакллантириши тартибини қонун ҳужжатлари асосида ёритинг.*

*Участка сайлов комиссияси раисининг харакатлари тўғрими?*  
*Фикрингизни ҳуқуқий асослантирг.*

**Казус 19**

Фуқаро Ю.Обидов ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида туман ички ишлар органига мурожаат қилди. Ички ишлар органи ушбу мурожаат бошқа органларига тааллуқли эканлиги боис, уни туман прокуратурасига юборди. Туман прокуратуроси ички ишлар идораси ишдаги айrim ҳолатларни инобатга олмаганлигини келтириб, бу масала бўйича ички ишлар идорасига шуғулланиши лозимлигини қайд этиб мурожаатни ички ишлар идорасига қайтарди. Бу орада қонунда белгиланган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш муддати ўтиб кетди. Фуқаро ички ишлар идорасига мурожаатнинг натижасидан хабардор бўлиш учун борганида ушбу шикоятни қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқишлигини айтди. Ушбу ҳолатда қонунийлик принципига қанчалик риоя этилган.

**Савол:**

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

*Қонунийлик принципини ёритинг.*

*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожсаатларини кўриб чиқиши тартиби ва муддатларини қонун ҳужжатлари асосида ёритинг.*

**Казус 20**

“А.” Сиёсий партия парламентга бўлиб ўтадиган сайловларда муваффақиятли қатнашиш мақсадида ўзи билан узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси асосида фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотдан ҳамда сиёсий платформасида акс эттирилган гоя ва мақсадларига хайриҳо бўлган чет эл фуқаросидан кўп микдорда чет эл валютасидаги хайрия ёрдамини олди. Олинган маблағлар ҳисобидан сиёсий партия номзодлар билан учрашувларни ташкил этди, учрашувларга келган фуқароларга ўз ҳисобидан дастурхон ташкил этди, эсадлик совғаларини ҳадя қилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва банк-молия идоралари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси партияни сайлов жараёнида иштирок этишдан четлатди. Сиёсий партияning фаолларидан бири мазкур қарордан норози бўлиб Конституциявий судга шикоят аризаси билан мурожаат этди.

**Савол:**

*Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

*Сиёсий партияларни молиялаштириши тартиби ва шартларини қонун ҳужжатлари асосида аниқланг.*

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ**

Мустақил ишни ташкил этиш жараёнида тингловчига ушбу фан мавзулари доирасида кўтарилаётган назарий ва амалий муаммолар бўйича илмий тақдимот тайёрлаш ва уни тақдим этиш талаб этилади. Унга тайёргарлик давомида унга берилган мавзу бўйича тегишли халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар, маҳсус адабиётлар: монографиялар, диссертация авторефератларини, мавзуга тааллуқли илмий журналлардаги тегишли мақолаларни (асосан хорижий мамлакатлар муаллифларининг), интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари материалларини ўрганиб, таҳлил этиши лозим. Шундан сўнг, тингловчи, юқоридаги манбаларга асосланган ҳолда, янги информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда илмий тақдимотини амалга оширади. Яъни, у тайёрлаган тақдимотини слайдлар ёрдамида намойиш этиши лозим бўлади. Тингловчи илмий тақдимотни тайёрлаш ва тақдим этиш жараёни ва уни баҳолаш мезонлари бўйича алоҳида ишлаб чиқилган услубий кўрсатмага амал қилган ҳолда ўз ишларини тайёрлашлари керак.

#### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

<b>№</b>	<b>Мавзу</b>	<b>Назорат шакли</b>
1.	Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг конституциявий асослари ва тамоиллари	Тақдимот
2.	Ўзбекистон Республикаси конституциясининг яратилиши ва такомиллаштириш истиқболлари	Эссе
3.	Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш муаммолари	Ёзма
4.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш асоси	Тақдимот
5.	Ташқи сиёsatнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари	Ёзма
6.	Маъмурий ҳуқуқ ва давлат хизматинингўзаро муносабати	Тақдимот
7.	Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг ҳуқуқий асослари	Тақдимот
8.	Давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақоми	Ёзма
9.	Маъмурий процедураларнинг шакллантириш тарихи	Тақдимот
10.	Маъмурий процедураларни тартибга солиш масалалари	Ёзма
11.	Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедураларга оид қонунчиликнинг ҳолати	Тақдимот
12.	Ўзбекистон Республикасида «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги Конунни қабул қилиш зарурияти	Тақдимот
13.	Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суд судьясининг мақоми	Тақдимот

14.	Жамият ва шахс муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиш масалалари	Ёзма
15..	Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари таъминлашнинг конституциявий асослари	Тақдимот
16.	Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг роли.	Тақдимот
17.	Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари	Тақдимот
18.	Ўзбекистон Республикасида фуқаролик.	Ёзма
19.	Диний ташкилотлар – жамоат бирлашмаси сифатида	Тақдимот
20.	Оиланинг конституциявий асослари	Эссе
21.	Фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.	Тақдимот
22.	Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш муаммолари.	Ёзма
23.	Ўзбекистонда Президентининг ҳуқуқий мақоми	Ёзма
24.	Президентнинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва роли	Тақдимот
25.	Ўзбекистон Республикасида Парламент ислоҳотларининг зарурияти, тажриба ва муаммолари	Тақдимот
26.	Ўзбекистон Республикаси Сенати: қонунчилик фаолияти, назорат ва минтақалар билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари	Тақдимот
27.	Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: назария ва амалиёт масалалари.	Ёзма
28.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми.	Ёзма
29.	Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятидаги маъмурий процедураларни такомиллаштириш масалалари	Ёзма
30.	Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари	Эссе

## VII. ГЛОССАРИЙ

<i>Tушунча</i>	<i>Ўзбек тилидаги изоҳи</i>	<i>Definition in English</i>
<b>Депутат</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фукароси депутат ҳисобланади.	The deputy is the citizen of the Republic of Uzbekistan elected member of Legislative chamber Oly Majlis of the Republic of Uzbekistan and registered by Central Election Commission of the Republic of Uzbekistan, according to the Law of the Republic of Uzbekistan "On elections to the Oly Majlis of the Republic of Uzbekistan".
<b>Парламент назорати</b>	парламент ва унинг тузилмаларининг ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартиба солиш даражасини ўрганиш, қонун ҳужжатлари қоидаталабарини ижро ҳокимияти органлари ва бошқа юридик ва мансабдор шахслар томонидан ҳаётга тадбиқ этиш ҳолатини кузатиш, қонунларни ижро этиш жараёнида мавжуд тўсиқ, камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид тегишли қарорлар қабул қилиш билан боғлик ташкилий-хуқуқий фаолиятидир.	Parliamentary control is a system norms, regulating an order of supervision and checks of activity of bodies executive power, which it is carried out as parliamentary majority and opposition, and auxiliary structures of the highest legislature it is also directed on assessment of this activity with possible application of sanctions (vote of no confidence, resolutions of censure, other)
<b>Сенат</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида	The Senate of the Oliy Majlis is the upper chamber of the Parliament of Uzbekistan. Being a chamber of territorial representation, the Senate consists of 100 senators (84 of them are elected, and 16 are appointed by the President of the Republic of Uzbekistan) for a 5 year term. The Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan shall be the chamber of

<i>Tушунча</i>	<i>Ўзбек тилидаги изоҳи</i>	<i>Definition in English</i>
	мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миёдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.	territorial representation and consist of members of the Senate (senators). Members of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan shall be elected in equal quantity — per six persons — from the Republic of Karakalpakstan, regions and the city of Tashkent by secret ballot at relevant joint sittings of deputies of Zhokarghy Kenes of the Republic of Karakalpakstan, representative bodies of state authority of regions, districts, cities and towns from among these deputies. Sixteen members of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan shall be appointed by the President of the Republic of Uzbekistan from among the most authoritative citizens with large practical experience and special merits in the sphere of science, art, literature, manufacture and other spheres of state and public activity.
<b>Конунчилик палатаси</b>	Конунчилик палатаси (куйи палата) бир юз эллик депутатдан иборат. Конунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хуқуки асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Конунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.	The Legislative chamber (lower house) consists of hundred fifty deputies. Hundred thirty five deputies of Legislative chamber are elected on the basis of general, equal and a direct suffrage at ballot on territorial one-mandatory constituencies on a multi-party basis. Fifteen deputies of Legislative chamber are elected from the Ecological movement of Uzbekistan.
<b>Сенатор</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланган ва «Ўзбекистон	Senator is the citizen of the Republic of Uzbekistan elected member of Senate Oly

<b>Тушунча</b>	<b>Ўзбек тилидаги изоҳи</b>	<b>Definition in English</b>
	Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сенатор ҳисобланади.	Majlis of the Republic of Uzbekistan and registered by Central Election Commission of the Republic of Uzbekistan according to the Law of the Republic of Uzbekistan "On elections to the Oly Majlis of the Republic of Uzbekistan", and also appointed the President of the Republic of Uzbekistan.
<b>Парламент сўрови</b>	Қонунчилик палатасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан йўлланадиган сўрови.	The legislative chamber, the Senate has the right to send parliamentary inquiry to officials of state governing bodies with the requirement to make a reasonable explanation or to state the position on performance of laws, state programs in various spheres and to other major questions entering their maintaining.
<b>Сенатор сўрови</b>	Сенат аъзосининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан йўлланадиган сўрови.	The Senator has the right to send to officials of state governing bodies inquiry with the requirement to make a reasonable explanation or to state the position, as a rule, on the questions connected with ensuring the rights and legitimate interests of voters of the respective constituency or the Ecological movement of Uzbekistan, on the questions connected with interests of the respective regions.
<b>Депутат сўрови</b>	Қонунчилик палатаси депутатининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуклари ва қонуний	The deputy of Legislative chamber has the right to send to officials of state governing bodies inquiry with the requirement to make a reasonable explanation or to state the position, as a rule, on the questions connected with ensuring

<i>Tушунча</i>	<i>Ўзбек тилидаги изоҳи</i>	<i>Definition in English</i>
	манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан йўлланадиган сўрови.	the rights and legitimate interests of voters of the respective constituency or the Ecological movement of Uzbekistan, and the member of the Senate — on the questions connected with interests of the respective regions.
<b>Парламент текшируви</b>	жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан ўтказиладиган маҳсус текширув.	For studying of the concrete facts or events encroaching on the most important interests of society and state capable to make negative impact on safety bases, a sustainable development of the country the joint decision of chambers Oly Majlis parliamentary investigations can be made.
<b>Давлат хизмати</b>	давлат хизмати, ҳукуматнинг маъмурий хизмати ёки армия куролли кучларидағи эксклюзив хизмати	the administrative service of a government or international agency exclusive of the armed forces.
<b>Давлат хизматчиси</b>	давлат хизматчиси, ҳукумат тизимида ишлайдиган шахс, сивил (фуқаровий) хизмат — давлат хизматида ишлайдиган шахс.	a person who works for the government : a person who works in the civil service.
<b>Меҳнат хизмати</b>	ҳукуматнинг касблар юзасидан бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар тўплаш ва улар юзасидан иш берувчилар учун муносиб ишчи-ходимлар ҳақида ахборот тақдим этиш департаменти	a government department established to collect and supply to the unemployed information about job vacancies and to employers information about availability of prospective workers.
<b>Министрлик акти</b>	ҳукумат фаолияти, қонуний ваколатга мувофиқ бажарилган, ташкиллаштирилган жараёнёкииндивидуал хукм-кўрсатмаларни бажаришдан ташқари бош инструкция-кўрсатма.	government action "performed according to legal authority, established procedures or instructions from a superior, without exercising any individual judgment."

<b>Тушунча</b>	<b>Ўзбек тилидаги изоҳи</b>	<b>Definition in English</b>
<b>Маслаҳат хужжати</b>	умумий тегишли баёнот агентлиги ва келажак эффиқти, бошқача айтганда, тартибга солиш фаолияти, ҳаракати.	an agency statement of general applicability and future effect, other than a regulatory action.
<b>Ижтимоий (оммавий) хизмат</b>	хукумат тармоғида кимдир томонидан бажариладиган иш-вазифа, ижтимоий (оммавий) хизматчилар томонидан бажариладиган иш.	work that someone does as part of a government : the work done by public servants.
<b>Маъмурий процедура</b>	жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатишни ўз ичиға олган маъмурий органларнинг хуқуқни қўллаш фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоида	the procedural rules governing the enforcement activities of administrative authorities in respect of legal entities and individuals , including the implementation of public services
<b>Маъмурий иш юритиш</b>	маъмурий ишни қўриб чиқиши, маъмурий актни қабул қилиши ва маъмурий шикоят юзасидан қайта қўриб чиқиши маъмурий процедуравий тартибга солиш жараёни	regulated administrative procedure process of reviewing administrative case, the adoption of an administrative act, as well as its administrative review of the complaint;
<b>Маъмурий иш</b>	маъмурий актни қабул қилинишига асос бўладиган хужжатлар ва материаллар йиғиндиси	a set of documents and other materials on which the administrative act was adopted;
<b>Манфаатдор шахс</b>	маъмурий акт ёки маъмурий ажрим ёхуд маъмурий органнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги)и хуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилган жисмоний ва юридик шахс.	legal or natural person whose rights or legitimate interests are affected by an administrative act or administrative determination, as well as the administrative action (or inaction) of the administrative authority;
<b>Мақбул маъмурий акт</b>	манфаатдор шахсга хуқуқ берувчи ёки хуқуқни тасдиқловчи ёхуд унинг зиммасидан мажбуриятни соқит қиласидиган маъмурий акт	administrative act entitling the person concerned, or confirming its right to, or removing its duty;

<i>Tushuncha</i>	<i>Ўзбек тилидаги изоҳи</i>	<i>Definition in English</i>
<b>Номақбул маъмурий акт</b>	манфаатдор шахсни хуқуқдан маҳрум қилувчи ёки хуқуқини чекловчи ёхуд унинг зиммасига бирон-бир мажбурият юкловчи маъмурий акт.	an administrative act, which deprives the person concerned of his rights or restricts his right or imposing on it a certain responsibility.
<b>Маъмурий органлар</b>	оммавий маъмурий ваколат берилган шахс, хусусан: давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳсус ваколатли ижро-бошқарув органлари, шунингдек, давлат хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий бошқарув функциясини амалга оширишга ваколатли бўлган давлат органлари ва бошқа органлар.	persons endowed with public administrative competence, namely the governments, local bodies of executive power, executive and administrative bodies of the special competence and economic management bodies, citizens' self-government and other bodies and organizations authorized the implementation of public management functions

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2014.
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-ИИ-сон Конституциявий Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 213-модда
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 136-модда
4. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 02.12.2004 й. 704-ИИ Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2004 й
5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 12-сон, 215-модда.
6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 137-модда
7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 518-ИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й. 9-10-сон, 132-модда
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Биринчи қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 2-сон, Илова. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисми Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 11-12-сон.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### II. Махсус адабиётлар

1. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи // Дарслик – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2012. – 564 б.
2. A W Bradley and K D Ewing. Constitutional law and administrative law, Great Britan 2011c.

3. Erwin Chemerinsky. Constitutional Law: Principles and Policies. 4th Edition, May 25, 2011.
4. Christopher N. May, Allan Ides. Constitutional Law: National Power & Federalism. 5th Edition, 2012
5. Allan Ides Christopher N. May Constitutional Law - Individual Rights. Fifth Edition 2012

### **III. Интернет ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат сайти - [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси сайти - [www.parliament.gov.uz](http://www.parliament.gov.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти - [www.senate.gov.uz](http://www.senate.gov.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинг институти сайти - [www.monitoring.uz](http://www.monitoring.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти - [www.ombudsman.gov.uz](http://www.ombudsman.gov.uz)